Все перечисленные способы хеджирования для коммерческого банка и его клиентов является оптимальным при определенных условиях валютного рынка. Потому, что для каждого метода хеджирования при проведении валютных операций наиболее приемлемым является тот метод, который покрывает валютный риск, возникающий в данной ситуации, и который должен быть выгодным и для коммерческого банка, и для его клиента.

Применение хеджирования в деятельности банков Узбекистана и его клиентов на мировом валютном рынке является необходимой и неотъемлемой частью снижения финансового риска валютных операций.

МАМЛАКАТИМИЗДА ХАЛҚАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАРДА АККРЕДИТИВ ҲИСОБ ШАКЛИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ ҲАМДА БАНКЛАРНИНГ УШБУ ҲИСОБ ШАКЛИДАН ФОЙДАЛАНИШИДА ДУЧ КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАРИ

Ҳозирги замонавий халқаро савдони кредит инструменти ва тўловни кафолатлаш, амалга ошириш манбаси сифатида аккредитив ҳисоб шакли Ўзбекистоннинг ваколатли банкларида ҳам кенг қўлланилиб келинмоқда. Ҳамда ҳозирда амалга оширилаётган халқаро ҳисоб-китобларнинг қарийб 53%дан кўпроги аккредитив ҳисоб шакли орқали амалга оширилган тўловларга тўғри келади. Агар аккредитивнинг ўз хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда унда кўрсатиладиган шартлар аниқ ва пухта ишланган ҳолда тузилса, у ўзига халқаро савдо субъектлари томонидан билдирилган ишончни тўлалигича бажаради, яъни интеграциялашувнинг жадаллашуви шароитида халқаро савдо муносабатларида вужудга келаётган хатарларни олдини олади.

Аккредитив ҳисоб шакли халқаро иқтисодий муносабатларга киришини зарурияти шароитида ушбу муносабатларда вужудга келаётган хатарларни олдини олувчи воситаси эканлиги тушунилган ҳолда Ўзбекистонда ҳам ушбу ҳисоб шаклидан фойдаланишни янада такомиллаштириш бўйича мунтазам чоралар кўриб борилмоқда. Бу олиб борилаётган ишлар ташқи иқтисодий алоқаларни ривожланишида ўз аксини топмоқда. Лекин шу билан бирга халқаро иқтисодий муносабатларда ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштиришнинг ўзига хос муаммолари мавжуд:

1. Тижорат банклари томонидан импорт операцияларида очилаётган аккредитивларнинг асосий қисмини таъминланган аккредитивлар ташкил қилади. Бу аккредитив турларидан фойдаланишда тижорат банклари учун тўлов хатари бўлмаганлиги сабабли, банкларга юқори даромад келтирмайди ва шу билан бирга банк мижозларига тегишли валюта маблағларининг унинг ҳўжалик айланмасидан маълум муддатга чиқиб қолишига олиб келмоқда.

2. Халқаро банк амалиётининг тажрибаси шуни кўрсатадики, тижорат банклари халқаро ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширишда фақат ҳужжатлар айланмаси учун жавоб берадилар, яъни товарлар билан боғлиқ ҳужжатларни

халқаро қоидалар ва ташқи савдо шартномасида белгиланган талабларга жавоб бериши юзасидан жавобгар ҳисобланади. Республикамизда эса, тижорат банкларига ҳужжатлар айланмаси учун жавобгарликдан ташқари импорт операциялари бўйича товарларни етказиб берилиши устидан назорат қилиш, экспорт операциялари бўйича эса, экспорт тушумини келиб тушиши устидан назорат қилиш функцияси юкланган. Бу эса бизнинг маҳаллий қонунларимиз халқаро тан олинган қонун ва қоидаларга мос тушмаслигини кўрсатади ҳамда банклар учун ушбу муносабатлар бўйича жавобгарлигини, яъни назоратини кучайтиради. Бундан ташқари, тижорат банклари умумий услубий ва йўриқнома асосларининг мавжуд эмаслиги сабабли, халқаро ҳисоб-китоблар билан боғлиқ ички банк операцияларини бажаришда банкнинг ўз ички тартибига риоя қилади. Ушбу ички тартиб эса шу банкдаги ходимларнинг билим савияси ҳамда тажрибаси билан белгиланади ва натижада банкларда ички тартибларнинг турлича бўлишига олиб келади.

3. Тижорат банклари томонидан экспорт аккредитивларини тасдиқлаш билан боғлиқ муаммолар, яъни амалда қўлланилаётган тартибга мувофиқ банк хорижий банк томонидан очилган аккредитивни тўлиқ таъминланганлик суммаси келиб тушгандан сўнг тасдиқлаши мумкин, лекин хорижий банклар, кўпчилик ҳолларда, аккредитивнинг таъминланганлик суммасини ўтказишни кечиктиради ёки умуман хоҳламайди. Бунинг асосий сабаби шундаки, биринчидан, хорижий банклар мамлакатимизда сиёсий хатар даражаси юқори деб ҳисоблайдилар, иккинчидан, улар республикаимиз тижорат банкларининг кўпчилиги тўғрисида етарли маълумотга эга эмаслар.

Юқорида кўрсатилган муаммолар ҳанузгача мавжуд бўлиб, бу муаммоларни ҳар бир банк ўз имкониятларидан келиб чиқиб, бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Халқаро қабул қилинган қоида ва анъаналар билан биргандекда юқорида келтирилган муаммоларни ўрганиб чиққан ҳолда мен куйидаги тадбирларни амалга оширишни таклиф қиламан:

1. Республикаимиз тижорат банкларида импорт тўловлари бўйича очиладиган, таъминланмаган ва чақириб олинмайдиган аккредитивларнинг ҳажмини ошириш лозим. Бунинг учун банкларда мижозларнинг молиявий ва мулкий ҳолатини таҳлил қилиш тизимини такомиллаштириш керак. Акс ҳолда, тижорат банкларининг зарар кўриш хавфи сезиларли даражада кучайи-

ши мумкин. Бунда энг қулай йўл хорижий банкларнинг кредит линияларидан фойдаланиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси хўжалик субъектларининг, шу жумладан, тижорат банкларининг ташқи иқтисодий фаолиятида нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланишни тартибга солиш имконини берадиган алоҳида қонун қабул қилиниши лозим. Мазкур қонун хўжалик субъектларининг, шу жумладан, тижорат банкларининг халқаро ҳисоб-китоб муносабатларини тартибга солувчи бирламчи ҳужжат бўлиб қолиши, унда албатта халқаро умумлаштирилган қоидалардан мамлакатимиз тижорат банклари фаолиятида фойдаланиш масаласи ўзининг узил-кесил ечимини топган бўлиши лозим.

Б.Т. Тўраев — БМА тингловчиси

ВАЛЮТА БОЗОРИНИНГ МАЗМУНИ ВА АҲАМИЯТИ

Ҳар қандай давлатнинг иқтисодиётини ривожланган молия-кредит бозорисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Молия бозорининг муҳим ва асосий таркибий қисмини эса валюта бозори ташкил қилади.

Валюта бозори — бу чет эл валютасини олди-сотдисини ва чет эл валютасидаги қимматбаҳо қоғозларни ҳамда валютавий капитални инвестиция қилиш муносабатларини амалга оширувчи иқтисодий муносабатларни намоён қилувчи марказ ҳисобланади.

Республикамыз валюта бозорида сотилаётган хорижий валюта ҳажми мустақилликдан кейинги йилларда секин-аста кўпайиб борди. Лекин 1998-2000 йилларда ташқи савдо айланмасининг пасайганлиги сабабли валюта тушумлари камайган. Валюта тушумининг камайишига сабаб қилиб қуйидагиларни кўрсатишимиз мумкин:¹

- жаҳон иқтисодий ўсиш суръатларини пасайиши;
- стратегик марказлашган экспорт маҳсулотларига бўлган жаҳон нархларини тушиши (пахта ва олтин нархи);

¹ Қаранг: В. Тен, Н. Жумаев «Пул муомаласини тартибга солишда валюта сис-темадан фойдаланиш», «Бозор, пул ва кредит» журнали, 2001 йил, 8-сон, 18-22 бетлар.

– Ўзбекистоннинг асосий анъанавий савдо шерик давлатларидаги молиявий ва иқтисодий инқирозлар (Масалан: Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ва Россия Федерацияси).

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги 263-сонли «Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бевосита валюта сиёсатини эркинлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, биржадан ташқари валюта бозорини кенгайтириш ва нақдсиз ҳамда нақд валютани конвертация қилиш қўлламларини кўпайтиришга қаратилган муҳим тадбирдир. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тадбирларни татбиқ қилишни таклиф этаман:

1. Ташқи савдо айланмасини кўпайтириш – бунинг учун маҳаллий ишлаб чиқаришни молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга шарт-шароитлар яратиш. Тадбиркорларнинг экспортга чиқарган маҳсулотларидан тушган валюта тушумларининг мажбурий сотув миқдорини 30 фоиз атрофида белгилаш, ундан ошган миқдорини эса ўз ихтиёрида қолдириш зарур.

2. Биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантириш мақсадида, банклараро савдони кенгайтириш, шунингдек, валюта бозорини кенгайтириш ҳамда валюта операцияларини такомиллаштириш учун макроиқтисодий муҳит яратиш, унда хусусий тадбиркорларнинг ҳам актив иштирокини ташкил этиш.

3. Валюта бозори иштирокчиларининг, яъни банklar за банк ходимларининг профессионал даражасини ошириш.

У.Э. Собиров — БМА тингловчиси

ВАЛЮТА БОЗОРИ РИВОЖЛАНИШИДА МАВЖУД МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Давлатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида миллий валютамининг жорий операциялар бўйича айирбошланишини амалга ошириш учун республикамизда зарур шарт-шароит мавжуд эмас эди. Ўтган ўн икки йил давомида эса айнан шу шарт-шароитни яратишга алоҳида эътибор қаратилди.

Республикамиз ҳукумати ўша даврдаёқ мамлакат иқтисодиётини жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашувини таъминлашни ўз олдига муҳим вазифалардан бири сифатида қўйди. Бунда асосий эътибор мураккаб иқтисодий вазият юзага келган бир шароитда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни кўзда тутган ҳолда

иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга қаратилди. Бу ҳаракатлар биринчи навбатда иқтисодиётнинг ички имкониятлари ва дунё бозори конъюнктурасини ҳисобга олиб, мамлакатимизнинг жаҳон меҳнат тақсимотида ўзига хос мавқени эгаллашига йўналтирилди. Ҳукуматимиз томонидан олиб борилган оқилона валюта сиёсати натижасида кўплаб инвестицион лойиҳалар амалга оширилди. Бу борада, айниқса, хорижий кредит йўналишларини ўзлаштириш асосида хусусий секторда амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ўрни салмоқли бўлмоқда. Пировардида мустақиллик йилларида республикада мева ва сабзавотни қайта ишлаш, гўшт ҳамда суг маҳсулотлари, сариеғ, пишлоқ, йогурт, қандолатчилик, нон ва нон маҳсулотлари, шунингдек, дори-дармон ишлаб чиқаришга ихтисослашган кўплаб корхоналар ташкил этилди.

Бугун Ўзбекистон жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига базавий тармоқлари муайян даражада тараққий этган, импорт ўрнини босадиган ва экспортга йўналтирилган соҳалари ривожланган кучли иқтисодиёт билан кириб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасида валюта бозори ва валюта операцияларини ривожлантириш ҳамда уларни такомиллаштириш учун қуйидагиларни амалга оширишни тақлиф этамиз.

1. Биржадан ташқари валюта бозорини, айниқса, банклараро валюта бозорини янада ривожланиши учун тегишли шарт-шароитлар яратиш.

2. Нақд валюта муомаласи, яъни валюта айирбошлаш шаҳобчалари операцияларини соддалаштириш ва қўламини кенгайтириш учун шаҳобчаларнинг сотув ва сотиб олув операцияларига мавжуд барча чекловлар ва сотувчи ҳамда сотиб олувчиларни махсус рўйхатга олиш тартибини бекор қилиш зарур. Бундан ташқари, валюта шаҳобчалари нафақат валюталарни олди-сотдиси, балки муомала учун яроқсиз бўлиб қолган купюраларни яроқдиларига алмаштириш операциялари билан шуғулланиши лозимлигини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг валюта захираларини кенгайтириш учун хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини янада ривожлантириш ва уларни хорижий валютада тушумлар олишини янада кенгайтиришга манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида ушбу валюта тушумларидан товар турларига мувофиқ амалга ошириладиган мажбурий сотув меъёрларини пасайтириш зарур.

4. Шу билан биргаликда, республикага хорижий инвестицияларни кенг қўламда жалб этиш, республика миллий иқтисодини

кўтариш ва қўшма корхоналар барпо этилишини жадаллаштириш мақсадида мамлакатимиз ҳудудларида тадбиркорликнинг эркин иқтисодий ҳудудларини ташкил этиш лозим.

Р.С. Искандаров — БМА тингловчиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИ ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОСЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Валюта сиёсати — бу валюта муносабатларини бошқариш, тартибга солиш бўйича давлат томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар йиғиндиси.

Валюта сиёсатини амалга оширишнинг асосий йўлларида бири, давлатнинг халқаро ҳисоб-китоблари бажарилишини бошқариш ва миллий, мамлакатлараро, ҳудудлараро валюта муносабатларини амалга оширишдан иборат. Валютани тартибга солишнинг бевосита йўли бу қонуний ҳужжатлар ва ҳукуматнинг ижро органлари орқали амалга оширилади. Билвосита йўли эса, бу бозор агентларининг иқтисодий ҳаракатланишига, иқтисодий усуллар. Хусусан, валюта-кредит усуллари билан таъсир этади.

Ҳозирги кунда давлатлар томонидан амалга ошириладиган валюта сиёсати мамлакат валюта курсининг барқарорлигини сақлаб туришга ва шу орқали мамлакатда товар ҳамда хизматлар экспортини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон республикаси валюта сиёсатининг 2005 йил учун йўналиши белгилаб олинган бўлиб, бунда ваколатли банкларнинг халқаро биржаларга чиқиб, хорижий валюта маблағларини жалб қилиш орқали республикада биржадан ташқари валюта бозорини янада кенгайтиришга қаратилган.

Бугунги кунда қуйидаги муаммолар мавжуд:

1. Параллел бозор маълум ҳажмда сақланиб қолган.
2. Валюта айирбошлаш шаҳобчаларида хорижий валютани сотиб олишда айрим талаблар мавжудлиги (паспорт тақдим қилиш ва прописка).
3. Банк мижозларининг хорижий валюталардаги тўловларини амалга ошириш учун сўмдаги маблағларини йўриқномаларда белгиланган кундан кўпроқ кунда конвертация қилиб берилиши.

Таклифлар:

1. Жисмоний шахсларнинг хорижий валюта сотиб олишидаги паспорт ва пропискага бўлган талабларини олиб ташлаш керак. Ушбу ҳолат параллел бозор ҳажмининг камайишига ёрдам беради.

2. Ваколатли банклардаги эксперт комиссиясини бекор қилиш ва филиалларга валюта биржасида қатнашишга рухсат бериш керак. Бу ҳолат биржадан ташқари валюта бозорининг кенгайишига ва валюта операциялар миқдорининг ошишига ёрдам беради.

3. Валюта биржасида тижорат банклари дилерларидан ташқари хусусий дилерлар қатнашишига рухсат бериш керак, шунда биржадан ташқари валюта бозорига кўпроқ даражада валюта маблағлари жалб қилинишига эришилади. Бу ҳолат ҳам валюта бозорининг кенгайишига ва валюта операциялари миқдорининг ошишига олиб келади.

Т.Т. Атамуратов — БМА тингловчиси

ХАЛҚАРО МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКАМИЗ ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ЎРНИ

Ўзбекистоннинг ўнлаб йиллар мобайнида ташқи дунёдан ажралиб қолганлигини бартараф этилгани, мустақил ташқи иқтисодий алоқаларнинг шаклланиши ва уларнинг амалга оширилгани иқтисодий ислохатларнинг биринчи босқичида қўлга киритилган муҳим натижалар ҳисобланади.

Мустақиллик йиллари очиқ иқтисодни вужудга келтириш учун зарур бўлган сиёсий, ҳуқуқий ва ташкилий заминни барпо этиш йиллари бўлди. Мустабид тузум қулагач, ташқи савдодаги иттифоқнинг ташқи савдога бўлган монополияси, у билан бирга ташқи алоқани бошқарувчи ҳуқуқий меъёрлар, экспорт ва импортни марказлашган ҳолда шакллантирувчи умумиттифоқ тизими, валюта ресурсларни тақсимлашни иттифоқ миқёсида бошқариш барҳам топди.

Мавжуд вазият ташқи иқтисодий мажмуани бошқаришда ўз тизимимизни жадал шакллантиришни, ташқи алоқаларни йўлга қўйишда ўз тамойилларимизни ишлаб чиқишни, Ўзбекистонни жаҳон иқтисодий тизимига уйғунлаштириш йўлини мустақил белгилашни тақозо этди. Бу ташқи иқтисодий фаолиятни маъмурий чекловларни кескин қисқарган ва уларни халқаро миқёсда қабул қилинган меъёр ҳамда қоидалар, ташқи

савдони бошқаришни бозор воситалари билан алмаштиришни биринчи ўринга қўйди.

Мустақил давлат сифатида, Ўзбекистон очиқ иқтисодиётни шакллантириш бўйича ишларни фаол олиб борди. Мамлакатнинг жаҳон хўжалик алоқаларда, халқаро меҳнат тақсимотида кенг иштирок этиши очиқ турдаги иқтисодни барпо этишнинг асоси ҳисобланади. Жаҳон ҳамжамиятига, шу жумладан Халқаро молия институтларига кириш Ўзбекистон учун энг муҳим ва эътиборли вазифадир.

Бу мақсадга эришиш учун Ўзбекистоннинг ўз ҳудудида фаолият кўрсатмаётган ХМИлар билан яқин алоқа боғлаши, анча узоқ муддатга имтиёзли қарзларни жалб этиши муҳим ҳисобланади. Яна, шунингдек, республика учун Халқаро валюта фонди, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликни ривожлантириш жараёнини жадаллаштириш, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа молия институтларига аъзо бўлиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Халқаро молия институтлари билан ҳамкорлигимизни кенгайтириш учун қуйидагилар таклиф этилади:

— чет эл қарзларининг ажратилиш йўлини ва чет эллик инвесторларни мамлакат ресурсларидан кишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаси учун ускуналар сотиб олиш технологиялар яратишга жалб этиш керак. Бунинг учун республикамиз омиллари ва ихтирочиларининг изланишларини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни яратиш зарур. Бу — валютага минн завод ва технологиялар сотиб олишдан фойдалироқ бўлур эди. Ўзбекистоннинг ХМИлар билан турли миқёс ва даражадаги ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли миллий программани тузиш керак. Бу ишни халқаро бизнес соҳасидаги олимлар, экспертлардан иборат ишчи гуруҳ амалга ошириши мумкин. Бу гуруҳга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси банклар ассоциацияси, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва республиканинг бошқа нуфузли муассасалари кириш мумкин.

СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ РЫНКА СРОЧНЫХ ВАЛЮТНЫХ ОПЕРАЦИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Валютный риск возникает, когда участники рынка заключают сделки в валютах различных стран, то есть они являются экспортерами и импортерами товаров, услуг и капитала. Поскольку экономика Узбекистана является неотъемлемой частью мировой экономики и Узбекистан выбрал рыночную экономику как основу динамичного развития, то участники рынка будут подвержены различным рискам, присущим рыночной экономике, в т.ч. валютному риску. Ограничения на совершения валютных операций в Узбекистане были направлены на снижение оттока валюты из нашей республики, а также для увеличения эффективности использования валютных резервов. Также валютные ограничения были введены для поддержки жизненного уровня населения, потребляющего импортированные за иностранную валюту товары и развития местного производства конечной продукции. Большинство экспортеров, которые были обязаны продать валютную выручку по официальному курсу, не могли покрыть себестоимость продукции из-за низкого официального курса. Уменьшение притока валюты повлияло на снижение объемов импорта. Таким образом, резкий спад экспорта и импорта определенно тормозил развитие срочных валютных операций в Узбекистане. В связи с этим в Узбекистане правительством применяются меры по дальнейшему развитию валютного рынка. В рамках этих мер Узбекистан подписал 8 Статью Устава МВФ и открыл конвертацию по текущим операциям. Срочные валютные операции проводятся крупными коммерческими банками, но они оперируют незначительными суммами и эти операции сводятся главным образом к продлению открытой позиции в иностранной валюте или к проведению краткосрочных спекулятивных операций.

Кроме того, наиболее популярным срочным инструментом среди клиентов коммерческих банков является валютные свопы. Эта инертность оправдана тем фактом, что клиенты банков - не активны на валютном рынке и не имеют больших валютных позиций, т.е. валютных рисков, которые могли быть застрахованы. В процессе изучения законодательства стало ясно, что отсутствует четкая юридическая база для осуществления срочных валютных сделок в РУ и за рубежом. Хотя, нет никакого строгого ограни-

чения для заключения такого рода сделок. Одна из самых актуальных проблем, большая часть экспортирующих и импортирующих компаний, которые могли бы заинтересоваться управлением риска посредством хеджирования, все еще принадлежат государству. Нет заинтересованности в более гибком управлении рисками. Легче продать-купить по цене спот, сославшись на рыночные колебания плавающих курсов и их неопределенность. Отсутствует система премирования, прямо пропорциональная чистой прибыли компании. Кроме того, крупнейшие банки также являются государственными. Однако, государство планомерно разрабатывает комплекс мер по приватизации компаний и банков для увеличения их конкурентоспособности и эффективности (можно выделить АГМК, Узбектелеком, Узнефтегаз, Национальный банк и Асака банк). Программа приватизации рассчитана до 2005 г.

Вторая проблема тесно связана с первой, а также с конвертацией. Банки не доверяют клиентам, т.е. не уверены, что те выполнят свои обязательства по срочным валютным контрактам. Особенно это касается операций своп, где клиент нуждается в свободно конвертируемой валюте.

Мы также должны отметить еще одну проблему — недостаток конкуренции в самом банковском секторе. Только небольшое число малых частных банков борются за своих клиентов подобно тому, как это происходит в развитых странах. Но их доля в банковской системе слишком мала, чтобы конкурировать с большими государственными банками. Кроме того, только несколько банков способны предоставлять такого рода услуги (проведение срочных валютных операций) на соответствующем международном уровне. При этом необходимо учесть, что банки будут развивать такие операции, обучать персонал, и т.д. только, если эти банковские услуги будут востребованы их клиентами.

Для увеличения видов срочных валютных операций и объемов по текущим и срочным операциям предлагаем:

- 1) Дать согласие частным банкам проводить срочные операции на международных рынках;
- 2) Создать равные условия среди банков в борьбе за клиентов;
- 3) На факультете повышения квалификации организовать курсы повышения квалификации по проведению срочных валютных (форвард, фьючерсы, опционы)

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДА КОМПАНИЯ-ЭМИТЕНТНИНГ «ФУНДАМЕНТАЛ ТАҲЛИЛ» ҚИЛИШНИНГ МУАММОЛАРИ

Ғарб тадқиқотчилари фундаментал тадқиқот ўтказишга икки асосий ёндашувни ажратиб кўрсатадилар. Анъанавий таҳлил аввал иқтисодий таҳлилдан бошланиб, сўнг тармоқ ҳолати таҳлилига ўтувчи, ниҳоят, компаниянинг аҳволини фундаментал таҳлилига ўтувчи «юқоридан пастга» бўлган ёндашувни кўзда туттади. Бундан бошқа ёндашув ҳам мавжуд, унга кўра инвестор таҳлилни «пастдан юқорига», микродаражадан бошлаб, тармоқ таҳлилига ўтади ва иқтисодий вазият билан тугатади. Ҳар икки таҳлил ҳам бири иккинчисини истисно этмайди.

Давлат учун қайси ёндашув мақбул? Бир томондан, давлат иқтисодий барқарорлик ва воситалар самарадорлигининг кафолати сифатида жорий вазият ва миллий саноатнинг асосий тармоқлари конъюктураларида мониторингини ўтказсади. Бу ишнинг натижалари мамлакат ҳар йили қабул қиладиган бюджетда, шунингдек, келгуси йиллар иқтисодий сиёсатини ривожлантиришнинг асосий йўналишини белгиловчи меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топади. Иккинчи томондан, давлат қимматли қоғозлар бозоридаги инвестор сифатида низом капиталида ўз улушига эга бўлган компания-эмитенти хўжалик фаолияти самарасини таҳлил қилиш керак. Иқтисодий субъектлар фаолиятининг таҳлили инвестициялар самарасини белгилашдан ташқари давлат иқтисодий-сиёсатининг заиф томонларини, иқтисодни ривожлантиришнинг яширин имкониятларини аниқлашга ёрдам беради. Булар эса ўз навбатида ички инвестиция ресурсларини сафарбар қилиш ва мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлаш учун зарурдир. Бироқ фундаментал таҳлидан давлатнинг фойдаланишидаги парадокси шундан иборатки, давлат, бир томондан, ўз иқтисодий сиёсати орқали кўп жиҳатдан миллий иқтисодиётнинг аҳволини белгилайди, иккинчи томондан, компания-эмитенти инвестициявий жозибадорлигини белгилаш вазифасини ўз олдига қўяди. Бундан ташқари, иқтисодиётдаги вазиятнинг таҳлили фундаментал таҳлилни бошлаш имконига эга бўлиш, иқтисодий субъект фаолиятини таҳлил этишга ўтиш, давлат ўзи юритаётган иқтисодий сиёсат самарасини баҳолай олади, агар зарур бўлса, унинг айрим томонларини қайта кўриб чиқади. Юқорида баён

этилганларга асосланиб, менимча, компания-эмитентни қуйичагича фундаментал таҳлилни ўтказиш алгоритимини таклиф этиш мумкин деб ҳисоблайман:

1. Макроиқтисодий омилларни таҳлил этиш.
2. Тармоқ омилларини таҳлил этиш.
3. Микроиқтисодий омилларни таҳлил этиш.

Биз юқорида таклиф этилган омиллар ҳар бири жуда катта таҳлилларни қамраб олади. Улар ҳар бирига алоҳида тўхтаб ўтишнинг имконияти йўқлиги учун компания-эмитентнинг ривожланишига қуйидаги таклифни бераман:

1. Қимматли қоғозлар бўйича амалдаги қонунчиликка мувофиқ ошқора бўлиши керак бўлган маълумотларга барча манфаатдор иқтисодий агентлар тезда ҳамда ҳеч бир тўсиқларсиз эга бўлишларини таъминловчи фонд бозорида ахборот ошқоралиги самарали тизимни яратиши давлатнинг қимматли қоғозлар бозоридаги муҳим бошқарув қарорларидан бири ҳисобланади.

М.И. Хўжаев — БМА тингловчиси

ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШДА ПУЛ БОЗОРЛАРИНИНГ ЎРНИ

Пул бозорлари бугунги кунда жаҳонда энг йирик бозорлардан биридир. Бутун дунё бўйича мазкур бозорларда фаолият мониторингини амалга оширадиган Халқаро ҳисоб-китоблар банки маълумотига кўра, улардаги битимларни ўртача бир кунлик ҳажми 1,4 трлн, АҚШ доллардан ортиқни ташкил қилади.

Бу бозорларнинг мақсади товар, яъни пулни харидорлари ва сотувчилари битимларини амалга ошириш ҳамда ўз активларини алмашиш имкониятига эга бўлишидир. Пул бозорининг аҳамияти жуда катта, Пуллар сотиладиган ва сотиб олинадиган нарх давлатларни иқтисодий сиёсати яшовчанлигини белгилайди ҳамда миллиардлаб инсонлар ҳаётига таъсир кўрсатади.

Пул бозори — бу асосан қисқа муддатли қарз олиш бозори бўлиб, унда моливий институтлар ва коорпорациялар пулни бир кундан бир йилгача муддатга қарз оладилар ва қарз берадилар.

Пул бозори учта муҳим вазифани бажаради: **биринчидан**, уларнинг таклифлари билан қисқа муддатли кредитларга эҳтиёжни «қаратиб қўяди», шундай вазиятда ликвидликка муҳтож бўладиган иқтисодий агентларга маблағлар осон кириб

бориш манбасини тақдим этади ва кимда вақтинчалик бўлиб маблавлар бўлса, уларга ўзларининг маблавларини даромадли қўйиш шароитини яратди. Пул бозори шундай вазифани бажара туриб, пул бозорида молиявий захиралардан янада самарали фойдаланишга мадад беради. **Иккинчидан**, пул бозори қисқа муддатли молиявий инструментлар даромадлигини ўзгартириш орқали, Марказий банкни ва хўжалик субъектларини иқтисодиётда ликвидликнинг жорий ҳолати тўғрисидаги ахборотлар билан таъминлайди. Бундай ҳол Марказий банк томонидан пул сиёсати ўтказилишини ва хўжалик субъектлари томонидан ликвидликни бошқаришни енгиллаштиради. **Учинчидан**, пул бозорида фоизлар ставкаси ва иқтисодиётдаги бошқа фоизлар ставкалари ўртасидаги ҳамда банклар захиралари ва пул агентлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликдан келиб чиқиб, пул бозоридан пул сиёсати учун ўтказма механизм сифатида фойдаланиш мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистонда самарали пул бозори яратилиши босқичма-босқич амалга оширилмоқда ҳар хил сабаблар таъсири остида бозорнинг бир неча бўғинлари яратилган бўлса ҳам, уларни пул бозорларига тегишли бўлган вазифаларни бажариш даражасигача кўтариш долзарб муаммо ҳисобланади. Буларнинг барчаси оқибатида бугун Ўзбекистон иқтисодиётида эркин кириб борадиган ликвидли молиявий маҳсулотлар ва бозор томонидан ўрнатиладиган таянчли ставкалар йўқ. Шунинг учун Ўзбекистонда тижорат банклари ортиқча захираларининг катта миқдорини ушлаб туришнинг қисман сабаби деб тушуниш мумкин, фоизлар ставкасининг таркиби тартибга солинмаган, иқтисодиётда ликвидликни тўғридан-тўғри кўрсатадиган ҳолат кўрсатгичи йўқ ва пул массасида нақд пул ҳиссасининг ўсиши давом этмоқда.

Пул бозорида операцияларни амалга ошириш амалиётини кенгайтириш учун қўйидагиларни таклиф этаман:

1) банкларда валюта операцияларини ўтказадиган бошқармалар фаолиятини ривожлантириш.

2) пул бозорида операцияларни амалга ошира оладиган мутахассис кадрларни тайёрлаш зарур.

ЎЗБЕКИСТОНДА ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунининг янги таҳрири 2003 йилнинг 11 декабрида 556-II-сон билан қабул қилинган бўлиб, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида валюта операцияларини амалга оширишда муносабатларни тартибга солиб туриш ва қонуний ҳужжатларга риоя қилган ҳолда жорий халқаро операцияларни амалга оширишдан иборат. Ушбу қонун 22 моддадан иборат бўлиб, валюта соҳасидаги барча муносабатларни қамраб олган.

Шуни таъкидлаш керакки, юқоридаги валюта муносабатларини тартибга солувчи қонунчиликка кўра, барча валюта операциялари фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан бош лицензия олган ваколатли банклар томонидан амалга оширилиши лозим. Ташкилотлар томонидан бошқа банклар орқали амалга оширилган валюта операциялари қонуний ҳисобланмайди. Барча резидентлар эса (мулкчилик шаклидан қатъи назар) ташқи иқтисодий фаолият натижасида олган хорижий валютани ваколатли банклар ҳисоб-рақамларига ўтказиши шарт.

Ваколатли банклар мижозлар топшириғи бўйича битимларни Марказий банк томонидан белгиланган тартибда тузиши ва амалга ошириши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда Республикамизда валюта операцияларини ривожлантириш борасида жиддий муаммолар қуйидагилар ҳисобланади:

1. Хорижий валюталарга бўлган барқарор талабнинг юзага келмаганлиги бу ҳолатда Республика валюта биржасида АҚШ долларини соғиб олишга талаб узлуксиз ошиб бораётганлиги кўрилади. Бунинг натижасида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашинув курси тўхтовсиз пасайиб бормоқда.

2. Мамалакат жорий валюта бозорининг ликвидлигини таъминлаш имконияти юзага келмаган. Бунинг натижасида Ўзбекистон банклари томонидан муддатли валюта операциялари деярли амалга оширилмайди.

3. Қорхона ва ташкилотларнинг жорий валюта ҳисоб варақаларини юритиш тартиби ҳаддан зиёд расмийлаштирилган ва битимларнинг объектига қараб йўналтирилган. Натижада

корхоналар фақат белгиланган товарларни харид қилиш учунгина тўловни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Бу товарларни харид қилиш учун тузилган шартномалар ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида ҳамда мижозга хизмат кўрсатувчи банкда албатта қайд этилиши керак.

Шундай қилиб, мамлакатимизда (миллий валюта тизимининг мустақкамлигини ошириш учун) валютани тартибга солишнинг янги услубларини ишлаб чиқиш зарур. Шунингдек, экспортга йўналтирилган корхоналар ҳамда хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида валюта назоратини такомиллаштириш керак.

Бунга, бизнинг фикримизча, валюта муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш ва Ўзбекистон валюта бозорининг инфратузилмасини яхшилаш йўли билан эришиш мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимиз банк тизимидаги ҳар бир банкда ҳам валюта операциялари тўлиқ йўлга қўйилмаган. Бу албатта кўпчилик банкларда мутахассисларнинг валютани тартибга солиш соҳасидаги билимларини етарли даражада эмаслигидадир, шунинг учун ҳисобга олган ҳолда мамлакатимиз илмий салоҳиятини оширишда валюта операцияларини бошқариш механизмининг батафсил ўрганиш зарур. Бунинг учун институт магистратураси қошида алоҳида Илмий Марказни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

VI СЕКЦИЯ

ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ВА ИҚТИСОДИЙ ҶСИШНИ ТАЪМИНЛАШДА СОЛИҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ ҶРНИ

РОЛЬ РЕФОРМИРОВАНИЯ НАЛОГОВОЙ СИСТЕМЫ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА И РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

**Қ. Яхёев — Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган иқтисодчи, ТМИ профессори**

ТЎҒРИ СОЛИҚЛАР ИҚТИСОДИЁТ РАВНАҚИ ЎКИ ТЎҒРИ ВА ЭҒРИ СОЛИҚЛАР НИСБАТИ ТЎҒРИСИДА

Тарихан солиқлар давлат хазинасига тушиб, иқтисодиёт та-
раққийтининг кўзгуси бўлиб келган. Иқтисодиёт соҳаларида фао-
лият кўрсатаётган тадбиркорлар асосан, даромад (фойда) олиш
учун ҳаракат қилиб, жамиятда ялпи даромадни кўлайтиради.
Бу эса, давлат бюджети учун тўғри солиқлар базасини мус-
таҳкамлайди. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда бюджет
даромадининг 80—90 фоизи тўғри солиқлар ҳисобига шакллан-
тирилади. Бюджет даромадида тўғри солиқлар салмоғининг
кўплиги иқтисодиёт равнақидан дарақдир. Бозор иқтисодиёти
қонунлари тадбиркорликда бир тадбиркорнинг бир неча хил
фаолият турлари билан (ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, хизмат
кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш) шуғулланишни тақозо
қилади. Чунки, рақобат қонуни шуни талаб этади. Бу ерда му-
айян даврда бир фаолиятдан зарар кўрса, бошқаларидан даро-
мад олиб, умумий даромад кўп бўлади. Шунинг учун со-
лиқларни шакллантиришда ҳозирги юридик шахсларнинг да-
ромад (фойда) солиғига кенг ўрин бериш, унинг бюджетдаги
салмоғини ошириш лозим. Тадбиркорларнинг ҳар хил фаолият
турларига қараб солиқ турларини кўпайтириб, яна уларга деяр-
лик ҳар ойда ўзгартиришлар киритиб, солиқ қонунчилигини
мураккаб ва чалкашиб кетишига йўл қўймаслик керак. Ҳамма
тўғри солиқлар учун солиқ объекти белгилаш мезони даромад
(фойда) бўлиши керак. Тадбиркорларга кенг эркинлик берили-
ши зарур. Истаган, рухсат этилган фаолият тури билан
шуғуллансин. Молиявий натижаси бўйича фақат даромад

(фойда) солигини тўласин. Шунинг учун ҳозирги кунда даромад (фойда) солигини асосан бухгалтерия асосида аниқланган даромад (фойда)дан ташқари ҳамма фаолият турларидан олинган даромадларни қўшиб ва даромади бор ҳар қандай юридик шахсларни бириктириб даромад (фойда) солигини бюджет объектини кенгайтириш керак.

Масалан, ер ости бойликларидан фойдаланувчи юридик шахслар учун ҳам даромад (фойда) ва ҳам ер ости бойликларидан фойдаланиш солиғи ўрнига битта даромад (фойда) солиғи ўрнатиб, ер ости бойликларидан катта даромад олаётган бўлса, солиқ ставкасига қўшимча (2–5 фоиз) оширса, корхонага енгил бўлади, қўшимча солиқ ҳисоби ва тўлов ҳужжатларидан, энг муҳими вақт харажатидан қутулади. Солиқ идораларининг ишлари камаяди. Ерларнинг меъёрий қийматини аниқлаб ер солиғи ва мол-мулк солигини бириктириб, кўчмас мулклар солиғига ўтказиш мумкин.

Юридик шахсларнинг алоҳида фаолият турларига қатъий белгиланган солиқ турларини ҳам даромад (фойда) солиғига ўтказиб бухгалтерия ҳисобига асосан, даромад (фойда) солиғи тўлаш жорий этилса, солиқлар янада ихчамлашади. Солиқлар сони кўплиги ишлаб чиқаришга, солиқ идораларида ишларни чалкашлатиришга олиб келади. Солиқлар сони кам, салмоқли бўлганда иқтисодиётга ижобий таъсир этиб, унинг раванқини таъминлайди.

Тўғри солиқларнинг ҳуқуқий тўловчиси ҳам, ҳақиқий тўловчиси ҳам маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, ишлар ва хизматлар бажарувчилардир. Эгри солиқларнинг эса, ҳуқуқий тўловчиси маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчилар, ҳақиқий тўловчиси уларни истеъмол қилувчилардир.

Тўғри солиқлар бўлмиш юридик шахслар даромадига (фойдасига) солиқ ва жисмоний шахслар даромад солиқлари салмогини бюджет даромадида оширилиши эгри солиқлар салмогини камайтиришга олиб боради ва ижтимоий танглик эҳтимолининг олдини олади, юмшатади.

Тўғри солиқлар молиявий якун (объекти)га қараб олинганлиги учун ва прогрессив ставкаларда олинса, адолатли солиқлар моҳиятини кўрсатади. Шунинг учун бундай солиқлар ставкаси мақбул (оптималь) даражада ўрнатилса, корхоналар молиявий фаолиятига салбий таъсир кўрсатмайди.

Эгри солиқлар моҳияти жиҳатидан маҳсулот ишлаб чиқарувчи, ишлар, хизматлар бажарувчи корхоналар молиявий

фаолиятига нисбатан бетарафдир. Аммо, солиқ ставкалари каттароқ бўлса, маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчилар молиявий фаолиятини ҳам, уларни истеъмол қилувчилар молиявий аҳволини ҳам қийинлаштиради. Товарлар реализацияси сусаяди, истеъмол чекланади. Бозор иқтисодиётини кенг ривожланишига тўсқинлик қилади.

Шу ҳолатларни эътиборга олиб, қўшилган қиймат солиғи ставкасини 10–15 фоизга тушириш, акциз солиғи ва божхона божлари ставкаларини ҳам бироз камайтириш лозим бўлади. Эгри солиқлар бўйича имтиёзлар солиқни ҳуқуқий жиҳатдан тўловчиларга берилади, ҳақиқий тўловчига эмас. Шунинг учун моҳияти жиҳатидан бетараф бўлган эгри солиқлар бўйича алоҳида имтиёзларни беришга ҳожат йўқ. Унинг ўрнига бутун иқтисодиётга ижобий таъсир этадиган солиқлар ставкасини камайтириш катта наф беради.

Бизнинг фикримизча, юқорида айтилган мулоҳаза ва таклифларни қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг равнақига, халқ турмуш даражасини оширишга олиб келади.

**А.Ю. Юлдошев — МБ департаменти
директори**

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЖОРИЙ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Тижорат банкларининг жорий валюта операциялари деганда уларнинг «спот» шарти асосида амалга оширадиган валюта операциялари тушунилади. Бу операциялар белгилаб олинган курс бўйича икки банк иш куни мобайнида амалга оширилиши лозим. Спот операцияларини амалга оширишнинг сўнгги куни валюталаштириш санаси деб аталади.

Халқаро банк амалиётида тижорат банкларининг спот операцияларидан оладиган даромадлари тўлиқ суммада тижорат банкининг солиққа тортиладиган базаси таркибига киритилади. Тижорат банклари спот операцияларидан икки хил даромад олади. Даромаднинг биринчи тури, спрэд деб аталади ва у хорижий валюталарнинг сотиш курси билан сотиб олиш курси ўртасидаги фарқ сифатида юзага келади. Даромаднинг иккинчи тури, тижорат банки томонидан мижозларга жорий валюта

операциялари бўйича кўрсатилган хизмат ҳақларидан иборатдир. Шуниси ўзига хоски, тижорат банкларининг флоут бўйича олинган даромадлари ҳам жорий валюта операцияларидан олинган даромадларнинг иккинчи турига киради. Флоут деганда, инкассация жараёнидаги валюта маблағлари тушунилади. Банкларнинг спот операцияларидан кўрган зарарлари солиққа тортиш базасини шу зарар суммасига камайтиради.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларини солиққа тортиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1999 йил 18 февралдаги 17-сонли йўриқномасига асосан амалга оширилмоқда. Мазкур йўриқномага асосан, хорижий валютадаги зарарларни солиққа тортиш базасига киритилмаслиги белгилаб қўйилган. Аммо, тижорат банкларининг балансида доимий равишда валюта операциялари бўйича икки хил зарар мавжуд бўлади. Биринчиси, баланс ҳисобрақамлари бўйича маблағларнинг ҳаракати билан боғлиқ зарарлар бўлса, иккинчиси, реализация қилинмаган зарарлардир. Реализация қилинмаган зарарлар муддати тугамаган муддатли валюта шартномаларини қайта баҳолаш натижасида юзага келади ва тўғридан-тўғри зарарлар акс этадиган асосий ҳисобрақамида ҳисобга олинади. Бунда қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дебет 55306

Кредит 22802

55306-ҳисобрақамида муддатли валюта операцияларидан кўрилган зарарлар акс этади. 22802-ҳисобрақамида эса, реализация қилинмаган зарарлар суммаси акс этади.

Тижорат банкларининг балансидаги хорижий валютадаги активлар ва пассивлар Марказий банкнинг биржа курси асосида қайта баҳоланади. Шу сабабли, Марказий банкнинг биржа курси кескин тебранганда тижорат банкларининг балансида қисқа муддатли спекулятив фойда юзага келиши мумкин. Бу фойдани банк даромадлилик даражаси юқори бўлган актив амалиётларда ишлата олмайди. Аммо, у солиққа тортиш базасини сезиларли даражада ошириши мумкин.

Бизнинг фикримизча, биринчидан, йўриқномада валюта операцияларидан олинган ҳар икки турдаги даромадни солиққа тортиш масаласи аниқ акс эттирилган бўлиши лозим; иккинчидан, Марказий банкнинг расмий биржа курсини кескин тебраниши натижасида тижорат банкларининг балансида юзага келадиган спекулятив даромадлар суммаси солиққа тортилмаслиги керак.

КОРХОНАЛАР ЗИММАСИДАГИ СОЛИҚ ЮКИНИ ПАСАЙТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

Бозордаги қаттиқ рақобат курашида муваффақиятли фаолият юргизиш учун тадбиркорлик субъектлари доимий равишда изланишда бўлишлари ва ўз бизнесларини ривожлантириб боришлари керак. Бунга эса, қайсидир маънода яхшигина маош тўлаш шарт бўлган қобилиятли ходимлар, етук мутахассисларсиз эришиш қийин. Лекин амалдаги ягона ижтимоий тўлов, иш ҳақидан даромад солиғи ва бошқа мажбурий ушланмалар шароитида иш берувчи ўз ходимларига қанчалик юқори иш ҳақи ҳисобласа, шунчалик кўп давлатга маблағ ажратишга мажбур. Бу эса, кўпчилик иш берувчиларни, айниқса, кичик тадбиркорлик субъектларининг иш ҳақини кўп ҳисоблашдан ёки расмий тарзда ҳисоблашдан чўчитади, ўз ходимларига иш ҳақини «конверт»ларда беришга, икки ёқлама бухгалтерия юритишга ва бунинг оқибатида доимо таваққал қилиб иш юритишга мажбур этади.

Шуниси эътиборга моликки, иш ҳақларининг легаллашуви билан ишчилар, ҳатто, бирмунча даромадларини йўқотсалар ҳам, ўзларини ижтимоий ҳимояланган деб ҳис қила оладилар. Иш ҳақи «конверт»ларда берилганда эса, меҳнат таътили, касаллик бўйича тўловлар ва ишдан бўшатишганда тўланадиган компенсациялар бўйича бир қанча муаммолар юзага келади.

Бизнинг фикримизча, ягона ижтимоий тўловни ҳисоблашда регрессив тартибни жорий қилиш мақсадга мувофиқ, яъни иш берувчи ўз ходимларига қанчалик кўп иш ҳақи ҳисобласа, ягона ижтимоий тўловни шунчалик паст ставкаларда ҳисоблаш лозим. Бу иш берувчининг ўз ишчилари даромадларини оширишига, яширин тарзда бераётган иш ҳақини эса, расмий равишда беришига имкон яратади, корхонанинг ҳам, ишчиларнинг ҳам манфаатдорлигини оширади. Шу билан бир вақтда «конверт»да берилаётган иш ҳақларининг легаллашуви натижасида даромад солиғи бўйича бюджетга тушумларнинг ортишига олиб келади.

Иш ҳақидан ушлаб қолинадиган даромад солиғи юк сифатида корхона гарданига тушадими? Бизнинг фикримизча, ишчи ва хизматчиларга ҳисобланган даромадлардан бюджетга

ўтказиладиган солиқ ва мажбурий ажратмалар ҳам корхоналар гарданига юк бўлиб тушади. Чунки, корхона ўз ходимини солиқ ушлангандан кейин қоладиган рақобатбардош «соф» даромад билан таъминлашга ҳаракат қилади, сабаби ходимни ҳисобланган умумий сумма эмас, балки қўлига тегадиган аниқ даромад қизиқтиради, шу боисдан корхона иш ҳақидан ушланадиган даромад солиғи ва бошқа ижтимоий тўловлар юкини ўз зиммасига олган ҳолда, ходимни етарли даражада даромад билан таъминлашга ҳаракат қилади (ёки солиқни камроқ тўлаш мақсадида иш ҳақининг маълум бир қисмини «конверт»да беришга мажбур бўлади).

Шундай қилиб, бу солиқнинг юкини пасайтириш учун энг аввало, солиққа тортилмайдиган минимумни жорий қилиш ва унинг миқдорини асосли равишда белгилаб олиш лозим. Чунки, фақат шундай йўл билангина ижтимоий адолат тамойилига амал қилган ҳолда, солиқ юкини пасайтириш мумкин.

Бу, бизнинг фикримизча, нафақат иш берувчининг зиммасидаги солиқ юкини енгиллаштиришга хизмат қилади, балки кучли ижтимоий ҳимояни таъминлашни, халқ турмуш фаровонлигини оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган давлатимизнинг бу борадаги олға қадамини жадаллаштиришига имкон яратади.

Ш.А. Тошматов – БМА докторанти

КОРХОНАЛАР ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА СОЛИҚЛАР ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Иқтисодиётнинг реал секторини янада эркинлаштириш, давлатнинг бошқарув ролини чегаралаш, бюджет маблағларидан тежамли ва самарали фойдаланиш, бюджетлараро муносабатларни тартибга солиш ҳамда бу муносабатларда солиқларнинг тартибловчи ролини ошириш билан боғлиқ масалаларнинг тўғри, оқилона ҳал этилиши ҳозирда мамлакатимизда кечаётган иқтисодий ислохларни янада чуқурлаштириш даврида ўта муҳим муаммолардан биридир. Иқтисодиётни янада эркинлаштиришда аввало, давлатнинг назорат вазифаларини қисқартириш, унинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига, биринчи галда, хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини чеклаш, уларга кўпроқ эркинлик бериш лозим. Умуман, иқтисодий фаолиятнинг

бозорга хос механизмларига кўпроқ эркинлик берилиши зарур. Бунда устувор йўналиш қилиб институционал ўзгаришлар, молия ва банк тизимини ислоҳ этишни янада чуқурлаштириш, ривожланган бозор инфратузилмасини яратиш, рақобат муҳитини шакллантиришни белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Бозор иқтисодийёти шароитида иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни давлат йўли билан тартибга солиш ҳаммага маълум бўлган воситалар – молия, кредит, солиқ, валюта сиёсати, нарх-навони назорат қилиш ва билвосита таъсир ўтказишнинг бошқа инструментлари ёрдамида амалга оширилади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат бошқаруви шакллари ва чора-тадбирлари тизими турли-тумандир. Ҳар қандай мамлакатда бу тизим ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Давлат бошқарувининг асосий воситаларига: фискал, яъни бюджет солиқ сиёсати, ташқи иқтисодий сиёсат ва ижтимоий сиёсатлар киради. Давлат бошқарувининг юқорида айгилган воситаларидан ҳар бири ўз вазифасини бажаради ва бир-бирини тўлдиради. Улардан фақат комплекс равишда фойдаланилганда ва таркибий қисмлар бир-бирига зид бўлмагандагина бу тизим ўз самарасини беради. Ҳозирда республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш даврида солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Солиқ қонунчилигини янада соддалаштириш.
2. Солиқларни унификациялаш.
3. Солиқ юкини янада енгиллаштириш.
4. Солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш.
5. Солиқларни адресли бўлишини таъминлаш.
6. Ресурслардан оқилона фойдаланишни рағбатлантирувчи солиқлар ролини ошириш.

Республикамизда амалдаги солиқ тизимини иқтисодий эркинлаштириш талаби даражасида эмаслиги бир неча муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу муаммоларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

– биринчи гуруҳ муаммолар – солиқлар тизимининг номукаммалигидан келиб чиқади, яъни солиққа тортиш механизмидаги ҳамда унинг ҳуқуқий асосидаги муаммолар;

– иккинчи гуруҳ муаммолари эса, солиқ маъмурчилигидаги юзага келадиган муаммолардир.

Бу муаммоларни ҳал қилиш учун қуйидаги амалий тавсияларни келтираемиз:

- солиқ қонунчилигини яхлитлаш зарурияти мавжуд, яъни барча қонуности меъёрий ҳужжатларини яхлитланган ҳолда, битта қонун тарзида тартиблаш;
- юридик шахслар мол-мулк солиғи бўйича табақалаштирилган ставкаларни қўллаш билан ишлаб чиқаришда бевосита банд бўлган асосий воситаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда бюджет даромадларини кўпайтириш;
- солиқ тизимини такомиллаштириш ва корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш тадбирлари қаторида тезлаштирилган амортизацияни қўллаш ҳамда меъёрдан ортиғини солиқ солинадиган фойда базасидан чиқариш;
- иқтисодиётнинг устувор ҳисобланган фаолият ва соҳаларга боғлиқ равишда корхонанинг даромадига (фойдасига) нисбатан табақалаштирилган солиқ ставкасини жорий этиш;
- объекти битта бўлган солиқларни унификациялаш зарур, яъни фойдадан олинadиган фойда ҳамда инфратузилмани ривожлантириш солиқларини бирлаштириш;
- ресурслардан олинadиган солиқларни кучайтириш ҳисобига экология солиғи ставкасини ҳамда объектини қисқартиш, яъни экология солиғи объектдан иш ҳақи харажатларини чиқариб ташлаш.

Ш.И. Халмухамедов — к.э.н. зав. кафедррой, Х. Хаитов — преподаватель Налоговой академии

ЗНАЧЕНИЕ РЕФОРМЫ НАЛОГОВОЙ СИСТЕМЫ В СТИМУЛИРОВАНИИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА

За последние несколько лет вышло немало постановлений, направленных на стимулирование отечественного производства. К сожалению, несмотря на принимаемые меры, производство всё ещё остаётся не очень привлекательным для субъектов производства. Иногда, не в пользу производителя и практика взимания некоторых налогов. Так, если объектом взимания единого налога у предприятия оптовой торговли является валовой доход, рассчитывающийся как разница между покупной и продажной стоимостью товара, то производитель аналогичного товара уплачивает единый налог с валовой выручки. Это означает, что при расчёте налога затраты производителя не

учитываются. Такая разница в объектах налогообложения создаёт неравные условия для конкуренции импортной и аналогичной узбекской продукции.

Сдерживает развитие отечественного производства и зависимость некоторых товаропроизводителей от дорогостоящих импортных поставок, так как не все виды сырья и материалов производятся в республике. Но высокие таможенные пошлины зачастую являются причиной удорожания производства, так как импортируемая готовая продукция и товары, необходимые для производства, зачастую облагаются одинаковыми таможенными пошлинами (например, запасные части к холодильникам).

Большое значение в увеличении объёмов производства, и, следовательно налогооблагаемой базы и налоговых поступлений имеет увеличение импорта товаров. Но некоторые условия взимания таможенных пошлин препятствуют этому. Например, при завозе готовой продукции (в частности, мебели), акциз взимается с таможенной стоимости, а с товаров, производимых на территории республики — с продажной цены. То же самое имеет место и при взимании таможенных пошлин. По отдельным товарным группам таможенные тарифы одинаковы как для готовой продукции, так и для комплектующих. К примеру, и мебель, и её составные части облагаются максимальной таможенной пошлинной в 30%.

В целом складывается парадоксальная картина: импорт готовой продукции может оказаться значительно выгодней производства того же продукта, если при его создании используется импортное сырьё, даже тогда, когда отечественная продукция по качеству и производственным издержкам не уступает зарубежным аналогам.

Устранение подобных разногласий при обложении таможенной пошлиной товаров и сырья, ввозимых и вывозимых из республики, позволит увеличить производство экспортируемых по конкурентоспособным ценам товаров. Это даст дополнительную налогооблагаемую базу, увеличивающую поступление в бюджет средств.

Налоговая ставка — важный инструмент регулирования хозяйственной деятельности. Изменяя налоговые ставки, государство может осуществлять налоговое регулирование, лишь корректируя установленные ставки, не изменяя весь массив налогового законодательства.

Помимо налоговых ставок одним из методов воздействия на инвестиционную активность служат **налоговые льготы** — служащие инструментом экономической политики любого государства. Одним из стимулирующих налоговых рычагов могут служить **инвестиционные налоговые скидки**, которые являются по своей сути **инвестиционным налоговым кредитом**. Налоговые скидки представляют собой финансирование государством капитальных вложений частного бизнеса. Эти скидки стимулируют предпринимателей к инвестированию расширения парка оборудования или замене устаревшего оборудования.

Н.М. Юсупова — к.э.н., зав. отд.,
А.Т. Ахмедиева — к.э.н, Институт
экономики АН РУз

РОЛЬ НАЛОГОВОЙ ПОЛИТИКИ В РАЗВИТИИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

Сфера малого предпринимательства является важнейшим элементом хозяйственной системы страны, без которого экономика и общество в целом не могут нормально функционировать.

В тоже время следует отметить, что современные условия ведения бизнеса в Узбекистане характеризуются наличием немалых трудностей. Существенным фактором при этом является низкая платежеспособность населения, рост транспортных и других издержек, сложность доступа малых предприятий к сырьевым источникам, новым технологиям, заемному капиталу.

Общее состояние развития данного сектора, хотя и можно оценить как удовлетворительное, однако имеет место ряд нерешенных проблем, сдерживающий его дальнейшее развитие. Проблемы, затрудняющие ведение малого бизнеса в Узбекистане на легальной основе заключается в: несовершенстве нормативно-правовой базы; наличии административных барьеров; жесткости налогового бремени; сложности доступа к сырьевым ресурсам; недоверии предпринимателей к власти; нехватке квалифицированных кадров. Поэтому деятельность большинства предпринимателей на сегодняшний день ориентирована не на развитие своей деятельности, а на выживание.

В Узбекистане субъекты малого бизнеса продолжают считать налогообложение самым проблематичным из всех процессов, с которыми сталкиваются в ходе своей деятельности. Прежде всего, остается фактически нестабильным налоговое законодательство. На сегодняшний день в налоговое законодательство республики внесены кардинальные изменения, однако далеко не все из них влияют на развитие бизнеса в лучшую сторону. Связано это с тем, что в данной сфере сохраняется множество видов уплачиваемых налогов, а их ставки существенно не снижаются. Это положение вынуждает предпринимателей скрывать часть своих оборотов от налогообложения. По предварительным расчетам в республике утаивается более 20% выручки данной сферы.

В тоже время, с одной стороны, чрезвычайно важным является соблюдение баланса интересов между властью и бизнесом, т.е. необходимо обеспечивать эффективное наполнение бюджета, а с другой – подъем деловой активности в предпринимательской сфере. Успешно решать такие, на первый взгляд, взаимоисключающие задачи, возможно только при наличии эффективной системы налогового законодательства. Своевременно реагировать как на позитивные, так и на негативные изменения в данной области позволит расширение сферы информации, и обеспечение ее доступности для всех предпринимательских структур.

Несмотря на то, что этой проблемой на республиканском уровне занимается, ряд государственных и негосударственных структур перед уже существующими и вновь создающимися субъектами малого бизнеса возникают серьезные проблемы, решение которых зависит от тесного взаимодействия структур государственной власти и бизнеса. Поэтому на сегодня вопрос поддержки малых предприятий в республике остается таким же актуальным, как и несколько лет назад.

В настоящее время необходимо сосредоточить внимание администраций органов местного самоуправления - хокимиятов, махалинских комитетов, Ассоциации Деловых женщин Узбекистана и др. на проблемах поддержки малой экономики, на создании целостной системы инфраструктуры и разработке программ микрокредитования малых предприятий.


О.Т. Сатторқулов — доцент,
 З.Г. Қудратов — катта ўқитувчи,
 А.А. Абдувоҳидов — Гулистон
 Давлат университети

СОЛИҚ СТАВКАЛАРИНИНГ ПАСАЙТИРИЛИШИ ВА ЯНГИ ЯЛПИ ТАКЛИФ ҲАЖМИ

Кейинги йилларда ҳукуратимиз томонидан тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича фискал сиёсатнинг бир қанча воситалари қўллаб келинмоқда. Бунга мисол қилиб солиқ ставкаларининг бирмунча пасайтирилаётганлигини кўрсатиш мумкин.

Замонавий иқтисодчи олимлар тан олишича, солиқларни ундиришга қаратилган фискал сиёсатнинг олиб борилиши ялпи таклифнинг ўзгариши ва қолаверса, баҳо даражаси ҳамда реал ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришига таъсир кўрсатади.

Фикримизни назарий жиҳатдан асослаш учун қуйидаги графикдан фойдаланамиз:



Фараз қилайлик, юқоридаги графикда ялпи талаб АД эгрисиде, ялпи таклиф АС эгрисиде, шундан келиб чиқиб, ЯИМ мувозанат нуқтаси B_1 , баҳо даражасидаги M_1 да ҳукурат M_1 нуқтадаги ишсизлик даражасини жуда юқори ҳисоблаб, со-

лиқларни пасайтириш шаклидаги рағбатлантирувчи сиёсатни амалга оширди.

Бундай тадбирнинг амалга оширилиши ялпи талаб AD_1 нинг ошишига, айтиайлик, AD_2 гача, шу билан биргаликда реал ЯИМнинг ҳамда баҳо даражасининг ўсишига олиб келади. Агар солиқларнинг пасайтирилиши таклифга тўғри таъсир кўрсатса, у ҳолда, ялпи таклиф AC_1 дан AC_2 томонга, ўнг тарафга силжийди. Графикдан кўриниб турибдики, AD_2 ва AC_2 эгриларининг мувозанат B_3 баҳо даражасини M_3 реал ЯИМ ҳажми, яъни бу мувозанат нуқтасида ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларини пастроқ нархда сотишларига қарамай, кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарадилар. Бунинг сабаблари эса, қуйидагилардир:

Биринчидан, нисбатан кам солиқ тўловлари уй хўжалиқларининг солиқ тўлагандан кейин қоладиган даромадларини кўпайтиради ва шу йўл билан уларнинг жамғармалари кўпаяди. Ва ҳудди шундай, солиқларнинг пасайиши тадбиркорлик инвестицияларининг рентабеллик даражасини оширади. Қисқа қилиб айтганда, солиқ ставкаларининг пасайтирилиши жамғармалар ва инвестициялар ҳажмининг ошишига олиб келади ҳамда шу орқали миллий ишлаб чиқариш қувватлари аввалгига қараганда бирмунча тезроқ суръатларда ўса бошлайди.

Иккинчидан, иш ҳақидан даромад солиғи ставкаларининг пасайтирилиши солиқ тўлагандан кейинги иш ҳақи ҳажмининг, яъни меҳнат баҳосининг ва ўз-ўзидан меҳнатга рағбатнинг ошишига олиб келади. Энди ишсизлик бўш ўринларини эгаллаш учун янада фаолроқ ҳаракат қиладилар. Ишлаётганлар эса, ўз қўшимча меҳнатларини кўпроқ таклиф қиладилар.

Учинчидан, солиқ ставкаларининг пасайтирилиши — бу ўзига таваккалчиликни олаётганлар учун ҳам ижобий турткидир. Пасайтирилган солиқ ставкалари келажакда юқорироқ даромад олишга имкон беришини билган тадбиркорлар энди кўпроқ ўз куч ва молиявий капиталлари билан таваккал қилишга тайёр турадилар.

Қисқа қилиб айтганда, солиқ ставкаларининг пасайтирилиши юқорида айтиб ўтилган усуллар воситасида ялпи талаб эгриси AC_1 ни ўнг томонга, AC_2 га силжитиб ўтказади. Бу эса, ўз навбатида инфляция даражасини пасайтиради ва реал ЯИМнинг янада ўсишини таъминлайди. Ялпи таклиф ҳажмини ўстиришга қаратилган бу мантиқ XX асрнинг 80-йиллари бошида АҚШ собиқ Президенти Р. Рейган маъмурияти даврида

солиқларни қисқартириш ва ставкаларни пасайтиришда асос қилиб олинган.

Таклиф ҳажмини оширишга қаратилган фискал сиёсат тарафдорларининг фикрича, солиқ ставкаларининг пасайтирилиши албатта, солиқ тушумларини камайишига олиб келади деб ўйлаш нотўғри. Солиқ ставкаларининг пасайтирилиши ишлаб чиқариш ва даромад ҳажмининг ошишига шароит яратиб, нафақат солиқ тушумларининг аввалги ҳажмини сақлаб қолиши, балки, унинг ўсишига олиб келиши мумкин. Кенгайган солиқ базаси пастроқ солиқ ставкаларида тушумларнинг ўсишини таъминлаши мумкин.

Кўпчилик иқтисодчилар юқорида айтиб ўтилган таклиф ҳажмини оширишга қаратилган фискал сиёсатга жуда эҳтиёкорона ёндашадилар. Сабаби, ялпи таклиф эгрисининг ўнг томонга ҳар қандай силжиши жуда узоқ давом этадиган жараёндир, талаб ўзгаришига таъсир эса, иқтисодиётда нисбатан тез намоён бўлади.

**О.Т. Сатторкулов — и.ф.н. доцент,
А.А. Абдувоҳидов, Б.Э. Матрасулов
— ГулДУ катта ўқитувчилари**

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТӨРТИШДА ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИ ВА ТАВСИФИ

Ер солиғи жорий этилиши биринчи навбатда — ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш ва ўзлаштиришни, тупроқ унумдорлигини оширишни иқтисодий рағбатлантиришни таъминлаши ҳамда бу солиқдан тушган маблағларнинг асосий қисми ерлар ҳолатини яхшилашга йўналтирилиши лозим. У ер фондининг солиққа тортиш объектига киритиладиган барча қисмига нисбатан қўлланилиши ва иқтисодий меъёрлар асосида ҳисоб-китоб қилинадиган аниқ кўрсаткичлар орқали юритилиши лозим. Масалан, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига солинадиган ер солиғи манбаини ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, ердан фойдаланувчи ёки унга эгалик қилувчиларнинг даромадлари ҳисобланса, фойда солиғи манбаи бўлиб, ҳисобот даври фойдаси ҳисобланади.

Умуман, қишлоқ хўжалигида ягона ер солиғини жорий этилиши билан хўжаликлар барча умумдавлат ва маҳаллий со-

лиқларни тўлашдан озод этилдилар. Бизнингча, ягона ер солигини жорий этишдан асосий мақсад, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқаришининг пировард натижаларига иқтисодий манфаатдорликни кучайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш эди. Қолаверса, хўжаликларда қўшимча иш жойлари ташкил этиш ва қўшимча ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантиришга ундаши ҳамда рағбатлантириши назарда тутилган эди. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланадиган ягона ер солигининг тўловчилари бўлиб, қишлоқ хўжалиги кооперативлари, фермер хўжаликлари, агрофирмалар, шунингдек, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари кичик корхоналари ўз ихтиёрига кўра бюджетга кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқни ёки қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари солигини қўллашлари мумкин. Ягона ер солиғи ҳажми унинг тўловчилари томонидан мустақил равишда, базавий ставкалари ва тузатиш коэффициентлари асосида ҳисоблаб чиқилади. Бизнингча, ер солиғига тортишда хўжалик-молиявий натижалар ва ерларнинг иқтисодий баллини ҳисобга олиш лозим.

О. Гимранова — ТГЭУ

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РЕФОРМИРОВАНИЯ НАЛОГОВОЙ СИСТЕМЫ В ЦЕЛЯХ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА И РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА.

Важнейшим резервом реформирования переходной экономики в направлении стабилизации и повышения темпов экономического роста является проведение эффективного преобразования налоговой системы, при котором обеспечивается ее стабильность, рациональность (оптимальность), стимулирование инвестиций и поддержка отечественного товаропроизводителя. Проведение такого преобразования должно базироваться, в первую очередь, на оценке структуры налогообложения по степени её соответствия принципу соразмерности, предусматривающему сбалансированность интересов налогоплательщика и государственного бюджета.

Этот принцип характеризуется кривой Лэффера, показывающей характерную особенность роста налоговых поступлений в бюджет с ростом налогов, если ставка налогообложения составляет до 50%, и в падении поступлений, если ставка — более 50%. Рост налогового бремени может привести к увеличению государственных доходов только до какого-то предела, пока не начнет сокращаться облагаемая налогом часть национального производства. В связи с этим задача оживления деловой активности должна решаться путем облегчения налогового гнета. Снижение ставки налогообложения ведет к росту производства, который в дальнейшем компенсирует временное уменьшение поступлений.

В этой связи необходимо отметить, что во второй половине 80-х - начале 90-х годов XX века ведущие страны мира провели налоговые реформы, направленные на ускорение накопления капитала и стимулирование деловой активности. В этих целях были снижены ставки налога на прибыль корпораций. Например, в США ставка корпорационного налога уменьшена с 46 до 34%, в Великобритании — с 45 до 35%, во Франции — с 50 до 42%, в Японии — с 42 до 37,5%. Одновременно в этих странах был снижен верхний уровень налогообложения личных доходов физических лиц, расширены интервалы необлагаемого дохода. Надо отметить, что снижение прямых налогов потребовало некоторого увеличения косвенных налогов, таких, как налог на добавленную стоимость, налог с продаж. Наблюдалось и увеличение поземельного налога. Реформам сопутствовало усиление системы контроля за соблюдением налогового законодательства и ужесточение экономических санкций и административных мер по отношению к тем, кто его нарушает.

Совершенствование налоговой политики на современном этапе либерализации экономики в Узбекистане связано с дальнейшим снижением налоговой нагрузки на хозяйствующие субъекты, систематизацией и сокращением числа налоговых льгот и максимальным расширением налогооблагаемой базы. При этом направления изменения налогового законодательства ориентируются на следующие положения:

- принципы и подходы взимания налогов должны быть выработаны в соответствии с передовым опытом других стран и проверены практикой;

- система налогов должна побуждать любого налогоплательщика, физическое или юридическое лицо не уходить от

налогов, не уводить доходы в «тень», а, напротив, стремиться к развитию производства, увеличению своих доходов;

– налоги должны иметь четкий адресный характер: налогоплательщик должен ясно представлять за что, почему и сколько он должен уплатить налогов;

– ресурсные налоги должны стимулировать бережное и эффективное использование природных, минерально-сырьевых, земельно-водных и других ресурсов;

– налоговые органы должны кардинально изменить систему своей организации в направлении усиления постоянной работы с налогоплательщиками, помогая и обучая их для того, чтобы предотвратить налоговые нарушения.

Н.Х. Мамажонов — БМА изланувчиси

СОЛИҚ ТИЗИМИДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ

Маълумки, солиқ имтиёзлари ва молиявий санкциялар ёрдамида давлат барча ҳўжалик юритувчи субъектлар доирасида ҳўжалик юритишга бир ҳил талабларни кўймоғи, уларнинг ихтиёрида қолдирилган даромадлардан оқилона фойдаланишни рағбатлантирмоғи ва ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг барча иштирокчиларига тенг шароитни яратиб бermoғи лозим.

Тижорат банкларининг фаолиятига солиқ тизимининг фаол таъсирини таъминлаш учун амалиётда солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланмоқ зарур ва улар тижорат банклари фаолиятларининг устувор йўналишлари ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган бўлиши керак. Бунинг учун тижорат банкларига тегишли бўлган солиқ имтиёзларининг гуруҳини кўрсатиш лозим. Шу муносабат билан 2005 йил 16 апрелда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг 8-бандида Тижорат банклари даромадларнинг айрим турларини солиққа тортишдан озод қилиш зарурати тўғрисида шундай дейилади:

« — банклар республикамиз корхоналарига уч йилдан ортиқ муддатга инвестиция кредитлари беришдан олган ва банкларнинг ўз капиталини кўпайтиришга йўналтирилган фойдаларини фойда (даромад) солигидан озод қилиш. Статистика ва банк

ҳисоботларида банкларнинг берилган узоқ муддатли кредитлардан олган фойдалари акс эттирилиши таъминлансин;

– тижорат банкларининг тасдиқланган давлат дастурларига мувофиқ ташкил этиладиган кичик банкларни очиш бўйича сарф-харажатларини солиққа тортиладиган базадан чиқариш».¹

Қарор мазмунидан кўриниб турибдики, тижорат банклари фойдасидан олинадиган солиқ механизмини такомиллаштиришда, барча тижорат банклари учун тенг шароитларни яратишга ҳамда улар учун ўртача фойда меъёрини олишга хизмат қилиш имкони берилиши керак.

Юқорида айтиб ўтилганлардан келиб чиқиб, бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари даромадини солиққа тортиш тўғрисида янги Солиқ Кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишда қуйидагилар инобатга олинса, маъқул бўлар эди:

1. Тижорат банкларининг фойдасидан олинган солиқ ставкаси ҳозирги шароитдаги реал вазиятдан келиб чиққан ҳолда, максимал даражада табақалаштирилган бўлиши керак ва натижада ихтисослаштирилган тижорат банклари ўртача фойда меъёрига эга бўлмоқлари лозим.

2. Тижорат банклари томонидан ҳукуматнинг мақсадли дастурларини молиялаштиришдан олинган даромадлари (фойдаси) юқоридаги қарорда кўрсатилганидек, солиққа тортилмаслиги керак. Бундай тартибнинг амалиётда жорий этилиши иқтисодий эҳтисот шароити муваффақиятли ривожланишига тегишли шароитни яратиб берган бўлар эди.

J. Berdiev — BFA

TAX INCENTIVES FOR FOREIGN DIRECT INVESTMENTS

In one his latest speeches the President of Uzbekistan I. Karimov notes the highest priority of attracting foreign investments, without which it is difficult to provide steady development of national economy.²

In aggregate, Uzbekistan currently attracts very small flows of FDI in absolute terms, in relation to the size of its population and in comparison with the rest of Central Asia.

¹ «Халқ сўзи» газетаси, 16 апрель 2005 йил.

² «The report of the President of the Republic of Uzbekistan I.A. Karimov at session of interdepartmental coordination council on reforming and investments», // Pravda vostoka// №24 dated 02.02.2000.

In order to increase the Republic's opportunities for foreign investments I presented several practical proposals:

The following selected provisions of legislation had been identified for review and evaluation during my work: a) selected provisions of legislation in terms of particular Articles; b) corresponding problems associated with the legal provisions and c) proposal for solving the problems identified.

1) a) Article 3 of the Law of the Republic of Uzbekistan «On guarantees and measures of protection of foreign investors rights» No. 611-I, April 30, 1998 provides essentially as follows: «If subsequent legislation of the Republic of Uzbekistan worsens investment conditions for foreign investment relative to conditions pertaining under legislation current at the moment of the investment, the foreign investor has the right, at his own discretion, to apply for 10 years only those provisions of subsequent legislation which improve investment conditions». b) Officials take a view that the 10 years guarantee applies only to foreign investors, not to enterprises founded by foreign investors. c) It is proposed to introduce the amendment in this article which concerns both of them, ed. this 10 years guarantee should apply to foreign investors and also to enterprises founded by foreign investors.

2) a) According to the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. UP-1652, November 30, 1996 «On additional incentives and privileges granted to enterprises with foreign investments» enterprises with foreign investments are newly established enterprises which have an authorized share capital of not less than USD 150,000; and in which one of the participants in the enterprise is a foreign legal entity; and in which the share of foreign investment is not less than 30 percent of the authorized share capital of the enterprise. b) In the context of a frequently changing legislative framework in which investment conditions may also be changing and information concerning the investment climate in Uzbekistan is lacking, foreign investors making an investment for the first time may well not wish to risk making sizeable investments. However, where an investor makes an investment of less than USD 150,000 the investment will not be eligible for incentives and benefits available to foreign investments. Furthermore, a threshold of USD 150,000 could well exclude small and medium sized enterprises from receipt of foreign investment. c) It is proposed in the immediate term to amend Decree of the President No. UP-1652, lowering the necessary sum up to USD 50,000. In this way, it is hoped to facilitate foreign

investment in small and medium size enterprises. However in the medium term the present approach, based on numerical thresholds, should be abandoned in favour of an approach based on a variety of alternative thresholds or conditions, which would allow foreign investment in a wide range of enterprises to benefit from incentives. A new approach should stipulate, as alternative to a minimum share capital that foreign investments which comply with a variety of criteria should benefit from incentives.

А.Х. Тангирқулов — БМА тингловчиси

СОЛИҚЛАРНИНГ ҚОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Истеъмол солиғи ҳисобланган қўшилган қиймат солиғининг (ҚҚС) ҳисобланиши ва бюджетга ўтказилиши назария бўйича саноат корхоналарининг молиявий ҳолатига, яъни фойдасининг камайиши ёки кўпайишига таъсир қилмаслиги керак. Лекин, амалиётда қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаган корхоналардан олинган хомашё ва материаллар учун ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона зиммасига тушмоқда. Жумладан, пахта тозалаш корхоналари таннархининг асосий қисмини қишлоқ хўжалиги корхоналаридан сотиб олинган пахта хом ашёси, содалаштирилган солиқ тизимига ўтган корхоналардан олинган материаллар, бутловчи қисмлар ва кўрсатилган хизматлар суммаси ташкил қилади.

Натижада ҚҚС тўловчиси бўлмаган корхоналардан олинган хомашё ва материаллар учун ҚҚС ҳисобланганда янгидан яратилган қийматга эмас, балки олдиндан ярилган, лекин ҚҚС тўловчиси бўлмаган корхоналардан олинган хомашё ва материал қийматига ҳам ҚҚС ҳисобланишига олиб келганлиги туфайли корхона молиявий фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бюджетга ҳисобланган ҚҚСни аниқлашда унинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, ҳақиқатан янгидан яратилган қийматдан солиқ олиш корхоналарнинг молиявий жиҳатдан мустаҳкам бўлишига ва солиқ юкининг нисбатан камайишига олиб келади. Яъни бизнинг фикримизча, бюджетга ҳисобланиши лозим бўлган суммани $W = Q \cdot S - C \cdot S$ бўйича аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Бу ерда,

W – бюджетга ўтказилиши лозим бўлган солиқ суммаси;

Q – ортиб жўнатилган маҳсулот қиймати;

S – маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетган материал харажатлар қиймати;

S – солиқ ставкаси.

Шунингдек, корхонанинг солиқ юкини камайтириш ҳамда бир ишлаб чиқариш жараёни яқуни бўйича яратилган маҳсулотга ҳисобланган солиқларга яна солиқлар ҳисобланишининг олдини олиш мақсадида, маҳсулот реализациясига нисбатан ҳисобланадиган бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига, йўл жамғармасига ва таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармасига ажратма ҳамда тўловларни ҳисоблашда маҳсулот тўлиқ таннархи таркибига киритилган мол-мулк солиғи, экология солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер солиғи, иш ҳақи фондидан бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ҳисобланган солиқ ва тўловлар суммасини ажратмалар ҳисоблаш базасидан камайтириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бизнинг фикримизча, юқорида қайд этилган тавсияларнинг амалиётга татбиқ қилиниши саноат корхоналарида солиқ юкини камайтиради, молиявий фаолиятни яхшилади, ишлаб чиқаришни ривожлантиради ва қўшимча инвестиция жалб қилиш имкониятларини кенгайтиради. Шу билан биргаликда солиқ юкининг камайиши маҳсулот таннархини пасайтиради, нархни арзонлаштиради ва реализацияни тезлаштиради.

Х. Жумаев — БМА тингловчиси

РЕСУРС СОЛИҚЛАРИ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ ВА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАГИ АҲАМИЯТИ

Ресурс солиқлари ер, сув ва бошқа табиий бойликлардан самарали фойдаланишни таъминловчи амалий восита бўлгани ҳолда, табиий ресурсларни келажак авлодлар учун сақлаш борасида муҳим рол ўйнайди. Солиқларнинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ, ресурс солиқлари ўзига хос хусусиятларга эга; ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра у рента тўловидир. Бошқача айтганда, бу қайта тикланмайдиган табиий ер ва сув захираларидан фойдаланилганлик учун ўзига хос тўлов бўлиб, у ҳўжалик юритувчи субъектларни молиявий натижаларига боғлиқ эмас. Ресурс солиқлари тизими табиий бойликларга

нисбатан оқилона муносабатни рағбатлантиришга ва талон-тарож қилинишига йўл қўймасликка қаратилган.

Табиий ресурсларидан фойдаланганлик учун бир қатор солиқ турлари қонун йўли билан жорий этилди. Чунки, Ўзбекистон бой табиий ресурсларга эга бўлсада, лекин, у чекланган табиий неъмат ҳисобланади. Бошқа солиқлар сингари табиий ресурслардан олинадиган солиқлар олдида, бир томондан давлат бюджетини тегишли даромадлар билан таъминлаш, иккинчи томондан эса, хўжалик юритувчи субъектларни табиий ресурслардан фойдаланишни рағбатлантириш вазифаси қўйилган.

Ресурс солиқлари барча солиқлардан фарқ қилиб, аксарият ҳолларда бу солиқлар ишлаб чиқариш натижасига боғлиқ бўлмайди.

Ердан оқилона фойдаланишни таъминлаш, яъни ер ресурсларини, айниқса, суғориладиган ерларни иқтисодий усуллар ёрдамида асраш ҳозирги босқичда ердан пулли фойдаланишни жорий этишнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда ресурс солиқлари, давлат бюджети даромад қисмини шакллантиришда асосий ўринлардан бирини эгалламоқда ва мазкур солиқлар республикамиз бюджет даромадларининг 2003 йилда 13,6 фоизини ташкил этган бўлса, 2004 йилда эса, 16,1 фоизини ташкил этган.

Мамлакатимиз солиқ тизимини слоҳ қилишда ресурс солиқларининг давлат бюджетидаги аҳамиятини камайтирмаган ҳолда, бизнинг фикримизча, ресурс солиғи таркибига кирувчи солиқларни қуйидагича мақбул (оптимал)лаштириш мақсадга мувофиқдир:

– ресурс солиқлари ичида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ялпи ички маҳсулотга нисбатан жуда кам салмоғини ташкил қилганлигини ҳисобга олиб, ушбу солиқни ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқнинг таркибига киритилиши;

– ер – бу кўчмас мулк бўлганлиги сабабли, ер солиғи ҳамда мол-мулк солиқларини бирлаштириш ва шу асосда мол-мулк солиғининг ставкаларини қайта кўриб чиқиши.

Ресурс солиқларининг бирлаштирилиши ушбу солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга ўтказишни соддалаштиради ҳамда солиқ тўловчилар ва солиқ идоралари ходимлари учун қулайлик туғдиради.

ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД (ФОЙДА) СОЛИГИДАН ИМТИЁЗЛАР: МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Амалдаги Солиқ Кодексида юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи бўйича белгиланган имтиёзларни таҳлил қиладиган бўлсак, айрим имтиёзлар иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаганлиги ва шу сабабдан улар амал қилган даврда ҳеч қандай ижобий натижа бермаганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бизнинг фикримизча, бу имтиёзлар мамлакатда тадбиркорликни ривожлантиришга ва иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Ушбу муаммоларни ҳал этиш учун юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғидан белгиланган имтиёзларни қайта кўриб чиқиш ва қуйидагиларни эътиборга олинини мақсадга мувофиқдир:

Солиқ Кодексининг 31-моддаси, 3-бандидаги ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва Ўзбекистон чернобилчилар ассоциацияси мулкда бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50%ини ногиронлар, 1941-45 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил этган юридик шахслар (савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шугулланадиган юридик шахслардан ташқари), 5-бандидаги жазони ижро этиш муассасалари, 21-бандидаги ички ишлар органлари ҳузуридаги соқчилик бўлинмалари, 25-бандидаги гастроль-концерт фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган юридик шахслар каби алоҳида тоифадаги юридик шахсларнинг солиқдан тўлиқ озод этилиши солиқ тўловчиларни кўпроқ солиқ тўлашдан қочишга ундайди ва бошқа солиқ тўловчиларнинг ишлаб чиқаришга қизиқишини сўндиради. Маълумки, бир солиқ тўловчи зиммасидаги солиқ юқини пасайтирилиши, бошқа бир солиқ тўловчи солиқ юқини кўпайтиради. Бунинг натижасида бозор учун муваффақиятли ишлаётган корхоналар имтиёзга эга бўлганлар ҳисобига бу рўйхатдан тушиб қолишади. Бизнинг фикримизча, ушбу солиқ имтиёзларини бекор қилиш лозим. Ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида вилоятларда маҳаллий ҳокимиятлар, аҳолини иш билан таъминлаш бошқармалари билан биргаликда ногиронларнинг ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилса, ишлашни хоҳлаган ногиронлар шу корхоналарда

иш билан банд бўлади ва шу корхонани солиқдан озод қилиш мумкин.

Амалдаги Солиқ Кодексининг 32-моддаси, 2-бандидаги инвестицияларга, шунингдек, инвестициялар учун олинган кредитларни узишга йўналтириладиган харажатлар суммасига, ҳисобланган эскиришдан тўлиқ фойдаланиш шарти билан, бироқ, солиқ солинадиган даромад (фойда)нинг ўттиз фоизидан кўп бўлмаган миқдорда белгиланган имтиёз ҳар хил талқин қилиниши мумкин. Солиқ Кодексида ва йўриқномаларда ҳам ҳисобланган эскириш қайси даврга тегишли эканлиги аниқ кўрсатилмаган, яъни у инвестиция қилинган йил учун ҳам ёки корхона ташкил топгандан буён ҳисобланиб келаётган эскириш ҳам бўлиши мумкин. Ундан ташқари бу имтиёзни олишда чеклашлар жуда кўп. Шу сабабли «ЎзР Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида...» ва «ҳисобланган эскиришдан тўлиқ фойдаланиш шарти билан» деган жумлаларни чиқариб ташлаш ҳамда солиқ солинадиган даромад (фойда)нинг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда белгиланиши мақбулдир.

Шунингдек, ривожланган чет мамлакатлар илғор тажрибасидан маълумки, НАОКР фаолияти учун бир қанча имтиёзлар, солиқ кредитлари ва чегирилари мавжуд. Бизнинг солиқ қонунчилигимизда эса, «Маҳсулот (иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби тўғрисида Низом»нинг 2-иловасига мувофиқ бундай харажатлар тескари хусусиятга эга, яъни солиқ тўловчилар бу фаолиятдан фойда кўргунга қадар ушбу харажатлардан бюджетга солиқ тўлаб қўйишлари шарт, яъни чет мамлакатларда НАОКР фаолиятига солиқ кредитлари ва имтиёзлари берилса, бизда корхона бюджетга кредит бериб туришига тўғри келади. Бизнинг фикримизча, фан-техника тараққиётини тезлаштириш, корхоналар маҳсулотнинг янги, сифатли ва истеъмолчилар учун янада қулай навларини яратишга йўналтирадиган (НАОКР) харажатларини рағбатлантириш мақсадида ушбу йўналишдаги солиқ имтиёзларини жорий қилиш лозим.

Умуман олганда, солиқдан имтиёзлар солиқ тўловчиларни айрим имтиёзли фаолият турлари билан шуғулланишга ва имтиёзли корхона сифатида рўйхатдан ўтишга ундамасдан, балки солиқ тўловчиларни кўпроқ ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга, инвестицион фаолиятни кенгайтиришга ва маҳсулотнинг рақобатбардош, сифатли турларини яратишга қизиқтириши лозим.

РОЛЬ РЕФОРМИРОВАНИЯ НАЛОГОВОЙ СИСТЕМЫ В РАЗВИТИИ И ОБЕСПЕЧЕНИИ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

Роль и значение налогов в экономике страны можно видеть в их функциях. Значение функций налогов в условиях рынка возрастает.

«Функция налога — это проявление его сущности в действии, способ выражения его свойств».

Одним из функций налогов является его стимулирующая функция.

Стимулирующая функция — одна из важных функций налоговой системы, которая оказывает активное воздействие на развитие производства, эффективное использование материально-сырьевых, финансовых и трудовых ресурсов, накопленного имущества, то есть через снижение налогового бремени можно стимулировать развитие производства, укреплять финансовое состояние и оживлять инвестиционную деятельность, содействовать развитию предпринимательства.

Реформирование налоговой системы в Узбекистане в первую очередь направлена на обеспечение экономического роста предпринимательства. Одним из главных направлений в реформировании налоговой системы республики на сегодняшний день является уменьшение налогового бремени.

Пока нет единой методики расчета налогового бремени, так как исчислить только математическими формулами налоговое бремя нельзя. Ведь сущность налогового бремени заключается не только в общей сумме уплаченных налогов, но и начисленных, а также причин несвоевременной уплаты их. Ведь в свою очередь это ведет к начислению пени. А пени это те же налоги. (К. Яхёев. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Учебник. Ташкент, 2003. Стр.49)

Налоговый режим, составной частью которого являются сроки предоставления расчетов по налогам, их уплата на соответствующие счета бюджета и финансовые санкции, применяемые за несвоевременную их уплату, также влияет на состояние налогового бремени. Поэтому оптимизация его — это один из путей уменьшения налогового бремени.

Согласно Закона Республики Узбекистан от 26 августа 2004 года «О казначейском исполнении Государственного бюджета» с 1 января 2006 года все доходы Государственного бюджета будут зачисляться на единый казначейский счет (ЕКС), а также оплата расходов Государственного бюджета с этого счета. Это также требует обновления существующей методики уплаты и учета налогов.

В целях облегчения ведения учета налоговых поступлений в налоговых органах, упрощения перевода денег на уплату налогов со стороны налогоплательщиков и фактического отражения сумм недоимок и переплат по налогам нами предлагается внести некоторые изменения в методику уплаты и учета налогов.

Необходимо отметить, что были учтены и те изменения по формированию доходной части бюджета, которые предполагаются с вводом Казначейства.

Предлагается ввести для всех видов налогов один ЕКС. Это упростит для налогоплательщиков уплату налогов и устранил неправильное зачисление денег на другие расчетные счета.

Со стороны Казначейства информацию по уплатившим налоги субъектам, для отражения на их лицевых счетах, в территориальные Налоговые инспекции передавать не по видам налогов, а общей суммой.

В налоговых органах на базе имеющейся программы Автоматизированного рабочего места налогового инспектора по учету юридических лиц создать дополнительную программу, согласно которой уплаченные деньги будут заноситься на Единый лицевой счет налогоплательщика, откуда уже распределяться на лицевые счета соответствующих видов налогов пропорционально их удельному весу в общей сумме недоимки.

Ш. Жумаев — БМА тингловчиси

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишга қаратилган бўлиб, унга мос равишда солиқ тизимида ҳам ўзгаришлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, жисмоний шахсларни солиққа тортиш жараёнларида ҳам қатор ўзгаришлар юз бермоқдаки, булар ўз вақтида аҳоли манфаатларига даҳл қилмаслиги мумкин эмас. Айниқса, республикаимизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий

тамоийилларидан бири, яъни аҳолини ижтимоий ҳимоялашда унинг даромадларини ошириш ва турмуш даражасини кутариш борасида юз бераётган ўзгаришларда ифодаланadi.

Солиқ Кодекси жорий этилгандан бошлаб жисмоний шахслардан даромад солиғининг юқори ставкалари йилдан-йилга камайиб бормоқда, аниқ ҳақиқий солиқ миқдори даромадларнинг табақаланишига қараб турличадир:

Ойлик иш ҳақи миқдори	Ҳисоблашан даромад солиғининг иш ҳақига нисбатан улуши (фоизларда)					
	1999 й.	2000 й.	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.
15000	14,0	5,8	13,1	13	13	13
50000	34,3	31,5	26,4	22,1	17,1	15,8
100000	39,7	38,3	31,2	27,6	24,6	21,5
энг кам иш ҳақи миқдоридаги чегирма	1750	2450	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ

Ушбу жадвал шуни кўрсатадики, йилдан-йилга солиқ ставкаларининг камайтирилиши натижасида 50000 ва 100000 минг миқдорида ойлик маош оладиганлар солиқ суммасининг олинган даромадга нисбатан камайганини кўришимиз мумкин. Лекин, 15000 миқдорида даромад олувчи фуқаронинг даромад солиғи камаймаган, агарда унинг улуши 2000 йилда 5,8, фоизни ташкил қилган бўлсада, 2001-2004 йилларда эса, 13,0 фоизни ташкил қилмоқда. Даромад солиғи ставкаси 2000 йилда прогрессив ставкада 15,25,36,40 фоиз бўлиб, ушбу ставкалар 2004 йилда 13,21,30 фоизни ташкил қилган. Ушбу даврда солиқ ставкасининг умуман камайишига қарамай солиқ суммаси иш ҳақига нисбат 7,2 фоизга ортган. Солиқ ставкаларининг йилдан-йилга камайишига қарамасдан, кам даромад олувчи шахсларнинг даромадига нисбатан солиқ суммасининг кўпайишига сабаб, 2000 йилда солиққа тортилмайдиган энг кам иш ҳақи миқдоридаги чегирма мавжуд бўлиб, ушбу чегирма 2001 йил 1 январдан бекор қилинганлигидир.

Бунда айниқса, жисмоний шахсларнинг даромадини солиққа тортишнинг бир неча йиллик тажрибалари асосида шаклланган ривожланган давлатлар тажрибаси катта қизиқиш уйғотади.

Жумладан, Германия Федератив Республикасида 2005 йилда жисмоний шахсларнинг даромадини солиққа тортишда энг юқори ставка 42,0 фоизни, энг кам ставка эса, 15,0 фоизни

ташкил қилади. Шу билан бирга йиллик солиққа тортилмайдиган минимум 7664 еврони ташкил қилди. ГФРда йилдан-йилга солиқ ставкасининг камайгани ҳолда, солиққа тортилмайдиган минимум кўпаймоқда. Шу орқали ҳукумат аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни солиқлар орқали рағбатлантирмоқда.

Юқорида келтирилган ривожланган мамлакат тажрибасидан келиб чиқиб, республикамизда жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишни такомиллаштиришнинг қуйидаги йўналишларини жорий этилиши мақсадга мувофиқдир:

- солиққа тортилмайдиган энг кам миқдорни жорий этиш;
- республикада аҳолининг ўртаҳол ва кам таъминланган қатламларига нисбатан даромад солиғининг алоҳида чегирамлари қўлланилишини, жумладан:
 - тиббиёт харажатларининг айрим турлари;
 - фарзандларини ўқитиш харажатлари;
 - оиланинг қаровга муҳтож бўлган аъзоларини боқишга кетадиган суммалар;
 - касбий харажатларни қоплашга йўналтирилган суммалар.

А. Собиров — БМА тингловчиси

ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БЕВОСИТА ВА БИЛВОСИТА СОЛИҚЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Кейинги йилларда амалга оширилган бир қатор солиқ ислохотлари ҳўжалик юритувчи субъектларни бевосита ва билвосита солиқ тўловчиларга ажратган ҳолда, ягона солиқ тўловчи юридик шахслар зиммасидан солиқ юкини билвосита солиқ тўловчи ишлаб чиқарувчи корхоналар зиммасига ўтказиш тартибини шакллантирди. Чунки, ягона солиқ жорий этилиб, соддалаштирилган солиқ тўлаш тизимига ўтган корхоналарнинг молиявий фаолияти бироз мустаҳкамланди ва ялпи даромаддаги солиқ юки камайди. Аммо, улар фаолиятининг жадал ривожланмаётганлиги ва солиқлар, тўловлар бўйича боқимандалари мавжудлиги кузатилмоқда. Фикримизча, солиқ тўлашнинг соддалаштирилган тизимига ўтган корхоналар фаолиятини яхшиланмаётганлигини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

- бозор муносабатларини тўлиқ эркинлаштирилмаганлиги;
- ягона солиқ ставкаларининг барқарор эмаслиги ва тадбиркорликни тўғридан-тўғри рағбатлантирмаслиги;

— қишлоқ хўжалик корхоналарида солиқ ҳисоблашда табиат инжиқликлари ва даромад ҳажмини инобатга олинмаслиги;

— ягона ер солиғини ҳисоблаш тартиби бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларни тўғри юритилишини назорат қилмаслиги ва бошқалар.

Ҳозирги шароитда билвосита солиқлар корхоналар фаолиятига бетараф эмаслиги ва такрор ишлаб чиқаришни секинлаштирганлиги сабабли, солиқ ставкаларини оширишдан кўра пасайтириш йўли билан даромадларни кўпайишини рағбатлантириш зарур. Шу асосда, солиқ базасини ва солиққа тортиладиган даромадларни кўпайтириш мумкин. Шунинг учун, билвосита солиқ ставкаларини пасайтириб бориш энг самарали солиқ тадбирлари ҳисобланиб, келажакда солиқдан бўлган боқимандаларни камайишига ва барқарор солиқ тушумларини таъминлашга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз. Шу билан биргаликда билвосита солиқ ставкаларини камайитиришда қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олиш зарур:

— зарур озиқ-овқат маҳсулотларини мамлакат ташқарисига контрабанда орқали ташиб кетилишига ва маҳсулотлар тақчиллигига йўл қўймаслик;

— зарур озиқ-овқат маҳсулотларининг нархини сунъий кўтарилишига ва пулнинг қадрсизланишига йўл қўймаслик.

Корхоналарнинг молиявий фаолиятига нафақат солиқ ставкаларини оширилиши, балки, бозор муносабатларининг тўлиқ ривожланмаганлиги ҳам жиддий таъсир этади. Чунки, бозор иқтисодиёти муносабатларини тўлиқ шаклланмаган ҳозирги пайтда юқлаб жўнатилган маҳсулотлар бўйича билвосита солиқларни ҳисоблаш ва ундириш тартибини амалдаги билвосита солиқларни корхоналар айланма маблағларидан (истеъмолчилардан ундирилмаган бўлса ҳам) тўлашларига олиб келади. Натижада корхоналарда такрор ишлаб чиқариш тўхтаб, солиқ боқимандалари ошиб боради. Бу ўз навбатида корхона тўлов қобилиятининг издан чиқишига, соф фойданинг камайишига ва бошқа салбий ҳолатларга олиб келади. Шунинг учун ҳам, корхоналарнинг умумий солиқ юқини пасайтириш мақсадида нафақат бевосита солиқлар юқини пасайтириш балки, билвосита солиқлар юқини ҳам камайитириш ҳамда бевосита ва билвосита солиққа тортишнинг энг мақбул даражаларини аниқлаш масалаларига қаратиш лозим бўлади. Бинобарин, умумий солиқ юқи ўзгармаган ҳолларда ҳам билвосита солиқлар даражасини ошиб бориши хўжалик юритувчи субъектларни тўловга

лаёқатсиз қилиб, солиқлардан боқимандаларни кўпайтириб, бюджетга солиқ тушумларини пасайтиришга олиб келади, деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, юқорида белгиланган йўналишлардаги муаммолар ижобий ҳал қилинса, корхоналар ва фуқороларнинг даромадларини оширишга ҳамда шунга муносоиб ҳолда, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга эришиш мумкин. Бу тadbирлар корхоналар боқимандасини камайишига, солиқларнинг бюджетга ўз вақтида тўлиқ ундирилишига, такрор ишлаб чиқаришни тезлаштиришга ва бошқа муаммоларни ҳал қилинишига хизмат этади.

VII СЕКЦИЯ
БАНК-МОЛИЯ СОҲАСИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ,
ТАҲЛИЛ ВА АУДИТНИ ИСЛОҲ ЭТИШНИ
ЧУҚУРЛАШТИРИШ

УГЛУБЛЕНИЕ РЕФОРМ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЁТА,
АНАЛИЗА И АУДИТА В БАНКОВСКО-ФИНАНСОВОЙ
СФЕРЕ

А.К. Ибрагимов — и.ф.д., БМА
кафедра мудир

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ АУДИТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

1. Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларга кўра ишлаб чиқариш таннархига умумхўжалик, бошқарув ва таъминот харажатлари кўшилмайди, чунки, уларнинг ташкил топиши кўпроқ иш вақти ва корхона таркиби тизимига, унинг ишлаб чиқариш ва молия сиёсатига боғлиқ, лекин, ишлаб чиқариш ҳажмининг бевосита ўзгаришига боғлиқ эмас. Ишлаб чиқариш харажатларининг бундай бўлиниши, энг аввало, бозор муносабатлари шароитида баҳонинг ташкил топишини реал акс эттириш имконини беради, ишлаб чиқариш фаолияти натижасига кўра, ялпи ва соф даромадни тўғри аниқлаш имконини беради, маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларни тўғридан-тўғри тушум билан таққослаш орқали олинган фойдани аниқлаш имкони мавжуд бўлади, яъни сотилган маҳсулот даврини сарфланган вақтга яқинроқ муддатда акс эттириш имконияти мавжуд бўлади.

2. Бозор иқтисодиётида ҳисобнинг муҳим вазифаларидан бири баҳони тўғри ва олдидан айтиш учун зарур маълумотларни ўз вақтида бериш имкониятидир. Лекин бизда илгари қўлланилиб келинган ҳисоб тизимининг асосий камчилиги тўғри, эгри, асосий, устама, доимий ва ўзгарувчан харажатларни аралаштириб юборилганлигидир. Шу сабабли ҳозирги даврда ҳисоб тизимининг олдидаги асосий вазифалардан бири ушбу харажатларни алоҳида-алоҳида акс эттиришдир.

3. Ишлаб чиқариш харажатларини тўғри ва ўз вақтида ҳисобга олиш маҳсулот таннархини аниқлаш бозор иқтисодиёти шароитида асосий масалалардан бири ҳисобланади. Халқаро бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибига кўра, «Харажатлар-маҳсулот ишлаб чиқариш» усули жуда кенг қўлланилмоқда. Ушбу усул бухгалтерия ҳисоби стандартлари бўйича Халқаро қўмита ва Европа иқтисодий ҳамкорлигининг Тўртинчи Директиваси томонидан тавсия қилинган.

4. Ушбу усулни қўллаш натижасида бухгалтерия ҳисоби ишлари анчагина енгиллаштирилади ва бухгалтерларга молиявий натижаларни аниқлаш учун маълумотлар доираси кенгайди. Натижада жўнатилган ва сотилган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини аниқлаш учун қўлланиладиган катта ҳажмли ва ҳисоб-китобларни текшириш қийин бўлган жадваллар ҳамда касса услубидан (методидан) воз кечиш мумкин бўлади. Натижада бухгалтерия ҳисобининг иқтисодий асосланганлиги ва ишончлилиги ошади.

5. «Харажатлар-маҳсулот ишлаб чиқариш» услубини қўллаш натижасида бир қаторли бухгалтерия ҳисоби счётлари тизимидан икки қаторли тизимга ўтиш зарурияти келиб чиқади. Бир қаторли бухгалтерия ҳисоби счётлар тизими бу бизда қўлланилиб келинган счётлар режаси бўлиб, бунда ҳамма счётлар баланс тузишда иштирок этади. Икки қаторли счётлар тизими счётларни икки қаторга ажратади:

а) баланс счётлари, яъни баланс тузишда иштирок этувчи счётлар;

б) операцион, «Харажатлар-маҳсулот ишлаб чиқариш» услуби бўйича молиявий натижаларни аниқлашда қўлланиладиган ва бошқарув ҳисобида фойдаланиладиган счётлар.

6. Ушбу масалани ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида янги бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ишлаб чиқилди. Бу счётлар режаси мамлакатимизда илгари қўлланилаётган счётлардан фарқ қилиб, кўпроқ халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартларига асосланган ва счётлар режасини тузишда Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларидан фойдаланилган.

Ушбу счётлар режасида алоҳида «Молиявий натижаларнинг шаклланиши ва ишлатилиши» деган бўлим мавжуд бўлиб, унда 90-99 счётлар жойлаштирилган. Бу счётлар ҳисобот даври охирида ёпилиб, қолдиқ қолмайди ва баланс тузишда иштирок этмайди. Масалан, 90 - «Асосий (операцион) фаолиятдан олин-

ган даромадлар» счётлар гуруҳи бўйича қуйидаги счётлар очиб юритилиши мумкин:

9010 - «Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар»;

9020 - «Товарларни сотишдан олинган даромадлар»;

9030 - «Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматдан даромадлар»;

9040 - «Сотилган товарларнинг қайтарилиши»;

9050 - «Харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар».

Ушбу счётларда сотилган маҳсулот, иш ва хизматларнинг ҳар бир тури бўйича сотиш қиймати кўрсатилади. Сотилган маҳсулотларнинг таннархи, яъни сотилган ҳар бир тури бўйича сотилган маҳсулот, товар, иш, хизматларнинг ҳақиқий таннархини акс эттириш учун 91 - «Сотилган маҳсулотнинг таннархи» счётидан фойдаланилади. Ушбу счёт бўйича қуйидаги счётлар очиб юритилиши мумкин:

9110 - «Сотилган тайёр маҳсулот таннархи»;

9120 - «Сотилган товарлар таннархи»;

9130 - «Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар таннархи» ва бошқалар.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини шундай ташкил қилиш керакки, у фақат ички истеъмолчилар талабига эмас, балки чет эллик ҳамкорлар ва инвесторлар талабига жавоб берадиган бўлсин.

М.М. Тулаходжаева — Председатель Совета Национальной Ассоциации бухгалтеров и аудиторов, д.э.н., проф

ОРГАНИЗАЦИЯ ПОДГОТОВКИ И ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ АУДИТОРОВ

В течение 13 лет, прошедших со дня принятия в 1992 году Закона Республики Узбекистан «Об аудиторской деятельности», подготовлено около 5000 аудиторов, зарегистрировано более 470 независимых аудиторских фирм.

Однако, «география» аудиторских организаций очень неравномерна. Основное количество их находится в столице — 220. В Самаркандской и Ферганской областях соответственно 20 и 13 аудиторских организаций, Андижанской области — 13, Кашкадарьинской — 9, Бухарской области — 4.

Одной из главных причин такого неравномерного количества аудиторских организаций по областям можно назвать недостаточное количество аудиторов. Например, в Навоийской области на одного аудитора приходится в среднем 26 хозяйствующих субъектов, подлежащих обязательной аудиторской проверке. В Сырдарьинской области на одного аудитора приходится 16, Сурхандарьинской – 11, Бухарской – 10 хозяйствующих субъектов. Поэтому имеется большая необходимость в дальнейшей подготовке аудиторов.

Получению квалификационного сертификата предшествует процесс обучения в специализированных учебных центрах по специальной программе подготовки аудиторов. Выданный Министерством финансов Республики Узбекистан сертификат призван подтверждать профессиональную пригодность аудитора, свидетельствовать о необходимом для работы уровне специальных знаний.

Во многих высших учебных заведениях получают квалификацию бухгалтера-аудитора. Но диплома ВУЗа недостаточно, чтобы работать сертифицированным аудитором. В соответствии с международными стандартами сертификат можно получить только при наличии необходимого стажа работы по специальности, прохождения специальной подготовки и сдачи квалификационных экзаменов. В нашей республике молодой специалист должен проработать по специальности не менее 3-х лет прежде, чем он сможет стать сертифицированным аудитором.

Нашим аудиторским фирмам не нужно бояться принимать на работу вчерашних студентов в качестве помощника аудитора. В мировой практике 40% работников аудиторских фирм составляют ассистенты, которые занимаются проведением инвентаризаций, арифметическими подсчётами и сверками.

Другой важный вопрос – это организация повышения квалификации аудиторов. Дело чести каждого аудитора всегда быть в форме, постоянно совершенствовать свое профессиональное мастерство.

Сейчас в республике функционирует более 20 учебных центров по подготовке и повышению квалификации аудиторов. Для обучения аудиторов должны привлекаться опытные преподаватели, юристы, специалисты завоевавших авторитет аудиторских организаций. Одним из главных требований организации курсов как подготовки, так и повышения квалификации

аудиторов должно быть обеспечение слушателей действующими нормативно-правовыми актами по бухгалтерскому учету, аудиторской деятельности, налогообложению и правовому регулированию предпринимательской деятельности (на бумажном или электронном носителях), а также учебно-методических материалов.

Для поддержания квалификации своих работников на должном уровне необходимо, чтобы аудиторская фирма имела хорошо организованную методическую базу, своевременно получала официальные нормативные документы и могла оплатить расходы, связанные с аттестацией и повышением квалификации каждого аудитора.

Организация подготовки и поддержание уровня квалификации аудиторов на соответствующем уровне должны быть основным показателем при организации внутреннего контроля качества аудиторской деятельности каждой фирмы и при проведении внешнего контроля качества, проводимого со стороны сертифицирующего органа и общественных профессиональных организаций.

Б.И. Исроилов — Тошкент шаҳар
прокуратураси ҳузурдаги солиқ ва
валютага оид жиноятларга қарши
курашиш бошқармаси бошлиғи
ўринбосари, и.ф.н., доц.

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИДА ЯЛПИ ТУШУМ ВА ЯЛПИ ДАРОМАДНИ ҲИСОБЛАШ УСЛУБИЯТИНИ (МЕТОДОЛОГИЯСИНИ) ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги 159-сонли қарори билан тасдиқланган «Микрофирма ва кичик корхоналар учун солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаш» тартибига кўра, солиқ объекти ялпи тушум ва ялпи даромад ҳисобланади. Бундан ташқари мазкур тартиб 2-бўлимнинг 5-бандига мувофиқ, солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимига ўтган бир неча фаолият тури билан шуғулланаётган корхоналар ҳар бир фаолиятга тааллуқли солиқ объекти бўйича алоҳида ҳисоб юритиши ҳамда фаолият тури бўйича белгиланган солиқ объекти учун солиқларни тўлашлари лозим.

«Микрофирма ва кичик корхоналар учун солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаш» тартиби талаблари бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчилик талабларига зид бўлиб қолмоқда. Чунки, тартибда ушбу солиқни тўловчи субъектлар томонидан сотилган товарлар (маҳсулотлар, ишлар, хизматлар) қайтарилса, ялпи тушумни камайтириш керакми ёки йўқлиги ҳал этилмаган. Ялпи тушумни камайтириш мумкин бўлган тақдирда, қайтарилган товарлар (маҳсулотлар, ишлар, хизматлар) суммаси қайси даврдаги ялпи тушумдан камайтириш лозимлиги ва солиқ ҳисоб-китобларига ўзгартириш киритиш масалалари ушбу тартибда ойдинлаштирилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Юқорида таъкидлаганимиздек, Солиқ Кодексининг 10-моддаси талабига мувофиқ юридик шахсларнинг даромадлари ва солиқларини ҳисоблаб чиқариш бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунлар асосида амалга оширилади.

Шунинг учун соддалаштирилган солиқ тизимига ўтган кичик бизнес субъектлари учун солиқ объекти ҳисобланган ялпи даромад ва ялпи тушумни аниқлашда қайтарилган товарларга тўғри келадиган даромад ва тушум суммасини камайтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу мақсадда, «Микрофирма ва кичик корхоналар учун солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаш» тартибининг 3-бўлим, 2-банди «Жами ялпи тушум миқдоридан харидорлардан ҳисобот даврида қайтарилган ва бухгалтерия ҳисоби қонунчилиги талабларига мос тартибда расмийлаштирилган тушум суммаси камайтирилади» мазмундаги қўшимча билан тўлдирилиши лозим.

Ушбу тавсиялар асосида ялпи даромад ва ялпи тушумни аниқлаш бўйича «Микрофирма ва кичик корхоналар учун солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаш» тартибига мувофиқ ялпи даромадни аниқлаш учун:

$$\text{ЯД} - \text{СД} + \text{МФД} + \text{БСД} + \text{БД} - \text{ҚД}, \quad (1)$$

бунда,

ҚД – қайтарилган товарларга тўғри келадиган даромад.

Ялпи тушум миқдорини аниқлаш учун эса қуйидаги формула тавсия этилади:

$$\text{ЯТ} - \text{СТ} + \text{БСД} + \text{МФД} + \text{БД} - \text{ҚТ}, \quad (2)$$

ҚТ – қайтарилган товар (маҳсулот, иш, хизмат)лар суммаси.

Мазкур тавсияларни амалиётга жорий этилиши биринчидан, солиқ ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликда мавжуд

номутаносибликларни бартараф этади. Иккинчидан, мазкур солиқ тўловчиларни бир даромад ва тушумдан икки марта солиқ тўлаши ҳамда қонунчиликда мавжуд номувофиқлик эвазига иқтисодий зарар кўришига барҳам берган бўлар эди.

Р.Д. Дусмуратов — зав. кафедры «Бухгалтерского учета и аудита» ТашГАУ

Е.В. Бурдина — магистрант ТашГАУ

ОРГАНИЗАЦИЯ АУДИТА РАСЧЁТОВ ПО ОПЛАТЕ ТРУДА И ПРОЧИМ ОПЕРАЦИЯМ

Целью аудиторской проверки расчётов с персоналом является формирование мнения о достоверности финансовой в части показателей, отражающих обязательства по внутренним расчётным операциям, и о соответствии применяемой методики учета и налогообложения действующим нормативным документам.

Для достижения поставленной цели в ходе аудита должны быть решены следующие задачи:

— оценка состояния учета и эффективности внутреннего контроля операций по расчётам с персоналом;

— проверка достоверности учетных и отчетных данных о расчётах с персоналом по оплате труда;

— проверка правильности начисления платежей в государственные внебюджетные фонды социального страхования и обеспечения;

— проверка достоверности учетных и отчетных данных по расчётам с подотчетными лицами;

— проверка достоверности учетных и отчетных данных о расчётах с персоналом по прочим операциям;

— общий вывод по результатам проверки внутренних расчётных операций.

Исходя из поставленных целей и задач объектами аудита являются показатели финансовой отчетности и учётных регистров, отражающие состояние расчётов (см. табл. 1).

В ходе проверки аудитору необходимо получить достаточную уверенность в том, что перечисленные показатели отчетности не содержат существенных ошибок. Для сбора доказательств используется информационная база, формируемая из различных источников. Приступая к проверке, аудитор ком-

плектует пакет нормативных документов, регистры синтетического учета и первичные документы, необходимые для проверки внутренних расчётных операций.

Пакет нормативных документов, регулирующих установленные правила ведения бухгалтерского учета и налогообложения внутренних расчётных операций, формируется аудитором с учетом специфики деятельности клиента.

Регистры синтетического и аналитического учета по счётам учета расчётов с персоналом зависят от формы учета, применяемой в организации.

Таблица 1

Объекты аудита расчётов с персоналом по бухгалтерскому балансу и учётным регистрам предприятия

Показатели баланса		Показатели учётных регистров (главная книга, журналы-ордера и т.п.)
№ стр.	Актив	
250	Авансы выданные персоналу	Дебетовое сальдо счётов: 4210 «Авансы, выданные по оплате труда» 4220 «Авансы, выданные на служебные командировки» 4230 «Авансы, выданные на общехозяйственные расходы» 4290 «Прочие авансы, выданные персоналу»
290	Задолженность учредителей по вкладам в уставный капитал*	Дебетовое сальдо счётов: 4610 «Задолженность учредителей по вкладам в уставный капитал»
300	Задолженность персонала по прочим операциям	4710 «Задолженность персонала по товарам, реализованным в кредит» 4720 «Задолженность персонала по предоставленным займам» 4730 «Задолженность персонала по возмещению материального ущерба» 4790 «Прочая задолженность персонала»
№ стр.	Пассив	
710	Задолженность учредителям*	6610 «Дивиденды к оплате» 6620 «Задолженность выбывающим учредителям по их доле»
720	Задолженность по оплате труда	6710 «Расчёты с персоналом по оплате труда» 6720 «Депонированная заработная плата»

* — Если учредители являются персоналом хозяйствующего субъекта

При журнально-ордерной форме это журналы-ордера №7,8,10 при компьютерных формах — машинограммы дебетовых и кредитовых оборотов по счётам.

При проверке первичных документов обращается внимание на использование типовых форм первичных документов, утвержденных в установленном порядке, и нетиповых форм, которые должны быть утверждены приказом по учетной политике.

Аудиторская проверка внутренних расчётных операций предполагает уточнение предварительной оценки состояния учета и внутреннего контроля этих операций, данной в процессе планирования. При этом выясняется порядок контроля за соблюдением законодательных норм при найме и увольнении персонала; состоянием учета и разделением обязанностей по учету и контролю списочного состава, рабочего времени и выполненной работы; соблюдением положений об оплате труда и др.

Оценив уровень эффективности внутреннего контроля (высокий, средний, низкий), аудитор определяет объем выработки для проверки внутренних расчётных операций

Таким образом, расчёты с персоналом по оплате и по прочим операциям является сложным и трудоёмким объектом аудита, который требует чёткого определения цели и задачи аудиторской проверки, источников информации и назначения аудиторских процедур.

И.Р. Давлетов — ассистент кафедры «Бухгалтерского учета и аудита» ТашГАУ

ОСОБЕННОСТИ ИНВЕНТАРИЗАЦИИ НЕМАТЕРИАЛЬНЫХ АКТИВОВ

Порядок и сроки проведения инвентаризации определяются руководителем организации, за исключением случаев, когда инвентаризации обязательно, и утверждаются приказом (постановлением, распоряжением) руководителя организации.

Инвентаризация нематериальных активов имеет некоторые особенности, присущие к этим активам.

При инвентаризации проверяется наличие соответствующих первичных бухгалтерских и юридических документов, необходимых для ведения учета и правильность документального

оформления объектов. В частности при инвентаризации нематериальных активов следует проверить:

- их документальное оформление;
- документы, подтверждающие права на нематериальные активы, т.е. является объект собственностью организации или организация обладает только правом на его использование;
- срок владения правами и другие документально подтвержденные условия закрепления прав собственности или прав на использование данных объектов.

Документальное оформление поступления нематериальных активов зависит от того, созданы они силами организации или приобретены у других юридических или физических лиц.

Если объекты приобретены у других лиц, факт передачи организации прав на них должен подтверждаться договором об уступке прав (договор о передаче прав на использование). К нему должны прилагаться акты приемки-передачи нематериальных активов, содержащих объекты информации.

Если объекты разработаны своими работниками или сторонними специалистами, привлекаемыми по договору подряда, право собственности должно подтверждаться документами, свидетельствующими о проведении и завершении работ по созданию данного объекта нематериальных активов. Это могут быть акты сдачи-приемки результатов работ или акты передачи выполненных заказов.

Выявленные при инвентаризации расхождения между наличием нематериальных активов и данными бухгалтерского учета отражаются на счётах следующим образом:

а) излишек нематериальных активов приходится по рыночной стоимости на дату проведения инвентаризации, и соответствующая сумма зачисляется на финансовые результаты у коммерческой организации или увеличение доходов у некоммерческой организации;

б) если выявлена недостача, то по данным сличительной ведомости (форма №ИНВ – 1а) анализируются ее причины. Предложения о расхождении фактического наличия нематериальных активов и данных бухгалтерского учета представляются руководителю организации. Он принимает окончательное решение.

Следует отметить, что недостача нематериальных активов может быть не только в безвозвратной утере документов, но также и в досрочном прекращении правомочий вследствие ха-

латности и недобросовестного выполнения служебных обязанностей должностными лицами, ответственными за своевременное перечисление патентных пошлин за поддержание патента в силе соответствующим патентным ведомствам стран, на территории которых действует патент, а также вследствие неисполнения договоров.

Результаты инвентаризации должны быть отражены в учете и отчетности того месяца, в котором была закончена инвентаризация, а по годовой инвентаризации — в годовом бухгалтерском отчете.

Таким образом, нематериальные активы, как объекты учета, так и объекты аудита имеют особенности, которых аудиторы должны учитывать при планирования и непосредственно проведение аудиторской проверки данного объекта.

Н.Ф. Каримов — к.э.н., докторант БФА

ОБЗОР НОВОЙ СИСТЕМЫ СТАНДАРТОВ КАПИТАЛА

Любая система надзора за банковской деятельностью основана на Базельском соглашении принятой в 1988 году, в котором были даны первое, принятое в международном масштабе определение и мера банковского регулятивного капитала. Оно было принято более чем в 100 странах и способствовало укреплению банковского капитала в тот момент, когда банковские системы некоторых стран испытывали трудности и когда силы конкуренции сдерживали рост банковского капитала. Соглашение оказалось настолько успешным в укреплении капитализации банков во всём мире, что оно стало одним из контрольных критериев измерения финансового благополучия банка.

В 2004 году Базельский комитет установил, что новая система стандартов капитала должна дать банкам стимулы совершенствовать свою практику управления риском, не снижая общего уровня капитала, находящегося в банковской системе.

Новая система стандартов капитала является попыткой достичь эти цели путем применения трех взаимодополняющих компонентов. В соответствии с первым компонентом требования о минимальной величине капитала увязываются более тесно с фактическими основными рисками банков. Отвечающие этому требованию банки могут также полагаться частично на результаты своих собственных измерений таких рисков, тем

самым способствуя созданию экономических стимулов для совершенствования этих измерений.

Второй компонент – проверка органами банковского надзора – обеспечивает органам банковского надзора возможность давать оценку определению банками своих собственных рисков и устанавливать, насколько такая собственная оценка рисков банком представляется обоснованной. В то время как органами банковского надзора обеспечивается дополнительный контроль, третий компонент – рыночная дисциплина – усиливает эффективность контроля со стороны рынка. Целью третьего компонента является укрепление стимулов к взвешенному управлению риском. Увеличение прозрачности финансовой отчетности банков должно давать возможность участникам рынка лучше поощрять хорошо управляемые банки и наказывать неудовлетворительно управляемые банки.

В этом по существу и заключается суть системы Базель II. Стимулы к повышению качества управления риском, включенные в новую систему стандартов капитала, а также гибкость в ее применении в зависимости от местных потребностей обеспечат действенность этой системы. Также новая система представляет собой значительный шаг в правильном направлении и что она будет способствовать созданию более гибкой и стабильной банковской системы, способной обеспечить устойчивый экономический рост.

В целях внедрения системы надзора за банковской деятельностью на наш взгляд необходимо:

Во-первых, укрепить инфраструктуры органов банковского надзора.

Во-вторых, изучить вопросы совершенствовать базы капитала системы для их последующего выполнения требований компонентов новой системы.

В третьих, государственная политика должна способствовать развитию основанных на стимулах систем и стремиться не возлагать на банки дополнительное бремя, а поощрять взвешенное и разумное руководство.

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР АУДИТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Бугунги кунда республикамызда аудитнинг назарий ва услубий асосларини ривожлантиришга қаратилган қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, «Ўзбекистан Республикасида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун, янги таҳрирдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун, «Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари», «Аудитнинг миллий стандартлари» ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган.

Мазкур меъёрий ҳужжатлар билан бир қаторда республикамызда аудиторлик фаолиятини, шу жумладан, молиявий натижалар аудитини такомиллаштирувчи омиллардан бири бўлиб, ҳар бир тармоқнинг молиявий, технологик ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, аудит жараёнларини ўтказишни, бунинг учун эса, тармоқлар бўйича (кимё, металлургия, хизмат кўрсатиш, донни қайта ишлаш, озиқ-овқат саноати, бошқа истеъмол моллари ва ...) гуруҳлашган ҳолда, аудит ўтказиш бўйича «Йўриқнома»ларнинг ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Ушбу йўриқномалар аудиторлик ташкилотларининг ишчи стандарти сифатида аудиторлар учун услубий қўлланма вазифасини бажаради. Ўз навбатида эса, мулк шаклидан қатъи назар, барча аудиторлик ташкилотлари ушбу йўриқномалардан фойдаланиб аудиторлик жараёнларини ташкил этишлари мумкин бўлади. Ушбу жараёнларни ташкил этишда аудиторлик ташкилоти раҳбари маълум бир тармоқдаги хўжалик субъектида аудит ўтказадиган аудиторнинг шу тармоқ хусусиятларини қай даражада билишига эътибор бериши керак.

Ушбу масаланинг ечимини топишнинг бошқа йўли ҳам мавжуд бўлиб, бунда Молия вазирлиги томонидан аудиторларга «лицензия» бериш жараёнида улар қайси соҳа бўйича аудит ўтказиш ҳуқуқига эга эканлиги гуруҳланган ҳолда, кўрсатиб қўйилса ҳам мақсадга мувофиқ бўлар эди ва бу эса, ўз навбатида аудиторларни ўзи билмаган соҳаларга кириб, аудиторлик фаолияти билан шуғулланишларини чеклаган бўлар эди. Бунинг натижасида эса, аудиторлик текширувларининг ва молиявий ҳисоботга берилган хулосаларнинг сифати ҳамда ҳаққонийлиги янада оширилган бўлар эди.

Табийики, бу ерда юқоридаги «йўриқнома»нинг муҳимлиги нималардан иборат деган савол туғилади.

Республикамизда ҳозирги пайтда бозор муносабатларига ўтиш, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш йўлидаги ишлар олиб борилаётган бўлиб, бу шароитда ҳам собиқ тизимдан қолган айрим хусусиятлар, турли иллатлар сақланиб, давом этиб келмоқда. Яъни бу каби ҳолатлардан айримлари аудиторлик фаолиятида ҳам кўзга ташланиб қолади. Яъни текширишда қайси қисминг хоҳласа шу қисми кўрилиб, бошқа асосий қисми эса, қолиб кетаверади ёки жараёнларни хоҳласа тўлиқ, хоҳламаса тўлиқ бўлмаган ҳолда таҳлил қилиб хулоса бериши мумкин. Бу ерда «аудитор» йўл қўйган хатоси учун жавоб бериши мумкин деган савол юзага келади. Лекин, ушбу жавобгарлик фақат кейинчалик юқоридаги хато ва камчиликлар ошкор бўлиб қолган тақдирдагина юзага чиқиши мумкин, акс ҳолда, ҳаққоний бўлмаган ҳисоботлар ижобий хулосалар билан тасдиқланиб, томонлар манфаатлари га кўплаб моддий ва маънавий зарар етказилади.

Бу каби ҳолатларга аудиторлар томонидан атайлаб ёки эътиборсизлик натижасида йўл қўйилиши мумкин. Лекин, масаланинг асосий томони шундан иборатки, юқоридаги ҳақиқий бўлмаган ахборотларни етказилиши натижасида манфаатдор томонлар (мулк эгалари, давлат, кредиторлар, ҳамкорлар ва бошқалар) ҳақиқий ҳолатдан беҳабар бўлиб қолади ва бунинг натижасида уларнинг манфаатлари га кўплаб зарар етказилиши мумкин. Республикамизда юқоридаги каби йўриқномаларнинг жорий қилиниши, аудиторларнинг масъулияти ва жавобгарлигини янада оширилиши, ўз навбатида аудиторлик фаолиятини бирмунча такомиллашувига олиб келади.

А.С. Шамшетов – списокатель, Каракалпакского Государственного университета им. Бердаха

АУДИТ КОНЕЧНЫХ ФИНАНСОВЫХ РЕЗУЛЬТАТОВ

Объектом проверки финансовых результатов является бухгалтерская прибыль (убыток), представляющая собой конечный финансовый результат, выявленный за отчетный период на основании бухгалтерского учета всех хозяйственных операций предприятий и оценки статей бухгалтерского баланса и

отчета о финансовых результатах принятым в соответствии с Национальными стандартами бухгалтерского учета и финансовой отчетности в Республике Узбекистан. Целью аудиторской проверки конечных финансовых результатов и их использования является сформирование мнения о достоверности конечного финансового результата.

Для достижения цели аудита финансовых результатов и их использования необходимо проверить:

- правильность формирования чистой выручки от реализации продукции (товаров, работ и услуг) (стр. 010, ф. №2);
- правильность формирования себестоимости реализованной продукции (товаров, работ и услуг) (стр. 020, ф. №2);
- правильность формирования показателя «Расходы периода» (стр. 040, ф. №2), в том числе строки 050,060, 070,080;
- прочие доходы от основной деятельности (стр. 090, ф. №2);
- правильность формирования финансового результата основной деятельности (стр. 100, ф. №2)
- правильность учета доходов (стр. 110, (стр. 120+130+140 +150+160)) и расходов (стр. 170, (стр. 180+190+200+210)) по финансовой деятельности;
- формирования финансового результата общехозяйственной деятельности (стр. 220, ф. №2);
- чрезвычайные прибыли и убытки (стр. 230, ф. №2);
- определения прибыли (убыток) до уплаты налога (стр. 240, ф. №2);
- расчёт налога на доходы (прибыли) (стр.250) и прочих налогов и сборов (стр. 260);
- правильность определения чистой прибыли (стр. 270, ф. №2) (стр. 270, (ф. №2) = стр. 450 гр. 4 (ф. №1) – стр. 450 гр. 3 (ф. №1)).

В зависимости от характера условий получения и осуществления направлений деятельности доходы и расходы подразделяются:

РАСХОДЫ	ДОХОДЫ
Производственная себестоимость реализованной продукции (СР) (стр. 020, ф. №2)	Чистая выручка от реализации (ЧВР) – (стр. 010, ф. №2)
Расходы периода (РП) (стр. 040, ф. №2, (стр. 50+60+70+80))	Прочие доходы от основной деятельности (ПД) (стр. 090, ф. №2)

РАСХОДЫ	ДОХОДЫ
Прочие убытки от основной деятельности (ПУ)	
Расходы по финансовой деятельности (РФ) (ф. №2 стр. 170 = стр. 180+190-200+210)	Доходы от финансовой деятельности (ДФ) (ф. №2 стр. 110 = стр. 120+130+140+150+160)
Чрезвычайные убытки (ЧУ) (ф. №2 стр. 230, гр. 6)	Чрезвычайная прибыль (ЧП) (ф. №2, стр. 230, гр. 5)

Осуществляя проверку, аудитор должен учитывать, что в отчетности формирование финансового результата показывается развернуто. Также необходимо создать алгоритм проверки формирования конечного финансового результата.

Д.У. Мамадияров – БМА аспиранти

МЕНЕЖЕРЛАРНИ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИНГ РОЛИ

Тадбиркорлик билан шуғулланувчи деярли ҳар бир ҳўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятига тааллуқли миқдорий маълумотларга қизиқиш ва эҳтиёж сезади. Бу мулк эгалари ёки инвесторлар, давлат мувофиқлаштирувчи ва солиқ органларининг мутахассислари ҳамда менеджерларга тааллуқлидир. Буларнинг барчаси бошқарув ҳисоби тизимини молиявий ахборотларга бўлган ўз эҳтиёлларини қондирувчи манба сифатида қабул қиладилар.

Бошқарув ҳисоби келажакка ва ҳодисаларнинг боришига таъсир кўрсатиш учун нима қилиш кераклигига йўналтирилган бўлиши шарт. Маълумки, ўтмишни ўзгартириш мумкин эмас, бироқ, у келажак учун сабоқ бўлиб хизмат қилиши керак.

Молиявий ҳисобот учун зарур бўлган маълумотлар, бошқарув ҳисоби учун ҳам бизнес-режа тузиш, қарорлар қабул қилиш ва назорат олиб бориш учун талаб этилади. Молиявий ва бошқарув бухгалтерлига ҳисоби тизимларига бирламчи хужжатлардан киритиладиган маълумотлар ҳажмининг асосий қисми одатда, иккала ҳисоб тури учун фойдаланилади. Дастлабки ҳисоб юритишнинг икки тизимига эга бўлиш учун ҳеч қандай зарурат йўқ, чунки, молиявий ва бошқарув ҳисоблари бирламчи маълумотларни ягона тизимга бирлаштиради. Шунини таъкидлаш лозимки, бошқарув ҳисоби ўзи яқка ҳолда, мавжуд

бўла олмайди. У бошқарув жараёнларида менежерларга кўмак бериши зарур.

Бозор муносабатлари шароитида бошқарув иқтисодий муҳитни шакллантириш, режалаштиришни ташкил этиш ва ушбу муҳитдаги ўзгаришларни амалга ошириш, шунингдек, тадбиркорликка таъсир кўрсатувчи иқтисодий ва сиёсий ҳолатларни чеклашлар билан доимий курашини учун масъулиятни назарда тутди.

Менеджерлар тадбиркорлиги кўп ҳолларда ишончли ахборотларга муҳтождир. Кўпчилик қишлоқ хўжалик корхоналарида менежерлар ҳозирча ўз корхонасини самарали бошқариш учун зарур бўлган барча ахборотларга эга эмас. У кўпроқ самарали ахборот тизими орқали унга корхона ташқарисидан етказиб берилаётган, шунингдек, ички бошқарув ҳисоби тақдим этаётган ахборотларга ишониши керак. Шунинг учун бошқарувнинг тобора ўзгариб бориши билан бошқарув ҳисоби ҳам ўзгармоқда ва такомилланимоқда.

Бошқарув ҳисобининг моҳияти тадбиркорлик фаолиятини бошқариш жараёнида менежерларга зарур бўлган ёки кейинчалик асқотадиган маълумотларни тақдим этишдир. Ҳисоб тизими қўйилган вазифанинг икки усулидан бири ёрдамида бажариши мумкин:

1. У ҳақиқатдаги миқдорий кўрсаткичларни бизнес-режада режалаштирилаётганлари баҳолаш йўли билан бошқарувни таъминлаши мумкин.

2. Ушбу тизим, фаолиятнинг муқобил вариантларини баҳолашга ёрдам берувчи, миқдорий ахборотларни тақдим этиш йўли билан қарорлар қабул қилиш ва режалаштиришга кўмаклашиши мумкин.

Ҳисоб тизимларидан бу тариқа фойдаланиш шаклланаётган бозор муносабатлари учун янги бўлиб ҳисобланади.

Вазиятнинг боришига ва келажакка таъсир кўрсатиш учун нима қилиш мумкинлиги, бошқарув ҳисобидан алоҳида эътибор берилишини талаб этади.

Бунда, ўтмишни ўзгартириш мумкин эмас, лекин келажакда фойдаланиш мақсадида уни ўрганиш мумкин. Шу боисдан бошқарув ҳисоби тадбиркор эҳтиёжига қараб турли шаклларда намоён бўлиши мумкин. Чунки, тадбиркорликнинг ривожлантирилиши билан турли муомалаларни ечиш учун мўлжалланган ташкилий тузилмалар ва ҳар хил тизимлар ҳам ривожланади.

Аграр сектордаги йирик қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчи хўжаликлар, хусусан, қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ўзларининг мураккаб ишлаб чиқариш ва инфратузилмаларига эга бўлиб, уларнинг бошқарув тизимида ички ва ташқи мақсадлар учун зарур ахборотлар шаклланади. Улар ахборотларнинг таркиби ва мазмунини аниқлаб, уларни шакллантиради ва ишлов беради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бошқарув ҳисоби маълумотлари менежерлар учун хизмат қилади. Унинг асосий тамойили — корxonани, унинг барча бўлинмаларини самарали бошқариш учун зарурлиги ҳисобланади. Бошқарув ҳисобида корхона ички хўжалик бўлинмаларининг ўзаро ҳамда уларнинг маъмурият билан бўладиган хўжалик муносабатлари тўғрисидаги ахборотлар ички ҳисобот кўрсаткичларини шакллантириш мақсадида акс эттирилади, ишлов берилади ва умумлаштирилади. Бошқарув ҳисобида асосан, маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш ҳамда таннарх шаклланиши билан боғлиқ жараёнлар акс эттирилади. Шу билан бирга, бошқарув ҳисобининг маълумотлари корxonанинг тижорат сири бўлиб ҳисобланади ва у ошқора қилинмайди.

**Б.Ю. Менглиқулов — ТошДАУ ўқитувчиси,
Д.Ў. Мамадияров — БМА аспиранти**

МОЛ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Қишлоқ хўжалик корxonалари ўзларининг молия-хўжалик фаолиятида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан доимо алоқада бўладилар. Бундай субъектларга мол етказиб берувчилар ва пудратчилар ҳам киради. Улар қуйидагилардир: қишлоқ хўжалик техникаси корxonаси, қишлоқ хўжалик кимёси корxonаси, нефтбаза, уруғчилик хўжаликлари, савдо корxonалари, турли таъминот базалари, автобаза, машина-трактор парклари, биолоботориялар, қурилиш ташкилотлари ва бошқалар. Ўз навбатида, ушбу мол етказиб берувчи ва пудратчилар олдида қишлоқ хўжалик корxonаларининг мажбуриятлари пайдо бўлади. Мажбуриятлар бу ҳисобот даврида ёки олдинги даврларда вужудга келган қарзлар (кредитор қарзлар) бўлиб, уларнинг қопланиши (сўндирилиши) иқтисодий нафнинг камайи-

шига, яъни мавжуд активларнинг камайишига олиб келади. Мажбурият корхонанинг турли келишувларни бажариши натижасида вужудга келади ва сотиб олинган товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар юзасидан келгусидаги тўловлар учун ҳақиқий асос бўлиб ҳисобланади.

I-сонли «Ҳисоб юритиш сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС)га асосан мажбуриятларни баҳолашнинг асоси бўлиб, сотиб олинган активлар, иш ва хизматларнинг таннархи ёки қиймати ҳисобланади.

Мажбуриятлар қисқа муддатли (жорий) ва узоқ муддатли бўлиши мумкин. Жорий мажбуриятлар — бу кредиторнинг талабига кўра бир йил ичида тўланадиган мажбуриятлар (қарзлар)дир. Узоқ муддатли мажбуриятларга тўлов муддати бир йилдан ортиқ бўлган мажбуриятлар киради.

Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар «шартнома»га асосан ташкил этилади. Шартнома асосий ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, у мукамал тузилган ва томонларнинг мажбуриятлари аниқ кўрсатилган бўлиши лозим. Шартнома тузилгандан сўнг мол етказиб берувчи корхона маҳсулотни юклаб жўнатганда, иш ёки хизмат бажарганда: юк хати, счёт-фактура каби дастлабки ҳужжатлар расмийлаштирилади. Мол сотиб олувчи корхона маҳсулотларни қабул қилиб олганда: кирим ордери, кирим юк хати, қабул қилиш далолатномаси, маҳсулотлар ортиқча ёки кам келганда эса, тижорат далолатномаси тўлғазилади. Мол етказиб берувчиларга товарлар, ишлар, хизматларнинг пули ўтказилганда: тўлов талабномаси, тўлов топшириқномаси, тўлов талабнома-топшириқномаси чеки каби дастлабки ҳужжатлар расмийлаштирилади.

Мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун 6010, 7010, 4310, 4320-счётлар мўлжалланган.

6010-счёт бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир мол етказиб берувчилар ва пудратчилар бўйича алоҳида юритилади.

7010-счёт бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир тақдим этилган счёт ва мажбуриятлар бўйича юритилади: 6020 ва 7020-счётлар бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир берилган вексел бўйича юритилади. Тўлов муддати ўтган векселлар бўйича ҳисоб алоҳида юритилади.

Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар умумлаштирилган ҳолда, 6-журнал-ордерда 6010 ва

6020-счётларнинг кредити бўйича қайд қилиб борилади. Бу журнал-ордерда аналитик ва синтетик ҳисоб бир вақтнинг ўзида олиб борилади, аналитик ҳисоб ҳар бир тўлов ҳужжати, кирим ордери ёки қабул қилиш далолатномасига асосан юритилади.

Хулоса қилиб айтганда, хўжалик билан мол етказиб берувчилар ва пудратчилар ўртасида тузиладиган шартномаларда томонларнинг мажбуриятлари аниқ кўрсатилиши керак. Масалан, хўжалик билан нефт маҳсулотлари етказиб берувчи корхона ўртасида тузиладиган шартномаларда хўжалик нефт маҳсулотлари учун бўнак суммасини ўтказиш муддати, бўнак ўтказилгандан сўнг нефт маҳсулотлари етказиб берувчи корхона нефт маҳсулотларини неча кун ичида етказиб бериши, агар шартномада кўрсатилган муддатда маҳсулот етказиб берилмаса, кечиккан ҳар бир кун учун қанча жарима тўланиши, нефт маҳсулотлари келиб тушгандан сўнг қанча муддатда қолган сумманинг ўтказилиши, агар хўжалик шартномада кўрсатилган муддатда қолган суммани ўтказмаса, кечиккан ҳар бир кун учун ҳисобланадиган жарима миқдори шартномада аниқ кўрсатилиши шарт. Хўжалик билан мол етказиб берувчилар ўртасида келиб чиқадиган низолар шу шартномалар асосида хўжалик судлари орқали ҳал этилиши керак.

Б.А. Бошбеков – ТошДАУ тадқиқотчиси

ИЧКИ АУДИТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЗАРУРИЯТИ

Ҳозирги вақтда ички аудиторларнинг функциялари, ҳатто, ўз компанияси таркибий бўлинмалари бухгалтерия ҳисоботларини текшириш доирасидан ҳам четга чиқади. Ички аудиторлар корхонанинг иқтисодий сиёсати ва бошқарув масалаларида кўпроқ иштирок этмоқдалар. Ички аудиторлар юқори малакали мутахассислар бўлиб, ўз мақомига кўра катта ваколатларга эга. Уларнинг мажбуриятлари доирасига кўпроқ қўйидагилар киради:

– *операцион аудит* – бошқарув масалалари бўйича корхонанинг турли таркибий бўлинмаларига маслаҳат бериш каби фаолият (масалан, маркетинг ишларини баҳолаш, корхона таркибий тузилмасини баҳолаш ва ҳ.к.);

– *мувофиқлик аудити* – ушбу корхона бўлинмалари фаолияти, унинг маъмурияти ва зарур бўлганда юқори органлар томо-

нидан белгиланган ёки қонун ҳужжатларида кўрсатилган қоидаларга мувофиқлигини текширишдан иборат. Масалан, тузилган шартномаларни юридик талаблар нуқтаи назаридан текшириш ва баҳолаш, рискларни камайтириш ва ҳ.к.

АҚШда ички аудиторларнинг профессионал ташкилотлари 1941 йилда ташкил топган бўлиб, Ички аудиторлар институти—ИАИ (IA-Institute of Internal Auditors) деб номланган.

Институт ички аудиторлар фаолиятини мувофиқлаштиради ва тартибга солиб туради, умумтаълим фаолиятини таъминлайди ва мазкур профессионал амалиёт меъёрларини ишлаб чиқади. У ўз функцияларини ва ички аудиторлар хизматларини доимий равишда кенгайтириб келмоқда.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ички аудит маълум бир тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтиб, унинг ҳуқуқий-меъёрий ва илмий-услубий асослари шаклланган ҳамда катта амалий тажриба тўпланган.

Ўзбекистонда, хусусан, аграр секторда ички аудитни ташкил этишнинг долзарблиги қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари, жумладан, қишлоқ хўжалик корхоналарининг шартнома муносабатлари тизими, тармоқларни ривожлантириш, корxonанинг бошқарув тизими, унинг ҳамкорлари ва мулкдорлари, шунингдек, ягона ҳисоб ва ҳисобот тизимини яратиш зарурати билан белгиланади. Шунингдек, турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналар ва мулкдорларнинг пайдо бўлиши, улар ўзларининг мулкий манфаатларини амалда ҳимоя қилиш, ўз фаолияти ва ҳамкорларнинг фаолиятлари тўғрисида ишончли ахборотларга эга бўлиш муаммосини илгари сурди. Шундай қилиб, аграр секторда бошқарувнинг янги функцияси — ички аудитни шакллантириш ва ривожлантириш учун бу соҳада аудитни ташкил этишнинг устувор йўналишларини белгилаб олиш, маънада кадрлар тайёрлаш йўли билан унинг самарадорлигини ошириш чораларини белгилаш, зарур ҳуқуқий-меъёрий базани шакллантириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда, ички аудитни ташкил этиш бўйича тавсиялар, ички аудит стандартлари ва меъёрларини ишлаб чиқиш зарур. Хорижда ва мамлакатимизда тўпланган тажрибаларни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, аудитнинг барпо бўлиши ва ривожлангани сари уни ташкил этишда ихтисослаштириш таъминидан фойдаланиш зарурати кучаймоқда. Хўжалик фао-

диятининг тармоқ хусусиятлари мулкий манфаатларини таъминлаш ва ҳимоялаш усулларининг аниқ рўйхатини, хўжалик юретишнинг ҳуқуқий мақоми ва ташкилий шакллари, фаолиятнинг ҳуқуқий чегараларини, харажатларни ҳисобга олиш ва таннарх ҳисоблаш усулларини, ривожланиш стратегиясини асослаш усулларини ва бошқа инвестиция қилинган воситалардан фойдаланишнинг қулай шарт-шароитларини белгилайди. Кўп укладли иқтисодиётнинг барпо бўлиши ва ривожланиши ҳамда бошқариш тажрибаси аграр секторда барча хўжалик юритувчи субъектлар учун умумий бўлган ҳуқуқий-меъорий база негизида аграр секторнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ички аудитни ташкил этишнинг зарурлигидан далолат бермоқда.

У.И. Тўлаев — ТошДАУ ассистенти

ПУЛ ОҚИМЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТНИНГ МАЗМУНИ ВА АҲАМИЯТИ

Молиявий ҳисобот таркибида пул маблағларининг манбалари ва ишлатилиш йўналишлари тўғрисидаги ахборотларнинг аҳамияти ҳамда уларни очиқ бериш Ўзбекистон учун ҳам, бутун дунё иқтисодий ҳамжамияти учун ҳам мутлақо янги вазифа эмас. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки босқичларидаёқ пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни тузиш ёки кейинчалик молиявий ҳисоботларни бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС) ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (IAS) доирасида тузиш ҳамда трансформациялаш муносабати билан мазкур масала бўйича мунозаралар юзага келди. Сўнгги йилларда молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар талабларини ҳисобга олган ҳолда, тузиш учун тижорат корхоналарини маблағ билан таъминлашнинг хилма-хил шакллари тўғрисидаги маълумотларни эмас, балки айнан пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш зарурати вужудга келди. Лекин, бундай ҳисоботни тузишнинг кўплаб муаммолари, жумладан, мазмун-мақсади, унда қўлланиладиган тушунчалар ва пул айланмаларининг иқтисодий тушунчалари, элементлари ҳамда тузиш услубиятининг айрим жиҳатлари ечимини топган эмас.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (IAS) ҳамда бир қанча миллий стандартлар (GAAP US, GAAP UK, NAS UZ) пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот алоҳида ҳисобот шак-

ли сифатида молиявий ҳисобот тўпламининг таркибий қисми ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, бизнинг мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ушбу ҳисобот молиявий ҳисоботнинг мустақил шакли сифатида алоҳида киритилган.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботнинг молиявий ҳисобот тўпламидаги бошқа шаклларга нисбатан муҳим фарқли жиҳатлари мавжуд.

Фаолият турлари (операцион, инвестицион, молиявий) бўйича хўжалик муомалаларининг самарадорлиги пул тушумларининг чиқимлардан ошганлигида, яъни ҳисобот даврида фойданинг вужудга келишида ифодаланади. Хўжалик юритувчи субъектда молия-хўжалик фаолиятининг узлуксизлиги тўғрисидаги тамойилдан келиб чиққан ҳолда, молиявий натижанинг шакллантирилиши фойдани аниқлашда ҳисоблаш усулини қўллашга олиб келади. Корхонанинг даромадлари ва харажатлари активлар ва мажбуриятларнинг хусусий капитални ўсишига олиб келувчи ҳаракатлиниши муносабати билан кўриб чиқилади.

Шундай қилиб, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот — бу динамик ҳисобот бўлиб, ҳисобот давридаги маълум хўжалик муомалаларини баланс тарзида умумлаштириш усуллари ёрдамида молия-хўжалик фаолиятининг учала тури (операцион, инвестицион ва молиявий фаолият) бўйича реал молиявий маблағлар тушуми ва чиқимининг муҳим жиҳатларини изоҳлайди.

О.И. Каримов — Главный бухгалтер академического лицея «Алгоритм» ТГТУ им. А.Р. Беруний

ОРГАНИЗАЦИЯ ВНУТРЕННЕГО КОНТРОЛЯ В ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТАХ

1. В рыночных условиях эффективная система внутреннего контроля предполагает необходимость выявлять и оценивать на постоянной основе те имущественные риски, которые могут отразиться на достижении банком поставленных целей. Такая оценка должна охватывать все риски, с которыми сталкиваются банк и его учреждения в целом (т.е. кредитный риск, страховой риск и риск неперевода средств, рыночный риск, процентный риск, риск потери ликвидности, операционный риск, правовой риск и риск потери репутации банка). При этом мо-

жет возникать необходимость в пересмотре мер внутреннего контроля, с тем, чтобы учитывать должным образом любые новые или ранее не контролировавшиеся риски.

2. Для эффективной системы внутреннего контроля требуется надлежащее разделение обязанностей и обеспечение того, чтобы на сотрудников не возлагалась ответственность, сопряженная с конфликтами интересов. Сферы потенциальных конфликтов интересов необходимо идентифицировать, сводить к минимуму и подвергать тщательному непредвзятому мониторингу.

Для эффективности системы внутреннего контроля требуются в достаточном объеме всесторонние данные по внутренней финансовой отчетности, операционной деятельности и соблюдению установленных требований, а также внешняя информация рыночного характера о событиях и условиях, имеющих значение для принятия решений. Информация должна быть достоверной, своевременной, доступной и поступать в совместимом формате.

3. Изучение опыта организации внутреннего контроля в других странах показывает, что одной из целей внутреннего аудита является содействие эффективному функционированию всей системы внутреннего контроля, в реализации которой в той или иной мере принимают участие все структурные подразделения банка и особо ответственную роль играет бухгалтерия под руководством главного бухгалтера.

Однако различия структуры, юридической формы собственности, состава учредителей и клиентов каждого банка оказывают существенное влияние на программу, организацию и методы проведения внутреннего аудита.

4. Проверяются также компьютерные технологии ведения бухгалтерского учета, обеспечивают ли они достоверность отражения в бухгалтерском учете и отчетности банковских операций и их финансовых результатов. Особое внимание уделяется проверке правильности определения налогооблагаемой базы разных налогов исходя из действующего законодательства.

В этой своей части внутренний аудит носит ревизионный характер и преследует цель выявления и исправления ошибок в учете, а также обеспечения соответствия учетного оформления банковских операций их экономическому содержанию, плану счетов бухгалтерского учета и инструкциям по ведению учета и составлению отчетности - бухгалтерской и налоговой.

5. Аналитическая работа службой внутреннего аудита в разных банках либо вовсе не проводится, либо существенно различается. В значительной мере она зависит от структурных подразделений банка. Если банковский менеджмент и финансовый анализ проводятся другими структурными подразделениями, то аналитическая работа службы внутреннего аудита ограничивается оперативным анализом финансового состояния только своего банка с выявлением удельного веса доходных активов и влияния операций отдельных структурных подразделений на финансовые результаты его деятельности и ликвидность.

6. Такой экспресс-анализ чаще всего проводится еженедельно. Более углубленный анализ финансового состояния проводится ежемесячно. При этом определяется прибыльность отдельных направлений деятельности (кредиты юридическим и физическим лицам, операции с ценными бумагами, валютные операции, внебалансовые операции по поручениям клиентов и т.д.) и рентабельность работы филиалов.

Проводится анализ и оценка отклонений от установленных Центральным банком Республики Узбекистан экономических нормативов. При их соблюдении определяется положительное или отрицательное влияние этих отклонений на эффективность работы и финансовую устойчивость банка.

Контролируется также выполнение сметы операционных и административно-управленческих расходов, соблюдение установленных лимитов кассы, открытой валютной политики.

При отсутствии в банке специальной службы маркетинга в обязанности внутреннего аудита включается изучение фондового рынка, рынка межбанковских кредитов, сбор и анализ информации о банках-контрагентах, об их платежеспособности и финансовой устойчивости.

7. В некоторых зарубежных банках на службу внутреннего аудита возлагается проведение анализа финансового состояния всех ссудозаемщиков - юридических и физических лиц с целью оценки банковских рисков, связанных с их кредитованием, а также эмитентов, индоссантов и авалистов лекселей, которые банк намерен приобрести.

Такое расширение функций внутреннего аудита практикуется отдельными банками с целью освободить кредитных работников и дилеров от технической работы, связанной с проведением финансового анализа. При этом сотрудники структурных подразделений, ведущих активные банковские опера-

ции, получают необходимую им информацию после ее аналитической обработки службой внутреннего аудита.

Необходимо подчеркнуть, что функции внутреннего аудита не ограничиваются контролем за работой всей системы внутреннего контроля. Внутренний аудит имеет скорее другую цель, а именно — помочь найти наиболее эффективные методы работы и оценить экономичность использования выделенных средств, что особенно важно для бюджетных организаций.

На наш взгляд, целями обязательного внешнего аудита являются установление достоверности бухгалтерской отчетности хозяйствующих субъектов, для которых проведение аудита является обязательным; установление соответствия совершенных ими финансовых операций нормам законодательства республики Узбекистан и оценка финансового состояния на дату проверки. Причем под достоверностью бухгалтерской отчетности подразумевается такая степень точности и раскрытости которая позволит пользователю сделать на ее основе экономически обоснованные выводы о результатах деятельности проверенного хозяйствующего субъекта.

**А.К. Ибрагимов — БМА кафедраси мудири, и.ф.д.,
А. Авлокулов — ТМИ тадқиқотчиси**

ИНВЕСТИЦИОН МУЛКНИ ТАСНИФЛАШНИНГ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ

Бозор иқтисодиёти шароитида халқаро амалиёт тажрибасига кўра инвестицион кўчмас мулк тушунчаси кенг қўлланилади. Бухгалтерия ҳисобининг бу объекти узоқ муддатли активлар таркибида катта салмоққа эга бўлиб, ўзининг баҳоланиш, ҳисобда юритилиш ҳамда молиявий ҳисоботда акс эттирилиш тартиби жиҳатидан бошқа активлардан бирмунча фарқ қилади. Агарда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига назар ташлайдиган бўлсак, ҳали инвестицион кўчмас мулк ҳисобини юритиш борасида алоҳида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти ишлаб чиқилмаган. Бу борада биз 40-сон молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартига эътибор қаратишимиз ва шу асосда инвестицион кўчмас мулкни юритишимиз лозим бўлади.

40-сон МҲХСга кўра инвестицион кўчмас мулк-активларнинг қуйидаги турлари кўзда тутилган мулклари киритилади:

- ер;
- бино;
- бинонинг қисми;
- ер ва бино.

Бунда мулк эгаси (молиявий лизинг шартномаси бўйича ижарага берувчи) ижара ҳақини олади ёки капитали миқдори ошади.

Англияда инвестицион кўчмас мулк тушунчасининг пайдо бўлиши 1981 йилда қабул қилинган Statements of Standart Accounting Practice (стандарт ҳисоб амалиёти тўғрисидаги низом) SSAP-19 билан боғлиқ. SSAP-19 да инвестицион кўчмас мулкка қуйидагилар киритилган:

- ер ва бинодан олинадиган даромад;
- тугаллаб бўлинган реконструкция ва объектни модернизациялаш ишлари.

Инвестицион кўчмас мулкка қуйидагилар киритилмайди:

- ўзининг фойдаланишида бўлган мулк;
- бошқа компанияларга тегишли бўлган мулк.

SSAP-19 га кўра оператив ижарага бериладиган мулк инвестицион кўчмас мулк таркибига киритилмаган.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари қўмитасининг фикрига кўра, инвестицион кўчмас мулкнинг тавсифи ўз мақсадлари учун ишлатиладиган мулкнинг тавсифидан фарқ қилади. 40-сон МҲХСда ҳам худди SSAP-19 каби инвестицион кўчмас мулкнинг таснифланиши келтириб ўтилган. Аммо, улар ўртасида фарқли томонлари ҳам мавжуд. Буни қуйидаги жадвалда кўрсатиб ўтамиз:

40-сон МҲХС ва SSAP-19 га кўра инвестицион кўчмас мулкнинг тавсифи

Инвестицион кўчмас мулк тавсифи	40-сон МҲХС бўйича	SSAP-19 бўйича
Капитал қийматининг ошиши мақсадида корхонада мавжуд бўлган ер	+	+
Келажақда фойдаланиш мақсадида корхонада мавжуд бўлган ер участкаси	+	+
Бир ёки бир неча оператив ижара остидаги корхонага тегишли бўлган ва ижарага берилган бино	+	+
Оператив ижарага беришга мўлжалланган, ҳозирда бўш турган бино	+	+
Инвестицион мулк сифатида келажақда фойдаланиш мақсадида такомиллаштириладиган мулк	+	+

Инвестицион кучмас мулк тавсифи	40-сон МХХС бўйича	SSAP-19 бўйича
Оператив ижара асосида ижарачида турган мулк	-	+
Одатдаги фаолият давомида сотилиши кўзда тутилган мулк	-	-
Учинчи томон иштирокида реконструкция қилинаётган мулк	-	-
Ўз фойдаланишида мавжуд бўлган мулк	-	-

Халқаро амалиётда инвестицион кучмас мулк атамасининг кўлланилиши ривожланаётган мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Жумладан, Осиёдаги ривожланаётган мамлакатлардан бири бўлган Шри Ланка Республикасида ҳам инвестицион кўчмас мулкни ҳисобда акс эттиришнинг қонуний асосларини белгиловчи бухгалтерия ҳисобининг стандарти қабул қилинган ва у 2003 йил 1 сентябрдан бошлаб кучга киритилган. Ушбу мамлакатда қабул қилинган 40-сон SLAS (Shri Lanka Accounting Standard)га биноан инвестицион кучмас мулк таркибига куйидагилар киритилган:

- узоқ муддат давомида капитал қийматининг ошиши кутилаётган ер;

- келажақда фойдаланиш учун корхонада мавжуд бўлган ер участкаси;

- ҳисобот тақдим этувчи ва ушбу корхона эгалик қиладиган ҳамда оператив ижарага берилган бино;

- ҳозирда бўш турган, аммо кейинчалик ижарага берилиши кўзда тутилган бино.

Шунингдек, 40-сон SLASга биноан инвестицион кучмас мулк таркибига киритилмайдиган объектлар ҳам санаб ўтилган:

- одатдаги фаолият давомида сотиладиган ёки сотиш учун реконструкция қилинаётган мулк;

- учинчи томон иштирокида реконструкция қилинаётган мулк;

- ўз фойдаланишида ишлатилаётган мулк;

- кейинчалик инвестицион кучмас мулк сифатида фойдаланилиши кўзда тутилган, аммо, ҳозирда реконструкцияда бўлган мулк.

Шунингдек, Янги Зеландияда ҳам NZ IAS-40 «Investment Property» номли стандарт ишлаб чиқилган. Ушбу стандартга кўра инвестицион кучмас мулк таркибига:

– инвестицион кўчмас мулк сифатида мавжуд бўлган ва одатдаги фаолият давомида сотилиши кўзда тутилмаган мулк;

– инвестицион кўчмас мулк сифатида мавжуд бўлган ва келажакда худди инвестицион кўчмас мулк каби ишлатилиши кўзда тутилган, аммо, ҳозирда реконструкцияда бўлган мулк.

Шунингдек, Янги Зеландияда амал қилиб турган NZ IAS-40 га биноан инвестицион кўчмас мулк таркибига қуйидагилар киритилмайди:

– одатий фаолият давомида сотиладиган ёки сотиш учун реконструкция қилинаётган мулк;

– учинчи томон иштирокида реконструкция қилинаётган мулк;

– ўз фойдаланишида ишлатилаётган мулк;

– кейинчалик инвестицион кўчмас мулк сифатида фойдаланилиши кўзда тутилган, аммо, ҳозирда реконструкцияда бўлган мулк;

– қишлоқ хўжалигида фойдаланишда бўлган мулк.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, АҚШ, Англия, Шри Ланка ва Янги Зеландия давлатларида инвестицион кўчмас мулкнинг ҳисобини юритиш бўйича қонуний ҳужжат – бухгалтерия ҳисобининг стандартлари ишлаб чиқилган.

Ушбу давлатларда инвестицион мулкнинг таснифланиши деярли бир хил бўлиб, улар асосан, ўзининг хўжалик фаолиятида фойдаланиш учун эмас, балки бу объектларни ижарага беришга мўлжалланган ёки капиталлаштириш мақсадида ушлаб турилган мулклардир.

**И.Э. Ивоина, С.В. Ивоина — ОАБ
«УзЛИТИнефтгаз», ЦЭЭП**

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ ОПРЕДЕЛЕНИЯ КРИТЕРИЕВ БАНКРОТСТВА

Предприятия иногда попадают в зону экономического риска, то есть в предбанкротное состояние. Анализ такого положения показал, что в ряде случаев это происходит в результате несовершенства критериев банкротства, поскольку основным критерием отнесения предприятий к зоне экономического риска является коэффициент соотношения собственных и заемных средств.

Исходя из применяемой Комитетом по делам об экономической несостоятельности предприятий при Министерстве

экономики Республики Узбекистан методики, при расчёте этого коэффициента для расчёта принимаются только собственные средства, используемые для формирования оборотных (текущих) активов, в то время, как соотносятся они со всей кредиторской задолженностью. По нашему мнению для более реального определения указанного коэффициента при расчёте собственных средств следует использовать сумму «Источники собственных средств» — стр. 480 раздела 1 пассива баланса, «Долгосрочные кредиты и займы» — стр. 570+580, «Краткосрочные кредиты и займы» — стр. 730+740, а также «Авансы, полученные от покупателей и заказчиков» — стр. 670, по существу используемые как краткосрочные займы. Кроме того, было бы целесообразно к собственным источникам прибавлять срочную дебиторскую задолженность, так как в условиях развивающейся экономики, нельзя не учитывать средства, отвлеченные в дебиторы и имеющие непосредственное влияние на наличие и рост кредиторской задолженности. Особенно это важно, когда финансовые результаты формируются не по фактически поступившим на счёт предприятий средствам, а по отгруженной продукции. В условиях же стабильной (развитой) экономики от привлечения в собственные источники дебиторской задолженности можно отказаться.

При определении же заемных средств, в расчёт необходимо принимать все краткосрочные обязательства, то есть стр.600 Раздела 2 Пассива баланса «Обязательства».

Одновременно следует отметить, что, по нашему мнению, значительно завышено значение указанного выше коэффициента. Уровень 2 обозначает, что собственные источники в 2 раза должны превышать заемные средства. В мировой практике применяется обратный показатель — соотношение заемных и собственных средств. Его значение не должно превышать 70%, то есть при преобразовании его в показатель соотношения собственных и заемных средств, принятый нашим законодательством, значение показателя не должен быть ниже 1,4–1,5.

О необходимости изменения размера коэффициента собственных и заемных средств говорит и тот факт, что по остальным критериям состоятельности большинства предприятий (коэффициент платежеспособности, коэффициент обеспеченности оборотными средствами и коэффициент рентабельности активов), превышен их предельный уровень. Большинство

предприятий попадает в зону экономического риска только за счёт названного выше коэффициента.

В связи с изложенным, необходимо рассмотреть вопрос о возможности изменения общей методики расчёта коэффициента собственных и заемных средств и его размера.

**А. Мавлонов — Солиқ академияси
катта ўқитувчиси**

АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ҚАЙТА БАҲОЛАНИШИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни доимий равишда модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилаб бориш иқтисодиётни ислоҳ этишнинг стратегик вазибаларидир. Ушбу вазибаларни бажаришда асосий воситаларни замонавийлаштириш ҳамда технологик жиҳатдан янгилаб боришни ва ҳисобини такомиллаштиришни тақозо қилади.

Асосий воситаларни ҳисобга олишда уларнинг баҳоланиши муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида асосий воситаларни баҳолашнинг бошланғич қиймати, тиклаш қиймати, қолдиқ қиймати, тугатиш қиймати ва ҳ.к кўринишлари белгиланган. Асосий воситаларнинг тиклаш қиймати деганда, уларни қайта баҳоланишини ҳисобга олинган қиймати тушунилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 490-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ барча мулкчилик шаклларига асосланган хўжалик юритувчи субъектлар 2002 йил 1 январдан асосий воситаларини ҳар йили 1 январ ҳолатига қайта баҳолаши лозим. Асосий воситаларни қайта баҳологанда асосий воситанинг бутун занжири қайта баҳоланиши керак. Қайта баҳолаш натижасида асосий воситанинг баланс қиймати кўпайган ҳолда, ушбу кўпайиш аввалги баҳодан ошадиган суммада 8510-«Мулкларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» ҳисобварағининг кредитида акс эттирилиши лозим.

Асосий воситаларни тиклаш қиймати ёки қайта баҳоланиши бозор баҳоси ва индекс усулида амалга оширилади. Асосий воситаларни индекс усулида қайта баҳоланиши ҳисобот тузиш санаси-

га хўжалик юритувчи субъектларда мавжуд бўлган ва фойдаланилаётган асосий воситаларнинг қийматини белгиланган коэффициентлар асосида қайта тузатишлар қилинади. Асосий воситаларни эскириш қийматларининг оширилиши ушбу фарқлар коэффициентига ўзгартирилади.

Асосий воситаларни қайта баҳолаш чоғида уларнинг қиймати ҳар хил сабабларга кўра пасайтирилиши ҳам мумкин. Бу ҳолда, асосий воситанинг арзонлаштириш қиймати 8510-«Мулкларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» ҳисобварағининг дебети асосида аввалги қайта баҳолашда кўпайтирилган сумма миқдорида акс эттирилади, агар аввалги қайта баҳолашда кўпайтирилган суммадан арзонлаштиришдаги сумма миқдори юқори бўлса, ўртадаги фарқ харажат сифатида 9430-«Бошқа муомала харажатлари» ҳисобварағи дебетида ҳисобга олинади. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан асосий воситалар хизматга яроқсиз ҳолга келганда унинг ўрнини қайта тиклаш, бошқа асосий восита келтириш мақсадида уларнинг қийматини пул кўринишида қайтариб олиш учун эскириш ҳисобланади. Ушбу ҳисобланган эскириш суммасини қайта баҳолаш коэффициентига кўпайтириш корхона асосий воситаларини янгилашда қўшимча маблағлардан фойдаланилишига олиб келади. Бизнинг фикримизча, асосий воситаларни қайта баҳолашда ҳисобланган эскириш қиймати қайта баҳолаш коэффициенти асосида тузатиш киритилмасдан ҳисобга олинса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ш.М. Эргашев — БМА аспиранти

ДАВР ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАЗМУНИ

Республикаимиз иқтисодиётида, жаҳон амалиётидан кириб келган, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қисқартирилган таннарх тизимини шакллантириш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан унинг ҳуқуқий асоси бўлган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом амалга жорий этилди. Мазкур ҳужжатда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар маҳсулот таннархига киритилмасдан, балки хўжалик юритувчи субъектнинг бевоcита молиявий натижалари ҳисобидан қопланувчи «давр харажатлари» сифатида акс эттирилиши белгиланган.

Низомда «Давр харажатлари» тушунчасининг иқтисодий мазмунига қуйидагича таъриф берилган. Яъни: «Давр харажатлари деганда, бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ва сарфлар тушунилади: бошқарув харажатлари, маҳсулотни сотиш харажатлари ва умумхўжалик аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар»¹.

Юқориди келтирилган таърифдан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда соҳага тегишли бугунги кундаги аксарият замонавий адабиётларда ҳам «Давр харажатлари»га Низомда келтирилган тартиб асосида тушунча беришга кенг ёндашилган. Жумладан, мазкур низом хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат бюджети ўртасидаги молиявий муносабатларни тартибга солиб турувчи солиқ манфаатлари остида ишлаб чиқилганлигини назарда тутсак, у ҳолда, «Давр харажатлари»га фақатгина молиявий нуқтаи назардан эътибор қаратилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ваҳоланки, хўжалик юритувчи субъектнинг узлуксиз фаолият юритиши, ҳаттоки, фаолият тўхтатилган ҳолатда, мулк тўлиқ тугатилгунга қадар ёки фаолият қайта ташкиллаштирилгунгача, ўз функцияларини доимий бажариб бориши билан боғлиқ барча сарфлар «Давр харажатлари»да мужассамлашади. Бу ҳақда халқаро аҳамиятга эга ҳуқуқий ҳужжат, «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари»да ҳам алоҳида фикр юритилган².

Демак, «Давр харажатлари» маҳсулот таннархига қўшилмасдан молиявий натижалар ҳисобидан қоплансада, асосий муҳим масала ҳисобланган хўжаликнинг узлуксиз функционал фаолиятини таъминлайди. Шунинг учун ҳам, рақобатга асосланган бозор иқтисодиёти шароитида доимий фаолият юритиш муҳим аҳамият касб этишини назарда тутган ҳолда, фикримизча, тегишли ҳуқуқий ҳужжатларда «Давр харажатлари»га берилган таърифларда унинг мазмун-моҳиятини тўлалигича ёритиш катта аҳамиятга эга. Чунки, ҳуқуқий ҳужжатлар заминида, истеъмолчилари кўпчиликни ташкил қилувчи мутахассислик илмий адабиётлари яратилишини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

¹ «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомдан.

² О. Николаева, Т. Шишкова. *Международные стандарты финансовой отчетности*. -М.: «УРСС», 259 стр. 43-, 59- с.

ЭТАП ОЦЕНКИ РЕЗУЛЬТАТОВ ПРИ ПРИМЕНЕНИИ ВЕРОЯТНОСТНО ПРОПОРЦИОНАЛЬНОЙ РАЗМЕРУ ВЫБОРКИ

Если с одной стороны, атрибутивная выборка посредством атрибутов, направлена на документарную проверку системы внутреннего контроля и в результате подготавливается заключение в количестве документарных ошибок. А с другой стороны, вариационная выборка посредством статистического инструментария обеспечивает проверку верности стоимостного содержания финансовой отчетности (проверка на действительность) и в качестве заключения предоставляет общую аудиторскую оценку в стоимостном выражении.

То вероятностно-пропорциональная размеру выборка представляет собой модифицированное атрибутивное выборочное исследование, использующее статистический инструментарий вариационной выборки и проявляется как в рассмотрении в качестве элемента выборки не документов совокупности, а их стоимостного значения, так и в подготовке заключения о совокупности в стоимостном выражении.

Преимущества вероятностно пропорциональной размеру выборки является следующее:

1. Автоматическая стратификация совокупности. Даже по названию вероятностно-пропорциональная размеру выборка, элементы с большей стоимостным значением будут иметь пропорционально большую вероятность быть отобранным в выборку;
2. Более удобная по сравнению с классической вариационной выборкой система подсчёта на этапах осуществления проверки;
3. Меньший размер выборки по сравнению с классической вариационной выборкой, в случаях отсутствия или наличия малого количества ошибок в совокупности.

Недостатки вероятно пропорциональной размеру выборки является следующее:

1. Уровень ошибок совокупности не должно превышать 10% от объема совокупности;
2. Минимальный размер совокупности 2.000 ед.
3. Значение ошибки по каждому элементу не должно превышать бухгалтерского значения элемента.

4. Относительно низкая вероятность отбора элементов с ошибкой в качестве недостачи, в связи с уменьшением реального значения.

5. Большой размер выборки по сравнению с классической вариационной выборкой, в случаях наличия большого количества ошибок в совокупности.

Этапы осуществления вероятностно пропорциональной размеру выборки идентичны в атрибутивной и вариационной моделям выборочного исследования. Основные различия проявляются на этапах расчёта начального размера выборки и оценки результатов.

Одним из этапов оценки результатов является определение уровня отклонений.

Каждое выявленное отклонение является предметом для подсчёта коэффициента отклонения (t) равного отношению суммы отклонения элемента к бухгалтерскому значению элемента.


$$t = \frac{\text{сумма}_\text{ ошибки}_\text{ по}_\text{ элементу}}{\text{бухгалтерское}_\text{ значение}_\text{ элемента}}$$

При этом подсчитывается коэффициент отклонения для каждой ошибки (т.е. t_1, t_2, \dots, t_n).

Далее, осуществляется упорядочение всех значений (t) по уменьшению значений, т.е. самому большому значению коэффициента придается порядковый номер 1 (t_1), следующему по значению порядковый номер 2 (t_2) и т.д.

- Вторым этапом является определение достигнутого верхнего предела точности.

Для каждого количества выявленных отклонений подсчитывается определенный уровень достигнутого верхнего предела точности при разных степенях риска.



Так на пересечении строки количества ошибок (предположим 2 отклонения) и уровня риска (предположим 10%), аудитор получает уровень ДВПТ в размере 5,4.

Следующий этап – это определение базового предела ошибки.

Независимо от наличия отклонений в совокупности аудитор осуществляет подсчёт базового предела ошибки, свидетельствующего о величине максимально возможного уровня допустимой ошибки для данной совокупности.

$$\text{базовый_предел} = \text{бухгалтерское_значение_совокупности} * \frac{\text{ВПТ}}{n} * t_0$$

Определение поправок к базовому пределу для каждой из выявленной ошибок.

При наличии ошибок в совокупности аудитор должен осуществить подсчёт величин поправок к базовому пределу ошибок.

Определение максимального стоимостного значения ошибки;

Для достижения общего заключения аудитор сравнивает рассчитанное максимальное стоимостное отклонение для совокупности с величиной уровня допустимого отклонения, определенного на стадии планирования.

При этом если величина максимального отклонения меньше допустимого уровня ошибки, то аудитор может считать бухгалтерское значение совокупности правильным. Если же максимальное отклонение выше допустимого уровня ошибки тогда аудитор отклоняет бухгалтерское значение совокупности.

З.Ю. Усманова — БМА аспиранти

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАРИГА ИШ ҲАҚИ ҲИСОБЛАШ ВА ТЎЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси томонидан маориф соҳасига, айниқса, унинг асоси бўлган – умумий таълим тизимига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу тизимда болалар билан ўқув-тарбиявий ишларни амалга оширувчиларнинг асосий қисми – бу ўқитувчилар бўлиб, уларнинг республикамиз бўйича сони тахминан 450 мингга яқин. Ўқитувчилар сони халқ таълими ишчи ходимла-

рининг 45 фоизга яқин қисмини ташкил қилиб, уларга иш ҳақларини тўлаш харажатлар улуши халқ таълими бўйича жами бюджет маблағларига нисбатан 45-48 фоиздир. Ўқитувчилар меҳнатларига иш ҳақи ҳисоблаш ва тўлаш тизимини таҳлил қилсак, ундаги мавжуд баъзи муаммолар ҳақи ўз ечимини топгани йўқлигига амин бўламиз. Булардан энг асосийси – иш ҳақи миқдорларининг олиб борилаётган ўқув-тарбиявий ишлар натижасига боғлиқ ҳолда белгиланмаслигидир.

Албатта, ўтган 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб тажриба тариқасида касб маҳорати, юқори самарадорлик ва ўқитиш сифати учун ойлик иш ҳақига нисбатан 25 фоизгача миқдорда ҳамда тарбиявий, синфдан ташқари ишлар олиб борилганлиги учун 15 фоизгача миқдорда жорий қилинган устамалар ўқитувчиларнинг ўз меҳнатлари натижасидан манфаатдорликларини оширди. Лекин, ушбу тажриба фақатгина 2004-2005 ўқув йили учун татбиқ қилинганлигини ҳисобга олсак, келажакда ўқитувчилар иш ҳақи миқдорини уларнинг меҳнати натижасига боғлиқ ҳолда, белгиланишини кўзда тутувчи ягона ва барқарор тизим зарур бўлади.

Шу билан бирга, ҳозирда амал қилаётган Ягона тариф сеткасига асосланган иш ҳақи миқдорини ҳисоблаш тизими ўқитувчилар ойлик иш ҳақиларини ҳисоблашда турли қўшимчалар мавжудлиги туфайли бирмунча қийинчиликлар келтириб чиқармоқда. Масалан, 1-тоифали I ставка юкламага эга бўлган бошланғич синф ўқитувчисига ойлик иш ҳақи миқдори Ягона тариф сеткаси бўйича 11-тоифада яъни 39567 сўм миқдорида белгиланиб, унга бундан ташқари 20% қўшимча, яъни 7913 сўм ҳамда у агар педагог маълумотига эга бўлса, яна 4500 сўм миқдорида қўшимча қўшилиб, 51980 сўм иш ҳақи белгиланади. Шу билан бирга, ўқитувчига ўқув-тарбиявий жараёнда белгиланган талабларга нисбатан қўшимча натижаларга эришгани учун асосий иш ҳақисига нисбатан яна 5 фоиздан 40 фоизгача устама белгиланиши мумкин. Ушбу ҳисоб-китоб тизими ниҳоятда мураккаблиги учун махсус билимга эга бўлмаган шахслар орасида тушунмовчиликларга олиб келиши ҳамда кўп ҳолатларда ўқитувчилар ойлик иш ҳақи миқдорларини амалдаги қонунчиликда белгиланганига нисбатан кўп ёки кам ҳисобланишига, натижада бюджет маблағларининг сарфланишида тартибсизликлар ва ҳисоб-китобларнинг чалқашувига сабаб бўлиши мумкин.

Чет эл амалиёти тажрибаси кўрсатмоқдаки, ушбу вазифани халқ таълими тизимига иш ҳақи тўлаш бўйича гармоқ сеткасини

ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали ҳал этиш имконияти мавжуд. Ушбу тизим юқорида кўрсатиб ўтилган ноқулайликларга барҳам бериш билан бир қаторда, ўқитувчиларнинг олиб бораётган ўқув-тарбиявий ишларининг натижадорлигига асосланган бўлса, янада мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Эшнаев Б. — БМА аспиранти

БОШҚАРУВ ҲИСОБИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ

1. Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати бозор талабларига мос бўлиши керак. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор берилмоқда, унинг усул ва шакллари халқаро стандартларга мослаштирилмоқда.

Мамлакатимиз жаҳон бозори миқёсига чиқиб, халқаро битимлар имзолаш ҳуқуқини қўлга киритди, лекин битим ва шартномаларни имзолашда чет элдаги фирма ёки компаниянинг ҳолати, молиявий ҳолати, пул маблағлари ва тўлов қобилиятини билмасдан туриб, улар билан битимлар тузиш келгусида корхоналар фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли корхона ва ташкилотларда чет элдаги каби молиявий ҳисоб, бошқарув ҳисоби ва аудиторлик хизматларини ўрганиш зарурияти келиб чиқади. Ишлаб чиқаришга қилинган харажатларни тўғри белгилаш мақсадга мувофиқ сарфлашни бухгалтерия ҳисобида, айниқса бошқарув ҳисобида муҳим аҳамиятга эгадир.

2. Бошқарув ҳисобига янгича ёндашиш ва уни такомиллаштиришга интилиш маҳсулот таннархини калкуляция қилиш ва ҳисобга олишнинг янги усуллари пайдо бўлиши ҳамда ривожланишига олиб келди. Бозор иқтисодиёти шароитида харажатлар ҳисобининг маъсулият марказлари бўйича, «Директ-костинг» тизими асосида ташкил этилиши каби янги ҳисоб усулларини кўллашни тақозо этади.

Ҳозирги пайта «Директ-костинг» ва бошқа илғор усуллар тизимларидан ташқари харажатлар ҳисоби ва назорати маъсулият марказлари бўйича ҳисобни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Қисқа муддат ичида у ёки бу маъмуриятчиларнинг ишини баҳолашда режадан четга чиқиш ҳолларини ку-

загиб бориш ғояси туғилди. Бу эса иқтисодчилар томонидан масъулият марказлари концепциясини шакллантиришга, яъни молия-хўжалик фаолияти натижалари учун алоҳида шахсларнинг масъулият даражасини белгилаш ғоясига олиб келди. Бошқарув ҳисобининг янги усулларини жорий қилиш «Директ-костинг» тизимини бойитиб, унинг ривожланишини янги босқичга кўтарди ва унинг тезкор равишда маълумот бериш даражасини оширди. Бу эса ўз навбатида бошқарув қарорларини қабул қилишда ўта муҳим эди. Ушбу усул саноат корхоналари амалиётига тез сингиб кетиб, ишлаб чиқаришни бошқаришда энг муҳим тизимлардан бирига айланишига замин яратди.

3. Чет эл тажрибасидан келиб чиқиб, «Харажатлар-ишлаб чиқариш-фойда» методидан фойдаланиш тавсия қилинди.

Ушбу методни қўллаш натижасида бухгалтерия ҳисоби ишлари анчагина энгиллаштирилади ва бухгалтерларга молиявий натижаларни аниқлаш учун маълумотлар доираси кенгайди.

Ушбу методнинг асосий афзалликлари қуйидагилардир:

— молиявий натижаларни аниқлаш учун маҳсулот таннархини аниқлаш шарт эмас, чунки «Фойда ва зарарлар» счётида харажатлар билан маҳсулот ишлаб чиқаришни таққослаш амалга оширилади. Натижада молиявий натижаларни аниқлаш жараёнлари оддийлашади;

— «Харажатлар-маҳсулот ишлаб чиқариш-фойда» методини қўллаш натижасида бир қаторли бухгалтерия ҳисоби счётлари тизимидан икки қаторли тизимга ўтиш зарурияти келиб чиқади. Бир қаторли бухгалтерия ҳисоби счётлар тизими бу амалиётда қўлланилиб келинаётган счётлар режаси бўлиб, бунда, ҳамма счётлар баланс тузишда иштирок этади. Икки қаторли счётлар тизими счётларни икки қаторга ажратади: а) баланс счётлари, яъни, баланс тузишда иштирок этувчи счётлар; б) операцион, «Харажатлар-маҳсулот ишлаб чиқариш-фойда» методи бўйича молиявий натижаларни аниқлашда қўлланиладиган ва бошқарув бухгалтериясида фойдаланиладиган счётлар режаси.

Бизнинг фикримизча, корхонанинг ҳисоб сиёсати аввал му-тахассислар, маъмурият ва таъсисчилар ўртасида муҳокама қилиниб, сўнг тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши зарур. Унинг зарурати шу билан ифодаланадигани, ҳисоб на-фақат корхонада бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ташкил қилишга, балки корхонанинг молиявий фаолиятига, маб-

лағлардан оқилона фойдаланиш, бошқарув қарорларини корхона фойдасига тезкор қабул қилиш ва бошқаларга бевосита таъсир кўрсатади. Умуман олганда, хўжалик субъектлари томонидан ҳисоб сиёсатининг услубий, техник ва ташкилий томонлари муҳокама қилиниши, корхона ҳисоб сиёсати қоидалари ва тамойилларини тўғри қўлланиш имкониятини беради.

Э.Т. Шодиев — ТДИУ аспиранти

КОРХОНАЛАРДА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТА ОЛДИ-СОТДИСИ БЎЙИЧА ОПЕРАЦИЯЛАР ҲИСОБИНИНГ ТАШКИЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Корхоналар ички бозордан хорижий валюталар хариди ва сотилиши бўйича операцияларни ваколатли банклар орқали амалга оширадилар.

Резидент-корхоналар томонидан Ўзбекистон Республикаси ички валюта бозоридан харид қилинган хорижий валюта тўлиқ ҳажмда уларнинг ваколатли банкдаги жорий валюта счётига қирим қилинади.

Ваколатли банклар капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларини корxonанинг топшириғига кўра фақатгина Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мазкур операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган охириги рұхсатномаси мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширишлари мумкин. Бунда корхона ваколатли банкда ҳисоб-китобларда фойдаланиладиган валюталар (АҚШ доллари, ЕВРО ва ҳ.к) турлари бўйича ҳамда хорижий валютадаги асосий тўлов валютаси (масалан, АҚШ доллари)да бир неча валюта счётларини очиши мумкин.

Корхона банкдан ҳар бир валюта тури бўйича очилган валюта счётларидан кўчирма олади. Асосий тўлов валютасида валюта счёти очилган ҳолатда эса, ваколатли банк томонидан фақат асосий валюта счёти бўйича кўчирма берилади. Бунда бошқа валюталардаги тушумлар ёки тўловларни банк мустақил равишда асосий валютага конвертация қилиб бухгалтерия ҳисобини юритади.

Транзит валюта счёти корхонага интеллектуал мулк, товар (иш, хизмат)лар экспорти учун норезидентларнинг тўловларидан тушган валюта тушумлари қисмини мажбурий сотишни амалга ошириш учун очилади.

Валюта тушумини мажбурий сотиш учун корхона банкка сотилаётган тушум суммасига нисбатан комиссия (воситачилик ҳақи) ва шунингдек, банклараро валюта биржасига тўланадиган мукофотларни тўлаб беради. Қолган валюта тушуми транзит валюта счётидан жорий валюта счётига ўтказилади.

Ваколатли банк транзит валюта счётида турган маблағларга фоизлар ҳисобламайди. Фақатгина жорий валюта счётига шартномада кўрсатилган бўлса, фоизлар ҳисоблаши ва тўлаб бериши мумкин.

Хориждаги валюта счётининг очилиши капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларига тааллуқли ҳисобланади ва бевосита Марказий банк томонидан назорат қилинади.

Махсус транзит валюта счёти ваколатли банк томонидан резидент иштирокисиз резидентнинг сўмга валюта бозоридан хорижий валютани харид қилиш операциялари ва уларни қайта сотиш операцияларини ҳисобга олиш мақсадида очилади.

Ташкилот махсус транзит валюта счётидан жорий валюта операцияларини ва капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларини Марказий банкнинг лицензиясига асосан амалга ошириши мумкин.

З.А. Умаров -- ТДИУ аспиранти

ТИЖОРАТ БАНКИ ФОЙДАСИНИНГ ҲИСОБИ

Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби Марказий банк томонидан чиқарилган йўриқнома, тартиблар ва низомлар ҳамда амалдаги қонунчиликка асосан ташкил этилади. Бунга асосан, барча тижорат банклари бир хил бухгалтерия ҳисоби юритади, шунингдек, ўзлари ишлаб чиққан ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисоби ташкил этиш асоси ҳисобланади.

Тижорат банкларида якуний молиявий натижа, яъни фойда ёки зарар ҳисобот йилининг охирида ўсиб бориш тартибида даромадлар ва харажатлар ҳисобварақларини ёпиш орқали аниқланади. Банкларда икки хил: тақсимланмаган фойда ва соф фойда фарқланади. Буларни ҳисобга олиш учун ҳисобварақлар режасининг «Капитал» бўлимида 31203-Тақсимланмаган фойда, 31206- Соф фойда(зарар) баланс ҳисобварақларидан фойдаланилади. Иккала ҳисобварақ ҳам мазмун жиҳатидан актив-пассив ҳисобварақдир, уларнинг дебитида ҳам, кредитида ҳам қолдиқ ҳосил бўлиши мумкин.

Ҳисобварақнинг дебетида қолдиқ ҳосил бўлганда банк фаолияти зарар билан якунланади, кредитда қолдиқ ҳосил бўлса, банк фойда кўрган бўлади.

31206- Соф фойда(зарар) баланс ҳисобварағининг кредитида ҳисобот йилида банк томонидан олинган фойда, нотўғри эълон қилинган ва қайтарилган дивидентлар ҳамда «Тақсимланмаган фойда» ҳисобварағига ўтказиладиган зарарлар суммаси акс эттирилади. Ҳисобварақнинг дебетида эса, тўланадиган дивидентлар, захира капиталига ўтказиладиган сумма, ҳисобот йилида кўрилган зарар ҳамда «Тақсимланмаган фойда» ҳисобварағига ўтказиладиган фойда суммаси акс эттирилади. Даромадлар ва харажатлар ҳисобварақлари ҳисобот йили охирида ёпилаётганда қуйидаги бухгалтерия проводкалари бажарилади:

Дебет 40000-Даромадлар;

Кредит 31206-Соф фойда(зарар);
ҳамда

Дебет 31206-Соф фойда(зарар);

Кредит 50000-Харажатлар.

Банк фойдасини тақсимлаш меъёрий ҳужжатлар ҳамда банк таъсис ҳужжатларига асосан ўтказилади. Бунда банк фойдасидан турли хил захира фондлари, махсус фондлар яратилади, дивидентлар ва солиқлар тўланади.

Банк томонидан ҳисобот йилида олган фойдасининг тақсимланмай қолган қисми ёки кўрган зарари 31206 баланс ҳисобварағидан 31203- Тақсимланмаган фойда ҳисобварағига ўтказилади. Ушбу ҳисобварақда жорий ва ўтган йилларда тақсимланмай қолган фойда(зарар), ҳар хил фондлар учун ажратмалар, эълон қилинган дивидентлар суммаси ва банк фойдаси ҳисобидан амалга ошириладиган бошқа чора-тадбирлар суммаси акс эттирилади.

Юқорида кўриб ўтилган ҳисобварақлар бўйича аналитик ҳисоб шахсий ҳисобварақларда юритилади.

Бизнингча, якуний молиявий натижани ҳисобот йили якуни бўйича аниқлаш айрим масалаларни ҳал қилишда ижобий натижа бермайди. Шунинг учун тижорат банкларига уларнинг фаолият кўламига қараб молиявий натижани ой, чорак ёки йил охирида аниқлашга рухсат берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

И.Ф. Егорычева — Международная Неправительственная Организация «Германская Агрария» Директор Ташкентского представительства

ПРОБЛЕМЫ И ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬНОЙ БАЗЫ ДЛЯ НЕПРАВИТЕЛЬСТВЕННЫХ, НЕКОММЕРЧЕСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ

Неправительственные Некоммерческие Организации (ННО) — явление для Узбекистана сравнительно новое. Первые из них возникли в нашей независимой Республике в 1991 году, тогда как в западных странах такая организационная форма официально отсчитывает свое начало с 17 века. По оценке Urban Institute, Washington, D.C., в 2002 году в США действовало 1,6 миллионов организаций в «non-profit» секторе.

Новая форма хозяйствования требует нового подхода к организации своей деятельности и не только регистрации хозяйствующего субъекта, как юридического лица, но и организации бухгалтерского учета и отчетности, которая по сути отражает финансовое здоровье организации, его прозрачность для любого заинтересованного пользователя финансовой информации. Какими бы благородными не были цели организации, осуществить задуманное можно только при хорошей финансовой стратегии, знании законодательных актов и умении их применить. Именно грамотная организация бухгалтерского учета в такой организации позволит использовать активы строго по их целевому назначению.

Проблема состоит в том, что в настоящее время еще не существует специальной системы нормативно-правового регулирования бухгалтерского учета для ННО.

14 апреля 1999 года был принят Закон Республики Узбекистан №763-1 «О негосударственных некоммерческих организациях», регулирующий деятельность ННО на территории Республики, в котором определен правовой статус, порядок регистрации, права и обязанности ННО.

В остальном существуют либо разрозненные законодательные (нормативные-правовые) акты, либо некоммерческие организации руководствуются нормами общими для всех юридических лиц. В связи с этим работникам ННО приходится по-

рой принимать непростые решения, «подгонять» свою отчетность под существующую законодательную и нормативную базу. Это не решает полностью проблемы учета в ННО, так как не отражает специфики и допускает интерпритацию существующего законодательства.

А ведь речь идет о гуманитарных проектах, проектах технической помощи, направленных на развитие нашей республики, о строго целевом и адресном назначении социальных программ.

Отдельными изданиями таких организаций как Ассоциации Бухгалтеров и Аудиторов РУ, международных фондов (таких, как программа IREX, фонд Know-How, Институт Открытое Общество Узбекистан, Каунтерпарт Консорциум, МЦНП и др.) выпускаются методические пособия, раскрывающие ряд общих вопросов по образованию и деятельности ННО, организации бухгалтерского учета, финансовой отчетности, налоговых обязательств и т.д. Это очень кропотливый труд, так как приходится делать тематические выборки нормативно-правовых требований, которые закреплены в разрозненных нормативно-правовых актах, принятых в разные годы на разных стадиях реформ в нашей стране. В то же самое время данные издания быстро «устаревают», в связи с интенсивным развитием правовой базы, существенными изменениями правовых норм, законодательных актов.

Система ННО в нашей стране формируется довольно быстрыми темпами, количество их постоянно увеличивается, также расширяется многообразие их деятельности. ННО по праву занимают место партнера государства в решении социальных проблем. И государство в свою очередь стимулирует развитие «третьего сектора» предоставлением целого ряда льгот для некоммерческих организаций.

Все это требует серьезного отношения к вопросам учета, создания специального «финансового языка» для некоммерческих организаций, который обеспечит прозрачность (transperency) финансовой отчетности ННО.

Можно с уверенностью сказать, что уже существуют предпосылки необходимости совершенствования законодательства, создания новых стандартов для некоммерческих организаций.

Если обратиться к практике развитых демократических стран с многовековыми традициями филантропии и меценатства, как, например, Соединенные Штаты, видно что учету в

некоммерческих структурах уделяется очень большое внимание.

Во-первых, существует единая финансовая отчетность для государственных (бюджетных) структур и некоммерческих организаций.

Во-вторых, существуют дополнительные стандарты GAAP (общепринятые бухгалтерские принципы), специально разработанные для not-for-profit организаций, такие как:

SFAS 93 - Depreciation

SFAS 116 - Contribution

SFAS 117 - Not-for-Profit Financial Statement

SFAS 124 - Investments

SFAS 136 - Transfer and Agency Transactions

В-третьих, существует огромное количество специальной литературы, периодических изданий (например, ежегодно обновляемое издание GAAP for Non-Profit — общепринятые бухгалтерские принципы для некоммерческих организаций).

Считаю, что мы можем использовать опыт развитых стран, как модель для создания стандартов и дальнейшего совершенствования законодательства для неправительственных некоммерческих организаций в Узбекистане.

**С.Н. Ташназаров — Самарқанд
иқтисодиёт ва сервис институти
илмий тадқиқотчиси**

КОРХОНАЛАРДА ГУМОНЛИ ДЕБИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Олинадиган маблағлар бўйича гумонли қарзлар ҳисобини халқаро стандартлар талабларига уйғунлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Гумонли қарзлар — бу келиб тушиш эҳтимоли паст бўлган ёки бутунлай олиш мумкин бўлмаган қарзлардир.

Ушбу ҳисоб жараёнлари халқаро тажрибада қабул қилинган тартибдан айрим жиҳатлари билан фарқ қилади.

Биринчидан, гумонли қарзлар ҳисоби маълум бир захира (резерв)лар яратиш ва улар ҳисобидан қоплашга асосланмасдан, балки дебиторлик қарзларини соф қийматда баҳолаш мақсадида мавжуд дебиторлик қарзларининг қанча қисми гумонли эканлигини баҳолашга асосланиши лозим. Бошқача

қилиб айтганда, гумонли қарзлар бўйича резерв сальдоси мавжуд дебиторлик қарзларининг гумонли деб баҳоланган суммасини тавсифлаши лозим.

Иккинчидан, захираларнинг фойдаланилмай қолган қисми захира ташкил қилинган ҳисобот давридан кейинги даврда бошқа операцион даромад сифатида қайд қилиниши кўрсатилган. Натижада, харажат ҳисобидан яратилган захира кейинги йилда операцион даромадга айланаяпти. Бизнингча, харажатларни захирага ва сўнгра уни операцион даромадга айлантириш бухгалтерия ҳисоби тамойилларига мос келмайди.

Учинчидан, гумонли деб тан олинган ва ҳисобдан чиқарилган суммалар вақт ўтиши билан дебиторлар томонидан қайтарилган ҳолларда бухгалтерия счётларида акс эттириш тартиби етарли даражада очиб берилмаган.

Хориж тажрибасида¹ гумонли қарзларни баҳолашда икки усулдан кенг фойдаланилади: 1) реализацияга нисбатан фоизларда ҳисоблаш усули; 2) олинadиган счётларга нисбатан фоизларда ҳисоблаш усули.

Биринчи усулда ҳисобот даврида кредит сотиш (кейинчалик тўлаш шарти билан сотилган товарлар) ҳажмига нисбатан гумонли қарзлар суммаси баҳоланади. Агар 100%лик олдиндан тўловлар ёки нақд пулга сотиш ҳажми катта бўлмайдиган бўлса, базис сифатида соф реализация ҳажми кўрсаткичи олиниши мумкин. Гумонли қарзларнинг баҳоланадиган суммасини (ГҚБС) қуйидаги формула орқали аниқлаш мумкин:

$$\text{ГҚБС} = \text{КС} (\text{ёки СР}) \times \text{ГҚБФ},$$

бу ерда, КС – ҳисобот даврида кредит сотиш (кейинчалик тўлаш шарти билан сотилган товар (маҳсулот, иш ва хизматлар) ҳажми;

СР – соф реализация ҳажми;

ГҚБФ – гумонли қарзларни баҳолаш фоизи.

Иккинчи усулда гумонли қарзларнинг баҳоланадиган суммаси ҳисобот даврининг охирида юзага келган олинadиган счётлар бўйича қарз суммасига нисбатан ҳисобланади. Бунда умумий фоиз ёки ҳар бир категориядаги дебиторлар учун алоҳида фоизлар белгиланиши мумкин. Ушбу усулда гумонли

¹ Hermanson, Roger H. Accounting: a business perspective /Roger H. Hermanson, James Don Edwards, Michael W. Maher. –6th ed. 1995. 332-334 p; Larson, Kermit D. Financial accounting/ Kermit D. Larson, Paul B. W. Miller. –6th ed. 1995. 271 p.

қарзларнинг баҳоланадиган суммасини (ГҚБС) қуйидаги формула билан аниқлаш тавсия этилади:

$$\text{ГҚБС} = (\text{ХДООСҚ} \times \text{ГҚБФ}) - \text{ГҚРКҚ ёки} + \text{ГҚРДҚ}$$

бу ерда, ХДООСҚ – ҳисобот даврининг охирида олинадиган счётлар бўйича қолдиқ;

ГҚБФ – гумонли дебиторлик қарзларини баҳолаш фоизи;

ГҚРКҚ – баҳоланган сумма аниқлангунга қадар гумонли дебиторлик қарзлари бўйича резервнинг кредит қолдиғи;

ГҚРДҚ – баҳоланган сумма аниқлангунга қадар гумонли дебиторлик қарзлари бўйича резервнинг дебет қолдиғи.

Демак, юқорида келтирилганлардан хулоса қилишимиз мумкинки, гумонли қарзлар резерви сальдоси фойдаланилмай қолган резерв суммаси сифатида эмас, балки мавжуд дебиторлик қарзларига нисбатан баҳоланган гумонли қарзлар суммасини тавсифлайдиган сумма сифатида намаён бўлади.

Гумонли дебиторлик қарзларини бухгалтерия счётларида ва бухгалтерия ҳисоботида акс эттирилиши бўйича таклиф қилинаётган услубий тартиб бухгалтерия ҳисоби тамойиллари талабларига тўлиқ жавоб беради.

М.Д. Шоназаров – БМА тингловчиси

ХАЛҚАРО АУДИТ СТАНДАРТЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АМАЛИЁТИГА ТАДБИҚ ЭТИШ

Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигига хорижий инвестицияларни кириб келиши ҳисоб ва аудит тизимини такомиллаштиришни, шу билан бирга, мамлакатимизнинг турли халқаро ташкилотлар билан фаол алоқалар ўрнатиши, жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиши жараёнида, иқтисодий кўрсаткичларни халқаро мезонларга таққослаши, аудитни услубий тамойилларини, жаҳон амалиётида қабул қилинган стандартларнинг талабларига жавоб беришини таъминлашни талаб этмоқда.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, корхонанинг молиявий фаолиятига тўла баҳо берувчи махсус маълумотлар кенг оммага тушунарли ҳолда, чоп этиб борилиши лозим. Шу билан бирга, молиявий ҳисоботнинг ҳақонийлиги ҳолис аудиторлар томонидан текширилиши ва тасдиқланиши талаб қилинади. Аудиторлар молиявий ҳисоботнинг

ҳаққонийлигини текширишни халқаро аудит стандартлари асосида олиб боради.

Халқаро аудит стандартларининг моҳияти, аудиторлик фаолиятини бутун жаҳон бўйлаб стандартлаштиришдир. Шу боис, халқаро аудит стандартлари талабларига мувофиқ равишда, миллий аудиторлик стандартларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга татбиқ қилиш борасида, халқаро аудит стандартларидан 210-ХАС «Аудитни ўтказиш тўғрисида келишув» номли стандартни, республика амалиётида амал қилиб келаётган қонун-қоидаларни инобатга олган ҳолда, «Шартномада келишган аудиторлик назоратини ўтказиш» номли миллий аудиторлик стандартини ишлаб чиқиш мумкин. Миллий стандартни ишлаб чиқишдан асосий мақсад, аудитор ва мижоз ўртасидаги, келишув шартномасини меъёрий ҳужжатлар асосида стандартлаштиришдир.

Қуйида халқаро аудит стандарти талабларига мувофиқ равишда ва уларнинг меъёрларидан четга чиқмаган ҳолда, миллий аудиторлик стандартини ишлаб чиқиш, Ўзбекистан Республикасининг Фуқаролик Кодексининг 9-боб «Битимлар тушунчаси, турлари ва шакли», 26-боб «Шартнома тушунчаси ва шартлари» тегишли моддаларини инобатга олган ҳолда, ишлаб чиқиш лозим.

210-ХАС «Аудитни ўтказиш тўғрисида келишув» халқаро аудит стандартининг мақсади — аудитор ва мижоз ўртасидаги аудит ўтказиш тўғрисидаги келишув хатини тузишни стандартлаштиришдир.

Стандарт талабига биноан келишув хати қуйдагича акс эттирилади:

1. Аудитор ва мижоз ўртасида аудит ўтказиш шarti тўғрисида келишиши ва келишилган аудитнинг шarti ҳақида ёзма ҳужжатлаштириши керак. Мижоз билан аудитор ўртасидаги аудит ўтказиш тўғрисидаги хат ёки бошқа шартнома ҳужжатларини ёзма шаклда ҳужжатлаштириш лозим.

2. Аудит стандарти, аудитор учун аудит ўтказиш ҳақида келишув хатини таёрлашда ёрдам беради. Агар аудиторлик фирма, аудитга турдош хизматлар кўрсатса, масалан, консалтинг, солиқ ва солиққа тортиш, бухгалтерия ёки ҳисоб-китоб амалиётига кўра, икки томонга мақбул келадиган келишув шартномалари амалга оширилади.

3. Бир қанча мамлакатларда аудит мақсади ва унинг ҳажми ҳамда аудиторнинг мажбурияти тўғрисида қонунлар асосида

белгилаб қўйилган. Шундай ҳолларда ҳам халқаро аудит стандарти, аудит ўтказиш тўғрисида келишув хати, аудит текширувини бошлаш учун, аудитор ва мижоз ўртасидаги ўзаро келишувга аниқлик киритади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, мижоз билан аудитор ўртасидаги аудит ўтказиш тўғрисида келишув шартномаси, аудитор ва мижоз учун аудит ўтказишни ташкил қилиш шартини олдиндан белгилайди. Бу эса, аудит жараёнида ҳар хил тушунмовчиликларнинг олдини олиш, аудит рискинни камайтириш, олдиндан аудит режасини тузиш, мижознинг ички назорат фаолиятига етарлича баҳо беришда ёрдам беради.

М. Жуманиязов — БМА тингловчиси

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ҳар бир тижорат банки молиявий ҳисоботлар орқали ўз фаолиятини ўзи назорат қилиб бормоғи лозим. Тижорат банклари активларининг қиймати ва улардан олинadиган фойда ўзгариб туриши мумкин. Активлар баҳосининг ва улар бўйича олинadиган фойда миқдорининг камайиши активлар бўйича рисклар салмоғини ошишига олиб келади. Бу масалани активларни тўғри диверсификация қилиш йўли билан ҳал этиш мумкин. Чунки, баъзи бир активлар бўйича улар қийматининг пасайиши бошқа активлар қийматининг ўсиши билан қопланиши ва натижада банк активларининг умумий қийматларини сақлаб қолиши имкониятига эга бўлиши мумкин. Банк активлари қийматини тўғри ҳисоблаш ва улардан келадиган даромадларни тўғри ҳисоб-китоб қилиб режалаштириш банк фаолиятининг самарадорлигига олиб келиши, активлар қийматини нотўғри ҳисоблаш, жойлаштириш банкнинг молиявий аҳволида қийинчиликлар туғдириши мумкин. Охириги йилларда банклар ўзларининг юқори эгилувчанликларини таъминлаш учун интеграл стратегияларга ўтмоқдалар.

Банк активларини такомиллаштириш даромад ва харажатлари ўртасидаги банк маржасини кўпайтириш ва сақлашда максимал ҳиссасини киритиши мумкин.

Банк активлари портфелини бошқаришда аниқ сифат стандартларига жавоб берувчи фойдали кредитлар беришга аҳамият қаратилиши керак, шундай кредитларни таъминлаш учун зарур

маблагларни жалб қилиш эса, иккинчи масаладир. Агар депозитлар ҳажми етарли бўлмаса, талаб этилаётган фондлар маълум даражада арзон манбадан жалб қилиниши керак.

Банк капиталининг қиймати фақат унинг даромадлилигидан эмас, балки унинг рисклилигига ҳам боғлиқдир. Банк бошқаруви учун рискларни бошқариш жуда муҳим масаладир.

Банкнинг янги маҳсулотларидан бири бўлган қимматли қоғозларнинг қарз шакли сифатидаги ролини ошираётган секьюритизация масаласига эътибор берилмоқда. Банк активларини секьюритизациялаш деганда, банкнинг берилган ссуданинг унинг тўлов муддати етгунга қадар янги кредиторга, ссудани сотиб олувчига сотиш ва уни ўз баланси ҳисобидан чиқариш тушунилади. Айни пайтда, асосий қарз суммасини ва унга доир фоизларни олиш ҳуқуқи ҳам ссудани сотиб олувчига ўтади. Банк ссудаларини сотиш уларни қимматли қоғозларга қайта расмийлаштириш йули билан амалга оширилади. Бунда ссудани қимматли қоғозлар эмитенти кредит таваккалчилигини ўз зиммасига олади. Сўнгра банк активларини секьюритизациялаш муносабати билан чиқарилган қимматли қоғозлар инвесторлар ўртасида жойлаштирилади. Айрим ҳолларда қимматли қоғозлар эмитент томонидан ташаббус билан чиққан банкка берилиши мумкин. Шундай қилиб, у кредит ва фоиз таваккалчиликларини бошқаради. Шунингдек, секьюритизациялаш жараёнида ташаббусчи банк баланс ликвидлигини оширади ва янги ссуда операциялари учун ресурсларни бўшатади. Ўзбекистан банклари учун секьюритизациялаш таваккалчиликни қарз олувчига ўтказиш мумкин бўлган эҳтиёж нуқтаи назаридан аҳамиятга эгадир.

О. Ҳолиев — БМА тингловчиси

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА СОЛИҚ ВА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ТЎЛОВЛАРНИ ҲИСОБЛАШИШЛАР АУДИТИ

1. Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистонда солиқ ва бюджетдан ташқари тўловлар бўйича ҳисоблашишлар аудити назарияси ва амалиёти бўйича фундаментал изланишлар олиб борилган бўлсада, уларда мазкур муаммолар тўлиғича қамраб олинмаган.

Бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар қанчалик тўғри ҳисобланса ва ўз вақтида тўловлар амалга оши-

рилса, мамлакат олдида турган иқтисодий ва ижтимоий вази-фаларни шунчалик тез ҳал этиш мумкин. Бу борада тижорат банкларида бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга қарздорлик бўйича тўловлар ҳисобини юритиш ва аудиторлик текширувидан ўтказиш муҳим аҳамиятга эга.

2. Аудитор солиқ ва бюджетдан ташқари тўловлар бўйича аудит текширувини ўтказиш жараёнида фоизли ва фоизсиз да-ромад ва харажатлар фойдани ишлатилишига ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзларни таҳлил қилишга алоҳида эътибор бе-риш лозим. Аудитор солиқлар, йиғимлар ва тўловлар турлари-ни аниқлаб олгандан сўнг тўлов жараёнларини кузатиш, бир-ламчи ҳужжат ва бухгалтерия регистрларини солиштириш каби усуллар орқали солиқ солинадиган базани тўғри аниқланганлиги тўловлар бўйича аналитик ҳисоб олиб бори-лишини, имтиёзларидан тўғри фойдаланганлигини, тўлов ҳужжатлари, солиқ декларациялари ва бошқа ҳужжатларни текшириш орқали тўловларнинг турлари бўйича ҳисобларни тўғри тузиш ва ўз вақтида солиқ ҳамда бошқа тегишли идора-ларга тақдим этилишини текширади.

3. Аудитор хўжалик субъектининг солиқ ва бюджетдан ташқари тўловлар бўйича ҳисоб-китобларини текширганда со-лиқ базаларининг тўғри аниқланганлигига; солиқ ва тўлов им-тиёзларининг тўғри қўлланилишига; солиқ ва тўловлар ставка-лари ва суммаларининг тўғрилигига; солиқ ва тўловларнинг муддатида ва тўлиқ бюджетга ўтказилганлигига; бюджет билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисобида тўғри юритилишига; тўловлар бўйича аналитик ҳисобнинг тўғри юритилишига; бюджетга тўловлар бўйича ҳисобот маълумотларнинг тўғрилиги ва асослигига эътибор бериши керак.

4. Ҳар бир аудиторлик текшируви вақт бўйича чегараланган экан, аудитор ҳар доим аудиторлик текшируви мақсадини тўғри ва аниқ белгилаши, текширув ўтказиш объектларини ха-тога йўл қўймасдан танлаб олиши, ўз ҳаракатларини аниқ ре-жалаштириш, самарали аудиторлик муолажаларини қўллаши ва ҳаққоний хулоса чиқариб бериш учун керакли бўлган далил-ларни тўплаши зарур.

Аудит текширувини муваффақиятли амалга оширишни қуйидаги уч асосий босқичга ажратиш мақсадга мувофиқ деб биламиз:

- аудиторлик текширувини режалаштириш;
- аудиторлик исботларни тўплаш;

— аудитни яқунлаш.

5. Аудитнинг самарадорлиги аввалом бор, унинг тўғри режалаштирилшинга бевосита боғлиқдир. Аудит ўтказишни режалаштириш 3-сонли «Аудитни режалаштириш» ва 9-сонли «Аудиторлик ҳисоботи ва хатари» миллий стандартлари асосида амалга оширилади.

6. Аудитор биринчи босқичда қуйидагиларни амалга оширади:

— миждоз билан биринчи бор танишиб чиқади;

— ўзаро мажбурият ва талабларни аниқлайди;

— муносабатларини шартнома ва мажбурият хати орқали расмийлаштиради;

— аудиторлик гуруҳи таркибини аниқлайди;

— миждознинг ички назорат тизими ва бухгалтерия ҳисобини ўрганиб чиқади ва баҳолайди;

— текширувнинг моддийлик даражасини ҳисоблаб чиқади;

— аудиторлик таваккалчиликни баҳолайди;

— аудитнинг умумий режаси ва дастурини тайёрлайди.

Аудитнинг асосий иккинчи босқичида одатда, аудитор аудиторлик муолажаларини амалга ошириш йўли орқали аудиторлик ҳисоботларини тўплаш билан шуғулланади. Аудиторлик муолажалар назорат воситаларини тестлаш, бухгалтерия ҳисобида айланмалар ва сальдо тўғри акс этилганлигини муфассал текшириш ҳамда таҳлилий муолажалардан иборат.

Яқунловчи учинчи босқичда аудитор қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

— ишчи ҳужжатлар тайёрлашни яқунлаш;

— миждоз ташкилот раҳбарияти номига аудит натижалари тўғрисида ёзма маълумот тайёрлаш;

— белгиланган шакл бўйича аудиторлик хулосасини тайёрлаш.

Аудиторлик текширувини юқорида қайд этилган босқичларга риоя қилган ҳолда ўтказиш, вақтни тежаш ҳамда аудит сифати ва савиясини оширишга олиб келади.

7. Солиқ ва бошқа бюджетдан ташқари тўловлар аудитини белгиланган муддатларда сифатли ва мазмунли ўтказиш учун намунавий аудит режаси ва намунавий аудит дастурини ишлаб чиқиш зарурияти келиб чиқади. Солиқ турларининг кўплиги, солиқ базалари ва ставкаларининг ўзгариб туришларини ҳамда солиқ сиёсатига оид меъёрномаларнинг кўплигини ҳисобга олган ҳолда, тижорат банкларида «Солиқлар ҳисоби ва ҳисоботи» бўйича шуғулланувчи алоҳида бухгалтер-экспертни белгиланишини зарур деб ҳисоблаймиз.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛИ

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида тижорат банкининг муваффақияти ва молиявий барқарорлиги унинг моҳирона бошқарилиши, молиявий таҳлил маълумотларига асосан, оқилона бошқарув қарорларни қабул қилишига боғлиқ.

Тижорат банклари молиявий таҳлилининг мақсади — банкининг молиявий ҳолати барқарорлигини ҳолис баҳолаш, фаолият самарадорлигини таҳлил этиш, ўтган даврда қабул қилинган қарорлар натижасидан келиб чиққан ҳолда, келгуси давр учун банкнинг муваффақиятли фаолияти учун режалар ишлаб чиқилишига асос яратишдан иборатдир.

Тижорат банкининг молиявий барқарорлиги фақат ушбу банкнинг ўзи учун эмас, балки бутун иқтисодий тизим учун ҳам муҳим ҳисобланади. Чунки, тижорат банкларининг ва банк тизимининг молиявий барқарорлиги мамлакат макроиқтисодий кўрсаткичларини барқарорлаштиради ва иқтисодий ўсишни таъминлайди.

Шунингдек, режали иқтисодиётдан фарқли ўлароқ, ҳозирги бозор шароитида банкларнинг молиявий ҳолати ва ишончилигини таҳлил этишга эҳтиёж банк бошқаруви ҳамда назорат органларидан ташқари яна ташқи фойдаланувчилар — банк акциядорлари, кредиторлари, мижозлар ва жамъатчилик учун ҳам аҳамиятлидир. Молиявий барқарор на ишончли банк тизими халқаро чет эллик ҳамкор мамлакатлар ва хорижий инвесторлар учун ҳам зарур бўлиб, чет эл капитални жалб қилиш ва хорижий инвестицион капитал орқали мамлакат халқ хўжалигини жаҳон иқтисодиётига интеграллашувида муҳим аҳамият касб этади.

Шу сабабли тижорат банки фаолиятини молиявий таҳлил қилиш бўйича тадқиқотларни кенгроқ олиб бориш, ахборот базасига асосан, уларнинг барқарорлиги ва ишончилигини аниқлаш, фаолият самарадорлигини ошириш ва келгуси фаолиятини режалаштиришда фойдаланувчилар учун қулай услубларни ишлаб чиқиш керак бўлади. Юқорида санаб ўтилган сабабларга кўра тижорат банклари молиявий таҳлилининг такомиллаштириш бўйича амалга ошириладиган ишларни қуйидаги йўналишларда олиб боришимиз лозим:

1) тижорат банкларида молиявий аналитик таҳлил хизмати-нинг вазифа ва тамойилларини аниқ белгилаш, улар тамонидан таҳлилнинг мақбул йўналишлари танлаб олиш орқали ахборот базасига асосан, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигига туташ бўлган тушунчалар ликвидлилик, ишончлилик кўрсаткичларини таҳлил этишда фойдаланувчилар учун қулай бўлган услублар ишлаб чиқиш ва уларни такомиллаштириш керак;

2) тижорат банклари томонидан ишлаб чиқилган ҳисоб сийёсатига асосан, фойдалиликни чуқурроқ таҳлил этиш мақсадида, хизмат турларини йўналишлар бўйича гуруҳлаштириш ва ҳар бир йўналиш фаолиятининг молиявий натижаси таҳлили ёки самарадорлигини аниқлаш бўйича таҳлил-ҳўжалик ҳисоб-китоби йўлга қўйилиши керак;

3) ташқи фойдаланувчиларга тижорат банкининг молиявий ҳолати бўйича тезкор таҳлилий маълумотларни етказиб беришда молиявий коэффициентлардан юқори фойдалиликка эга бўлган энг муҳимларини танлаб олиш (экспресс-таҳлил услуби) ва улардан самарали фойдаланиш керак.

Ф. Матексев — БМА тингловчиси

АУДИТНИНГ ИШ РЕЖАСИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

1. Аудитнинг иш режаси аудиторлик текширув ўтказишнинг муҳим аҳамиятга эга бўлган босқичи ҳисобланиб, аудиторлик ташкилоти томонидан ҳўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи тўғрисида холис ва асосли фикр шакллантирилиши учун зарур бўлган аудиторлик русум-қоидаларини амалга ошириш ҳажми, турлари ва изчиллигини белгилайдиган аудиторлик дастурини ишлаб чиқишдан иборат бўлади.

Аудитни режалаштириш қуйидаги хусусий қоидалар асосида ўтказилади:

1. Режалаштиришнинг комплекслилиги.
2. Режалаштиришнинг узлуксизлиги.
3. Режалаштиришнинг мақбуллиги.

Аудитни режалаштиришнинг комплекслилиги қоидаси бирламчи режалаштиришдан бошлаб аудитнинг умумий режаси ва дастурини тузишга қадар режалаштиришнинг барча

босқичларини ўзаро боғланган ва уйғун бўлиши таъминланишини тақозо этади.

Аудитни режалаштиришнинг узлуксизлиги қоидаси аудиторлар гуруҳига ўзаро боғланган топшириқларни белгилаш ва режалаштириш босқичларини муддатлар ҳамда хўжалик юритувчи турдош субъектлар (алоҳида балансга ажратилган таркибий бўлинмалар, филиаллар, ваколатхоналар, шўъба жамиятлар) бўйича балансда ўз ифодасини топади. Аудит даври узоқ вақтга режалаштирилганда хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолиятидаги ўзгаришларни ва оралиқ аудиторлик текширувлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда, аудитни ўтказиш режа дастурларига ўз вақтида тузатишлар киритиши керак бўлади.

Аудитни режалаштиришнинг мақбуллиги қоидаси шундан иборатки, режалаштириш жараёнида аудиторлик ташкилотининг ўзи белгилаган мезонлар асосида аудит умумий режаси ва дастурининг мақбул вариантини танлаш имконияти учун режалаштиришнинг вариантлилигини таъминлаши лозим.

2. Аудитни режалаштириш жараёнида аудиторлик ташкилоти қуйидаги асосий босқичлардан иборат бўлади:

1. Дастлабки режалаштириш.

2. Аудитнинг умумий режасини тайёрлаш ва тузиш.

3. Аудит дастурини тайёрлаш ва тузиш.

Дастлабки режалаштириш босқичида аудиторлик ташкилоти аудитни ўтказиш имкониятини баҳолайди. Агар аудиторлик ташкилоти аудитни ўтказишни мумкин деб ҳисобласа, у аудитни ўтказиш учун штатни шакллантиришга ўтади.

Ҳозирги вақтда кўпчилик аудиторлик ташкилотларида аудит иш режалари тузилмаганлиги сабабли аудиторлик фаолиятининг ривожланишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Аудит иш режаси ҳар бир аудитор, аудиторлик фирмаси ва ҳар бир ташкилот учун зарур бўлиб ҳисобланади, шу нуқтаи назардан аудит иш режаси мукамал ва пухта тузилиши лозим. Биз халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, аудит иш режасини қуйидагича олиб борилишини таклиф этамиз:

3. Аудит вазифаларини ҳал қилишда алоҳида босқичларни ажратиш лозим, яъни: тайёргарлик ишлари, вазифаларни бевосита ҳал қилиш, иш натижаларини умумлаштириш ва бошқарув қарорлари қабул қилиш.

Аудит хизматининг тайёргарлик жараёнида, режа билан бир қаторда аудиторлик муолажа (процедура)ларнинг турлари

ва вазифаларини ҳал қилиш ҳажмлари ҳамда кетма-кетлигини белгиловчи дастурлар ишлаб чиқилади.

Аудит хизмати томонидан филиалларни текшириш режаси мазкур хизматнинг йиллик умумий режасининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу режани тузишнинг таклиф этилаётган услуби тафтиш ва ташқи аудитни режалаштириш услубини таққослашга асосланади.

4. Режалаштириш жараёнидан тамомланганидан кейин қолган вақтни аудиторлик текширувининг бошқа босқичларини бажариш учун тақсимлаш талаб этилади ва у вақтни ҳисобга олиш жадвалида олиб борилади. Аудиторлик текширувини ўтказиш режасини тузишда олдинги тажриба, текшириладиган бўлимнинг ваколатлари ва функцияларининг мураккаблиги даражаси, ходимларнинг иш малакаси ва катта аудиторларнинг жалб қилиниш даражаси, ишларни бажариш ва ҳисобот тайёрлаш муддатларининг аҳамияти катта.

Шундай қилиб, аудитнинг иш режасини биз таклиф қилинганидек ташкил этиш, аудит иш режасига риоя этиш вақтидан самарали фойдаланиш муҳим элементи ҳисобланади. Аудитнинг ривожланишида аудитнинг иш режаси бошланғич ва сўнгги процедураларини ўз ичига олади. Демак, аудит ўтказиш жараёнида иш режага амал қилиб, босқичма-босқич иш олиб борилса, аудиторлик текширувларининг самарасини оширади.

А. Карабаев — слушатель БФА

РАЗВИТИЕ И СУЩЕСТВУЮЩИЕ ПРОБЛЕМЫ АУДИТА В РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Национальные стандарты аудита определяют лишь общий подход к его проведению, масштаб проверки, виды отчетов аудиторов, вопросы методологии, а также основные принципы, которым должны следовать аудиторы. Однако стандарты не регламентируют конкретные действия, приемы, процедуры, применяемые в процессе проведения проверки. Они могут быть различными, и их рациональность определяется самими аудиторами (аудиторской фирмой). Этой цели служат внутренние стандарты аудита.

Для обеспечения высокого качества оказываемых аудиторских услуг аудиторы и аудиторские фирмы должны на основе национальных стандартов разрабатывать свои внутренние стандарты, учитывающие специфику работы аудиторской фирмы и раскры-

вающие содержание конкретных процедур проведения проверки, сбора аудиторских доказательств, их документирования, политики взаимоотношений с клиентами, внутреннего контроля и внутренней отчетности фирмы, прав и обязанностей сотрудников, требований к уровню их образования и квалификации и др.

Во многом внутренние стандарты призваны выполнять роль четких руководящих указаний для аудиторов и всех сотрудников аудиторской фирмы. При проведении проверок это в известной мере облегчает сбор необходимых доказательств, сокращает время проверки, уменьшает риск ошибок при формировании заключения. Появляется возможность увеличить объем и повысить качество выполняемых работ, шире использовать для проведения проверок аудиторов-ассистентов, сделать технологию организации аудита более современной и рациональной.

В то же время стандарты не должны быть излишне детализированными, сковывать инициативу аудитора, так как это может превратить аудит в механический сбор сведений, не подкрепленный профессиональными суждениями. Подготовка внутрифирменных аудиторских стандартов — процесс трудоемкий, требующий значительных научных знаний, обобщения как положений нормативных актов, так и практического опыта работы аудиторской фирмы.

Принятие специального законодательного акта стало задачей номер один. В декабре 1992 года принят Закон Республики Узбекистан «Об аудиторской деятельности».

Однако для окончательного правового закрепления аудиторской деятельности в Республике был принят Закон «Об аудиторской деятельности» от 26.05.2000 года в новой редакции, что несомненно является шагом вперед с точки зрения существовавшего до этого времени несовершенства законодательства в области аудита.

Закон подвел окончательную черту под периодом становления аудита в Республике Узбекистан. Эта отрасль бизнеса созрела, обзавелась своими правилами и традициями, профессиональными организациями. К мнению аудиторов все чаще прислушиваются государственные чиновники, общественные объединения, депутаты различных уровней, предприниматели.

В то же время остаются серьезные проблемы в развитии аудита, которые Закон решил частично или в принципе не может решить. Среди них хочется выделить три основные.

В первую очередь это профессиональный уровень аудиторов. Существующая система аттестации аудиторов была актуальна для периода становления профессии, когда рынку необходимо было быстро предоставить значительное число специалистов-аудиторов.

